


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СУДЬЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИ ҲУЗУРИДАГИ
СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИ

“ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИ
СУД ОРҚАЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-
ХУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ”
мавзусида ўтказилган давра сұхбати материаллари

(2023 йил 25 октябрь)



Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби Кенгашининг 2023 йил 26 октябрдаги мажлисida маъқулланган

“Интеллектуал мулк объектларини суд орқали ҳимоя қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий таъминлаш масалалари” мавзусида ўтказилган давра сұхбати материаллари. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби. – 120 б.

Тахрир ҳайъати:

юридик фанлар номзоди, доцент **Х-М.Исоқов**, юридик фанлар доктори, профессор **О.Оқюлов**, юридик фанлар доктори, профессор **Б.Тошев**, юридик фанлар номзоди, доцент **М.Қаландарова**, юридик фанлар номзоди, профессор **Қ.Мехмонов**.

Мазкур тўпламдан 2023 йил 25 октябрь куни “Интеллектуал мулк объектларини суд орқали ҳимоя қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий таъминлаш масалалари” мавзусида ўтказилган давра сұхбати материаллари жой олган.

Унда интеллектуал мулк соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг қонунчилик асослари, контрафакт маҳсулотларнинг тарқалишига қарши курашиш борасида мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари, ҳуқуқбузарликлар ва улар учун жавобгарлик масалалари, интеллектуал мулк объектларини суд орқали ҳимоя қилиш амалиёти, бу борада Ўзбекистон ва жаҳон тажрибасига оид фикр-мулоҳазалар ёритилган.

Судьялар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, ҳуқуқшуносликка иқтисослашган таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилар, магистрантлар, судьялик лавозимиға номзодларни тайёрлаш курслари тингловчилари ҳамда бошқа йўналишлардаги мутахассислар фойдаланишлари мумкин. У “Интеллектуал мулк эгалари ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш тизими ҳамда судьяларни интеллектуал мулк соҳасида ўқитиш бўйича мультимедиа маҳсулотларни ишлаб чиқиш” мавзусидаги инновацион лойиҳа (шифри № IL-422105579) доирасида тайёрланди.

Тўпламга киритилган мақолаларнинг мазмуни ва келтирилган фактларнинг ҳақиқийлиги учун муаллифлар масъулдор

© Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби, 2023.

Ҳожи-Мурод Исоқов
Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши хузуридаги
Судьялар олий мактаби директори,
юридик фанлар номзоди, доцент

Хорижий давлатларда интеллектуал мулк объектларини суд орқали ҳимоя қилишга доир қонунчилик ва амалиёт

Бугунги кунда глобал даражада шиддат билан ривожланаётган инновацион иқтисодиёт шароитида дунёning кўплаб ривожланган мамлакатларида интеллектуал мулк объектларига доир ҳукуқларни суд орқали ҳимоя қилиш институти тобора кенгроқ қўлланилмоқда. Шунингдек, ушбу масалага доир ҳалқаро шартномалар юзасидан вужудга келган низоларнинг судга тааллуқлиги масаласида ва суд қарорларининг бажарилиши бўйича ҳам қатор ҳалқаро битимлар ҳамда конвенциялар қабул қилинмоқда.

Ўз фуқароларини интеллектуал мулк объектига нисбатан хорижий давлатларда ҳукуқий муҳофазага олишни кафолатлаш мақсадида 1883 йилда 11 (ўн бир)та давлат саноат мулкини муҳофаза қилиш бўйича Париж Конвенциясини имзолади ва Халқаро Париж Иттифоқини тузди. Ҳозирги вақтда ушбу Конвенцияни 110 (бир юз ўн)дан ортиқ мамлакат имзолаган. Ўзбекистон Республикаси 1993 йилдан буён Париж Конвенцияси иштирокчisi ва Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) аъзоси бўлғанлиги боис интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳукуқларни суд орқали ҳимоя қилиш институтини такомиллаштириш масаласи барча ривожланган мамлакатлар қатори бизнинг ҳукуқий тизимимиз учун ҳам ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир. Мазкур масаланинг моҳиятини тўлароқ англаш учун бу борадаги ҳалқаро амалиёт ва хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Институционаллик. Дастрраб, бу борада ҳалқаро даражадаги институционал тузилма бўлган БИМТнинг Суд институти фаолиятига қисқача тўхталсак. Мазкур Суд институти БИМТ иштирокчи-давлатлари судларига интеллектуал мулк ҳукуқига доир низолар юзасидан одил судловни

таъминлаш борасида муайян ихтисослашган хизматларни кўрсатиб келади. Бунда, албатта, ҳар бир иштирокчи-давлатда қарор топган ижтимоий-иктисодий шароит ва хуқукий анъаналар инобатга олинади.

БИМТнинг Суд институти томонидан миллий мамлакатлар судларига, жумладан, қуйидаги хизматлар кўрсатилади:

-судлар ҳамжамиятлари учун глобал форумлар ўтказиш. Бу форумларда ҳар бир давлатнинг хуқукий тизими, ижтимоий-иктисодий шартшароитларидан келиб чиқсан ҳолда интеллектуал мулк хукуқига доир суд амалиёти юзасидан фикрлар муҳокама қилинади ҳамда жамоавий ёндашувлар шакллантирилади;

иштирокчи-давлатлар судларини улар томонидан интеллектуал мулк хукуқига доир суд низоларини самарали ҳал этилишига йўналтирилган институционал ва инсоний салоҳиятларини қўллаб-қувватлаш;

суд тизимлари ва интеллектуал мулк хукуки низоларига доир чиқарилган суд қарорлари бўйича тадқиқотлар ўтказиш ва уларни мувофиқлаштириб бориш;

WIPO Lex маълумотлар базаси орқали иштирокчи-давлатлардаги интеллектуал мулк хукуқига доир шартномалар, қонун ҳужжатлари, суд қарорлари ва суд бошқаруви хусусидаги ахборотларни олиш эркинлиги даражасини ошириш.

Тахлиллар кўрсатадики, жаҳон мамлакатлари тажрибасида интеллектуал мулк обьектларига бўлган ҳуқуқларни суд орқали ҳимоя қилиш институти институционал нуқтаи назардан ҳар хил тарзда ҳал этилган. Жумладан, Бельгия, Бразилия, Венгрия, Гонконг, Дания, Ироил, Эрон, Испания, Италия, Канада, Голландия, Норвегия, Покистон, Панама, Руминия, Словения, Словакия, Жанубий Америка мамлакатлари, Финландия, Франция, Швеция каби давлатларнинг умумюрисдикия судлари тизимида интеллектуал мулкка доир ишларни кўриб чиқувчи, гарчанд улар турлича номлансада, маҳсус, яъни моҳиятан бир масала – интеллектуал мулк хукукини

химоялашга ихтисослашган судлар, суд таркиблари (дивизионлар) ва бошқача суд тузилмалари фаолият кўрсатади.

Японияда интеллектуал мулк бўйича Юқори суд фаолият кўрсатади, Германия ва Швецарияда – Федераль патент судлари, Корея Республикасида – Патент суди, Россияда – Ителлектуал ҳуқуқ бўйича суд, Хитой ва Португалияда – Интеллектуал мулк бўйича судлар, Таиландда – Интеллектуал мулк ва халқаро савдо масалалари бўйича марказий суд, Мексикада – Солик ва маъмурий ишлар бўйича федераль суднинг Интеллектуал мулк масалаларига доир маҳсус палата, Францияда – Ихтисослаштирилган судлов палаталари мавжуд.

Австрия, Ирландия ва Филиппинда эса интеллектуал мулкка доир низолар тижорат судлари томонидан кўриб чиқилади.

Бразилия, Колумбия, АҚШ ва Чилида интеллектуал мулк билан боғлиқ масалалар апелляция судларида кўрилади.

Австралия, Кения, Янги Зелландия, Сингапурда эса ушбу масалага доир низоларни кўриб ҳал этувчи маҳсус трибуналлар ташкил этилган бўлиб, улар суд саналмайди.

Кўриниб турибдики, дунёning аксарият мамлакатлари суд тизимида патент судлари уларнинг анъанавий (классик) вариантида қарор топмаган. Бундай судлар фақат бир неча давлатда, яъни Германия, Швецария ва Буюк Британиядагина мумтоз шаклда мавжуд. Хусусан, Германияда патент судлари 1961 йилнинг 1 июлидан буён фаолият кўрсатиб келади. ГФР қонунлари интеллектуал мулк ҳуқуқи бўйича доир ишларни кўриш жараёнида, умумий қоидага асосан, судларга низони ҳал этиш учун тарафлар тақдим этган далиллар билан чегараланиб қолмасдан, бошқа манбаларни ҳам жалб этиш ва судга маълум бўлмаган чет давлат ҳуқуқи мазмунини аниқлаш учун барча чораларни кўриш ваколатини беради. Чет давлат ҳуқуқий ex officio меъёрлари мазмунини белгилаш Венгрия, Австрия, Туркия, Италиянинг халқаро хусусий ҳуқуқقا оид қонунларида ҳам назарда тутилган.

Таъкидлаш лозимки, интеллектуал мулк объектлари билан боғлиқ низоларни кўришга ихтисослашган алоҳида судларнинг ташкил этилганлиги интеллектуал мул соҳасида чуқурроқ билимга эга бўлган судьялар корпусини шакллантириш, бу тоифадаги судлов ишларини унификациялаш орқали низоларни сансалорликларсиз, қисқа муддатларда кўриб чиқилишига ҳамда қонуний, асосли ва адолатли суд қарорлари қабул қилинишига замин яратади.

Компетентлилик. Интеллектуал мулк ҳуқуқига доир ишларни кўришга ихтисослашган судларнинг компетенциялари, одатда, интеллектуал мулк объектига ёки кўриладиган иш тоифасига боғлиқ бўлади. Масалан, Швеция Федераль патент суди фақат патент ишларини кўради, қачонки Ҳиндистондаги Интеллектуал мулк бўйича апелляция коллегияси интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг бузилиши билан боғлиқ ишларни кўрмасдан, фақат Патент ва товар белгилари бўйича бош назоратчи маҳкамаси қарорларини ҳақиқий эмаслиги хусусидаги ва апелляциясига доир ишларнигина кўриб чиқади.

Швецияда рўйхатга олинган патент, товар белгиси ёки саноат намунасини ҳақиқий эмас деб топишга боғлиқ ишлар Умумий судлар ёхуд Стокгольм округ суди томонидан (фақат патент бўйича низолар) кўрилади.

Мексикада интеллектуал мулк билан боғлиқ масалаларнинг аксарияти Мексика саноат мулки институти томонидан ҳал этилади, ва, фақат, мазкур Институт ҳуқуқнинг бузилганлиги тўғрисида узул-кесил тўхтамга келган тақдирдагина, лицензия шартномаларининг бузилганлиги ёки зарарни ундириш тўғрисидаги ишлар фуқаролик судлари томонидан кўриб чиқилиши мумкин.

Буюк Британияда (Англия ва Уэльсда), рўйхатдан ўтказилган саноат намунаси ва патентга тааллуқли бўлган интеллектуал мулкка доир низоларнинг барчаси Канцлер бўлинмасининг тузилмаси хисобланувчи Патент суди ёхуд Корхоналар интеллектуал мулки бўйича суди томонидан кўрилади. Қолган тоифадаги интеллектуал мулк билан боғлиқ ишлар мазкур масала юзасидан тажрибалироқ судьялар, шунингдек Патент суди

судьяларини ҳам ўз ичига олувчи кенгрөк таркибдаги Канцлер кўриб чиқилади бўлинмаси томонидан.

АҚШда округ федераль судлари муаллифлик ҳуқуқи бузилишига ва патентга доир ишларни кўриш бўйича мутлақ ваколатга, АҚШ Федераль округ бўйича апелляция суди эса патент низолари бўйича апелляцияларни кўриш бўйича мутлақ ваколатга эга бўлиб, мазкур суднинг қарорлари фақат АҚШ Олий суди томонидан қайта кўриб чиқилиши мумкин. Федераль судлар ва штатлар судлари интеллектуал мулкка доир низоларни кўриб чиқувчи маҳсус тузилмаларга эга бўлмасаларда ушбу умумюрисдикция судлари товар белгиларининг бузилиши ва ноу-хауларни ноқонуний белгилашга доир низоларни кўриб чиқиш ҳуқуқига эгадирлар.

Корея Республикасида патентлар, товар белгилари, фойдали моделлар, саноат намуналари ва селекция ютуқларини ҳимоя қилишга доир ишларни биринчи инстанция судлари тариқасида кўришга ихтисослашган бешта округ судлари фаолият кўрсатади. Сеул Марказий округ суди, гарчанд бошқа округ судларининг судловига тааллуқли бўлсада, бу тоифадаги ҳар қандай ишни кўриб чиқиш ваколатига эга. Муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши ёки ноу-хауни ноқонуний эгаллаш билан боғлиқ низолар бўйича ишлар биринчи босқич судлари тариқасида округ судлари томонидан кўриб чиқилади. Ителлектуал мулк ҳуқуқларини ҳақиқий эмас деб топишга доир даъво аризалари эса Корея интеллектуал мулк бўйича судига, шунингдек Корея интеллектуал мулк масалалари бўйича ташкилотининг маъмурий судига берилиши керак. Корея интеллектуал мулк бўйича суди ва округ судларининг қарорларига нисбатан апелляциялар Патент судига берилади.

Японияда Токио Юқори судининг маҳсус тузилмаси ҳисобланувчи Интеллектуал мулк бўйича юқори суд Япония патент идорасининг қарорлари устидан берилган шикоятларни биринчи босқич суди сифатида, интеллектал мулк соҳасидаги фуқаролик низоларини (кашфиётларга, фойдали моделларга, интеграль схемалар топологияларига ва компьютер дастурларига бўлган ҳуқуқларга доир) ишларни иккинчи босқич суди тариқасида кўриш ваколатига

эга. Токио ва Осаки округлари судлари интеллектуал мулкка доир фуқаролик ишларини кўрига ихтисослашган тузилмаларга эга бўлиб, улар тегишинча Япониянинг шарқий ва ғарбий қисмларидан бўлган ишларни кўриб чиқишиади.

Судлов тартиб-таомиллари. Жаҳон мамлакатлари суд амалиётида интеллектуал мулк ҳуқуқи билан боғлиқ низоларнинг турли судлов иш юритиши тартибида кўрилиши мавжуд. Яъни, интеллектуал мулк ҳуқуқига доир ишлар, юқорида таҳлил қилиб чиққанимиздек, аксарият ҳолларда фуқаролик судлари судловига тааллуқли бўлсада, ушбу масаланинг бошқа турдаги судларда – жиноят, маъмурий ва иқтисодий судлар томонидан ҳам кўриб чиқилишини кузатиш мумкин.

Хорижий мамлакатларнинг жиноятга дахлдор бўлмаган ҳолатлардаги интеллектуал мулк ҳуқуқи билан боғлиқ судлов ишларини асосан уч туркумга ажратиш мумкин: умумюрисдикция судлари бўлган фуқаролик ёки тижорат судлари томонидан қўлланиладиган тартиб-таомилла; интеллектуал мулк масалаларига ихтисослашган судлар томонидан қўлланиладиган тартиб-таомиллар ва маъмурий тартиб-таомилларга асосланган судлов ишлари. Биринчи ва иккинчи туркумдаги судлар томонидан интеллектуал мулк билан боғлиқ ишлар умумий тартибда кўриб чиқилса, учунчи туркумдаги судларда эса низо дастлаб қонунчиликда белгиланган тартибда муайян маъмурий органларда тўлиқ ёки қисман маъмурий тартиб-таомиллардан ўтгандан сўнгтина судларда кўрилади. Бундай суд амалиёти Ҳиндистон, Хитой, Мексика, Чили ва Швеция каби мамлакатларда мавжуддир.

Деярли барча хорижий мамлакатлар судларида интеллектуал мулк билан боғлиқ ишларни кўриш тезлаштирилган тартиб-таомиллар асосида дастлаб муайян суд чекловларини қўллашдан бошланади. Бундай суд чекловларни қўллаш қўйидаги принципларга асосланади:

даъвони таъминлаш нуқтаи назаридан;

суд чекловларини қўлламаслик даъвогарга бартараф этиб бўлмас зарар келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳолатларнинг мавжудлиги;

жавобгар аниқ бўлмаган ҳолатларда суд чекловларини қўлламаслик ҳар иккала тараф манфаатларига зиён етказиш эҳтимоли бор бўлганда;

суд чекловларини қўллаш мажбурияти қонунчилиқда қатъий қилиб белгиланган бўлса.

Баъзи, малакатларда, хусусан Бельгия ва Германияда, суд чекловлар қўллашдан олдин жавобгарга “қўриқловчи ҳат” йўллаши мумкин. Бундай “қўриқловчи ҳат”га нисбатан жавобгар қандай асосларга кўра суд чекловларини қўлламаслик зарурлигини қўрсатган ҳолда ўз эътиrozларини билдириши мумкин. Мексикада жавобгар ўзининг қарама-қарши кафолатини билдириши мумкин бўлиб, бу вақтинчалик суд чекловларининг ҳаракатини тўхтатади. Буюк Британия ва Ҳиндистонда вақтинчалик суд чекловларини қўллаш суд жараёнининг зарурий кичик босқичи ҳисобланади.

Далиллар тақдим этиши қоидалари. Хорижий мамлакатлар тажрибасида интеллектаул мулк билан боғлиқ ишларни кўриб чиқиш жараёнида судга далиллар тақдим этиш қуйидаги меъзонларга асосланади:

барча мамлакатлар судларида, хоҳ у фуқаролик суди бўлсин, хоҳ у ихтисослашган суд бўлсин, судга далиллар тақдим этиш фуқаролик судлови иш юритиши тартибида белгиланган қоидаларга асосланади;

барча мамлакатлар судларида ҳам ҳар бир тараф, яъни ҳам даъвогар ва ҳам жавобгар судда ўз талаб ҳамда эътиrozлари асосли эканлигини исботлаб бериш мажбуриятига эгадирлар;

аксарият мамлакатлар судлов амалиётида деярли бир хил, яъни хужжатли далиллар, тарафларнинг аризалари, гувоҳларнинг қўрсатмалари, эксперт хulosалари, суд текширувлари натижалари иш бўйича далил сифатида тан олинади;

умумий хуқуқ мамлакатлари бўлган Буюк Британия ва Ҳиндистон каби мамлакатлар судловида далил нуқтаи назаридан гувоҳларнинг оғизаки қўрсатмаларига устуворлик берилади, шунинг билан биргаликда суддаги асосий сўроқ пайтида олинган ёзма гувоҳлик қўрсатмалари ҳам суд жараёнинини тартибга солиш борасида инобатга олинади. Кўндаланг савол-

жавоб (*перекрестный допрос*) натижасида суд муайян тарафнинг важ ва эътиrozларини суд текширувидан ўтмаган ҳисоблаб, маъқбул далил сифатида баҳоламаслиги мумкин;

аксарият мамлакатлар судловида интеллектуал мулк бўйича низода даъвогар сифатида қатнашаётган тараф маълумотлар олиш, далилларни аниқлаш, текшириш ва уларни талаб қилиб олиш ҳуқуқига эгадир. Бинобарин, айрим ҳолларда ижобий далиллар фақат жавобгар тарафдагина бўлиши мумкин. Айрим мамлакатларда, хусусан Францияда, жавобгарнинг манфаатларига путур етказмаслик нуқтаи назаридан конфиденциаль маълумот суд пристави ёки бошқа холис шахслар ёрдамида сўраб олиниши мумкин. Баъзи бир давлатлар, жумладан Буюк Британия, Ҳиндистон ва Мексикада суд очиқлаштирилаётган конфиденциаль маълумотни далил сифатида эътироф этсада, ушбу маълумотнинг сирлигини сақлаш тўғрисида муайян суд буйруғи чиқариш орқали у билан танишиш ҳуқуқини суд жараёнининг асосий иштирокчиларидағина қолдириши ва ушбу буйруқни суд қарорига илова сифатида қўшиб қўйиши мумкин. Ҳиндистонда маҳсус ваколатли шахс, бу бу одатда истефодаги собиқ судья бўлади, томонидан далилни назардан ўтказиш каби ноёб суд амалиёти ҳам қўлланилади;

аксарият мамлакатлар судларининг нуқтаи назарига кўра интеллектуал мулк ҳуқуқи билан боғлиқ низоларни кўриб чиқиш жараёнида далилларга мутлоқ (абсолют) нисбат бериш камдан кам ҳолатлардагина мумкин бўлади. Шу боис, судлар, одатда, исботлашнинг қуидаги икки стандартига риоя этган ҳолда қарорлар чиқаришади. Биринчиси, бу “эҳтимоллиги юқорироқ” бўлган принцип бўлиб, у нисбатан мўътадилроқ талабга асосланади, яъни у ёки бу факт ҳақиқатга кўпроқ мос келса ушбу ҳолат исботланган саналади. Иккинчи, нисбатан қаттикроқ бўлган стандарт эса “*асосли шубҳанинг мавжуд эмаслиги*” принципи ҳисобланади. Мазкур принципнинг моҳияти шундаки, судья иш бўйича у ёки бу фактни исботланган деб ҳисоблайди, агарда у бунга ишонса, лекин шак-шубҳасиз ишончли бўлмасада. Айни бу принцип, асосан жиноят ишларини кўриш жараёнига дахлдороқдир. Албатта, аксарият

интеллектуал мулк билан боғлиқ низолар фуқаролик судлови тартибида кўриб чиқилади. Чунончи, патентларга бўлган ҳукуқларнинг бузилишига ёки товар белгиларига доир ишлар жуда камдан кам ҳолатда жиноят судлови тартибида кўриб чиқилиши мумкин, гарчанд суд томонидан заарни қоплаш учун қўлланиладиган сумма жарима характеристига эга бўлсада (мисол учун, АҚШда ва “Европа Иттифоқининг Интеллектуал мулкни суд орқали ҳимоялаш тўғрисидаги директиваси” асосида кўриладиган ишлар). Шунинг билан биргаликда, айрим тоифадаги интеллектуал мулк ҳукуқининг бузилиши билан боғлиқ ишлар кўпинча жиноий-ҳукукий табиатга эга бўлади, масалан, муаллифлик ҳукуқининг қалбакилаштирилиши ва бошқача тарзда жиддий бузилиши ҳолатлари.

Суддаги вакиллик. Хорижий давлатлар судларида интеллектуал мулк ҳукуқи билан боғлиқ ишларнинг кўрилиши жараёнида асосан уч хил тоифа вакиллик институтининг мавжудлигини кўриш мумкин.

Биринчи тоифа вакиллик бу адвокатлар ёки суд ишончли вакиллари бўлган шахслар ҳисобланади (айрим давлатларда, масалан Буюк Британия ва Ирландияда “адвокатлар” оғизаки чиқишлигарга ихтисослашган мустақил юристлардан ҳам иборат бўлиши мумкин).

Иккинчи тоифа вакилликни судларда, адвокат ёки суд ишончли вакили бўлмаган, интеллектуал мулк соҳадаги амалиётчи мутахассислар (масалан, патент ишончли вакиллари, патент агентлари, товар белгилари бўйича ишончли вакиллар, агентлар кабилар) амалга ошириши мумкин.

Учинчи тоифада эса судда вакил бўлиб ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахс иштирок этиши мумкин бўлиб, улар адвокат ҳам, ва ёки, интеллектуал мулк соҳасидаги амалиётчи мутахассис ҳам ҳисобланишмайди. Мазкур тоифадаги вакил сифатида судда корпоратив юрист ёки корхона ходими, жамоат бирлашмалари ва алоҳида фуқаролар иштирок этишади.

Баъзи давлатлар судлов жараёнида фақат адвокатларгина вакил бўлиб қатнашишса, бошқа бир давлатларда бир суд жараёнида бирваракайига бир неча тоифадаги вакилларнинг иштирокига йўл қўйилади. Хусусан, Испания,

Португалия, Чили ва Франция каби мамлакатларда судларда интеллектуал мулк билан боғлиқ низоларнинг кўрилиши жараёнида вакил сифатида фақат адвокатлар ҳамда суд ишончли вакиллари иштирок этиши мумкин.

Германия, Корея Республикаси, Швейцария ва Япониядаги барча интеллектуал мулк билан боғлиқ суд жараёнларида адвокатлар ва суд ишончли вакиллари иштирок этиши мумкин бўлса, интеллектуал мулк объектига бўлган ҳукуқни бекор қилиш ёки тугатиш каби маъмурий тартиб-таомилларда адвокатлардан ташқари интеллектуал мулк соҳасидаги амалиётчи мутахассисларнинг ҳам вакил сифатида қатнашишига рухсат этилади.

Хитой, Мексика, Россия, Перу ва Швеция мамлакатларининг судловидаги ўзаро ўхшашлик шундаки, уларда интеллектуал мулк билан боғлиқ низоларнинг судда кўрилиши жараёнида барча тоифадаги вакилларнинг иштирокига йўл қўйилади. Таъкидлаш жоизки, Хитой қонунчилигидаги баъзи бир чекловлардан фарқли равишда Россия ва Перу давлатлари қонунчилиги маъмурий судларда бирор-бир малакавий талабни қўймаган ҳолда ҳар қандай шахснинг вакил сифатида иштирок эта олишини назарда тутади.

Мавжуд муаммолар. Одатда, хорижий давлатлар судлари томонидан интеллектуал мулк билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш жараёнида, асосан, икки тоифадаги муаммо мавжуд бўлади.

Биринчиси, субъектив омиллар билан боғлиқ бўлса, иккинчиси, объектив қийинчилар ҳисобланади. Чунончи, субъектив муаммолар қаторида судларда мазкур тоифадаги ишларнинг барчасини ҳам кўриб ҳал этиш бўйича тажрибанинг мавжуд эмаслигини айтиш мумкин. Кўп ҳолатларда судга мурожаат этувчиларнинг аксарияти ўзининг ҳукуқларини тўла англаб етмайдилар. Масалан, Россияда судга ариза берганлар ўзларининг низоли мулкка эгалик ҳукуқи расман тан олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим қила олишмайди. Бинобарин, амалдаги қонунчиликка кўра ўзининг ҳукуқлари бузилган деб ҳисоблаган ҳар қандай шахс уни ҳимоя қилиш учун

судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Ҳолбуки, қонунчиликда барча интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳам муаллифлик ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш назарда тутилмаган.

Объектив омиллар сифатида судлар томонидан ушбу тоифадаги ишларни кўриб чиқишида муайян яхлит бир ҳуқуқий асоснинг мавжуд эмаслиги ёхуд тегишли қонун хужжатларининг лозим даражада такомиллашмаганлигини айтиш мумкин.

Хулоса ўрнида. Хорижий давлатлар одил судлов амалиёти бўйича ўтказган мазкур таҳлилимизга асосланган ҳолда эътироф этиш жоизки, Ўзбекистонда сўнгги йилларида амалга оширилган кенг кўламли суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга, иқтисодиётда маъмурий-буйруқбозликка асосланган бошқарув тизимидан воз кечилиб, бозор ислоҳотлари босқичма-босқич амалга оширилгани интеллектуал мулк соҳиблари учун кенг имкониятлар ва қулай шароитлар яратилишига хизмат қилмоқда. Бозор иқтисодиётига асосланган ижтимоий муносабатларнинг тобора ривожланиши, интеллектуал мулкнинг давлат ва жамият ҳётидаги аҳамияти ва ўрнининг кескин ошиб бораётганлиги мамлакатимиз судлари судьялари ҳам ителлектуал мулк билан боғлиқ низоларни самарали қўриб чиқиш бўйича муайян касбий кўникмаларга эга бўлишлари зарурлигини тақазо этмоқда.

Фойдаланилган норматив манбалар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 майдаги “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ти ПФ 67-сон фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 апрель “Интеллектуал мулк соҳасини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ти ПҚ-221-сон қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 июнь “Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш

жараёнини жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-181-сон қарори.

Омон Оқюлов
ТДЮУ профессори,
Ўзбекистонда хизмат қўрсатган юрист,
юридик фанлар доктори, профессор

Интеллектуал мулк ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг концептуал, илмий-назарий асослари

Мамлакатимизда 2023 йил 30 апрел куни ўтказилган референдумда Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди. Янгилangan Конституция янгилangan Асосий Қонунимиз Янги Ўзбекистон стратегиясини амалга оширишни сиёсий ҳуқуқий асосларини яратиб миллий давлатчилик тараққиётининг тарихий муҳим босқичидир. Давлат ва жамиятни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 майдаги Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида ПФ 67-сонли Фармонида Янги таҳрирдаги Конституция олий юридик кучга эга эканлигидан келиб чиқиб барча томонидан тўғридан-тўғри ва сўзсиз қўлланиши белгилаб қўйилди. Асосий Қонунимизнинг 53-моддасида илк бора интеллектуал мулк ҳуқуқи хар томонлама давлат химоясида эканлиги белгилаб қўйилди. Илмий ва техник ижод эркинлиги билан бир вақтда бадиий ижод эркинлиги ҳам ўз мужассамини топди. Интеллектуал мулк бўйича конституцион нормалар бундан кейин бу соҳада қонун ижодкорлиги жараёнида ўзига хос дастуруламал бўлиб хизмат қиласи.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги 5464-Фармойиши билан “Фуқаролик қонун ҳужжатларини такомиллаштириш Концепцияси” тасдиқланди ва бунда фуқаролик қонун ҳужжатларини бозор иқтисодиёти ва халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш масаласи қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга Мурожаатномасида Фуқаролик Кодексини такомиллаштириш вазифаси белгилаб қўйилди. Шу сабабли ҳам бугунги кунда ФКнинг турли қисмлари, институтлари, нормаларини такомиллаштириш бўйича қизғин ишлар олиб борилмоқда. Шу муносабат билан ФКнинг IV-бўлими қандай бўлиши тўғрисида масала ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга.

Фуқаролик Кодекси IV-бўлимининг мазмуни мамлакатимизда амалга оширилаётган хуқуқий ислоҳотлар мантифи билан узвий боғлиқ бўлиши лозим. Бошқача айтганда ФК билан бошқа қонунлар ўртасидаги нисбатни тўғри белгилаш бу ўринда ўта муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кундаги реал холатда ФКнинг IV-бўлими билан интеллектуал мулк бўйича алоҳида қонунлар ўртасидаги бир-бирини тақрорлашлар, параллел тартибга солишлар мутахассислар томонидан хақли эътиrozларга сабаб бўлмоқда. Бунга бархам бериш учун ФКнинг IV-бўлими янгича ёндашув асосида шакллантирилиши талаб этилади. Агар интеллектуал мулк тўғрисида маҳсус тизимлаштирилган кодификациявий норматив негиз Интеллектуал мулк Кодекси (ИМК) қабул қилинар экан, ФК билан ИМК ўртасида ўзаро таъсир доиралари аниқ чегаралаб қўйилиши лозим. Бундан кўриниб турибдики ФКнинг IV-бўлимидаги интеллектуал мулкнинг алоҳида объектларига бағишланган параграфларидан воз кечиш мақсадга мувофиқдир. ФКнинг IV-бўлими умумий қоидаларни кенгайтирилган, бойитилган ҳолда шакллантирмоқ лозим. Дунёнинг баъзи мамлакатларида ФКларда интеллектуал мулкка бағишланган қисмлар мавжуд эмас. Бундай ёндашув амал қилган тизимда ФКда интеллектуал мулк объектлари фуқаролик хуқуқининг объектлари сифатида эслатиб ўтилади холос. Бироқ, қуйидаги асосларга кўра фуқаролик қонунчилигини такомиллаштиришда бундай ёндашувни қўллаб бўлмайди.

Биринчидан, ФК ахоли энг кўп мурожат қиласиган қонун хисобланади. У кенг қамровли доирадаги муносабатларни тартибга согани сабабли ахолининг катта кўпчилиги кодекснинг у ёки бу қисмларига тақрор ва тақрор мурожат этиш холатлари табиий, реал воқелик хисобланади. ФКда мулк

хуқуқи конструкцияси мавжуд экан, кишилар номоддий объектларга нисбатан интеллектуал мулк конструкциясини, мутлоқ (мустасно) хуқуқлар конструкциясини айнан ФК орқали билишлари, бу тўғрисида тасаввурга эга бўлишлари мухим аҳамиятга эга. Мулк хуқуқи конструкцияси ФКга жойлаштирилган холда, интеллектуал мулк хуқуқи конструкцияси бошқа қонунга жойлаштирилиши мантиқсизлик бўлур эди. Кундалик турмушда кишилар камдан кам мурожат этадиган интеллектуал мулк тўғрисидаги алоҳида қонунлар интеллектуал мулк тўғрисида алоҳида тасввур бермайди, балки фақат интеллектуал мулкнинг алоҳида объектлари, масалан, саноат мулки конструкцияси ёки муаллифлик хуқуқи конструкцияси тўғрисида тасаввур беради. Агар ФКнинг IV-бўлимида интеллектуал мулк тўғрисида умумий қоидалар бўлмаса, бу ҳолда интеллектуал мулк ва мутлоқ (мустасно) хуқуқлар конструкциялари фақат тор доирада одамлар тушунадиган мавхум конструкцияларга айланиб қолиши мумкин. Холбуки оддий кишиларнинг хуқуқий онгига мулк хуқуқи хақида қандай тасаввур бўлса, интеллектуал мулк хуқуқи хақида ҳам худди шундай тасаввур бўлиши реал воқеъликнинг мухим талабидир. ФКнинг IV-бўлимида интеллектуал мулк конструкцияси ва мутлоқ (мустасно) хуқуқлар конструкциясининг мавжудлиги хуқуқий онгимиз ва хуқуқий маданиятимиз юқори савияда бўлиши учун ўзига хос маърифий таълимий функциясини бажаради.

Иккинчидан, ФКда мулкий ва шахсий хуқуқларни моҳияти ва уларнинг алоҳида турлари белгилаб қўйилмоғи лозим. Мулкий хуқуқларнинг муайян турлари ва шахсий хуқуқларнинг муайян турлари ҳам интеллектуал фаолият ва интеллектуал мулк билан узвий боғлиқ. Уларнинг ФКда ўз ифодасинин топмаслиги ва фуқаролик қонун хужжатлари тизимига сочилиб кетиши хуқуқий тартибга солиш механизмини заифлаштиради ва ҳукуқни қўллаш амалиётига салбий таъсир кўрсатади.

Учинчидан, ФКда интеллектуал мулкка бағишлиланган маҳсус қисмнинг мавжудлиги ФК томонидан фуқаролик хуқуқий муносабатларни қамраб олинганлик даражасини кенгайтиради. Бу эса фуқаролик хукуқи

доктринасини сунъий равища қисмларга бўлинишини олдини олади, унга яхлитлик ва узвийлик бахш этади.

Ва нихоят тўртинчидан, ФКнинг IV-бўлимида интеллектуал мулкка бағишлиланган умумий қоидаларнинг белгилаб қўйилиши интеллектуал мулкни янги вужудга келган обьектлари учун ўзига хос юридик негиз вазифасини бажаради. Маълумки, кишилик тараққиётининг энг динамик ривожланаётган соҳаси фан техника соҳаси хисобланади. Бу жараёнда кўплаб янгидан янги интеллектуал мулк обьектлари вужудга келмоқда. Улар вужудга келгандан бошлаб, фуқаролик муомиласида обьект сифатида ўз ўрнини эгаллаб ундан фойдаланиш бўйича маҳсус ҳуқуқий механизм яратилгунига қадар, муайян муддат талаб этилади. Ушбу муддат оралиғида ФКнинг IV-бўлими умумий қоидалари орқали ундан фойдаланиш ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш амалга оширилди ва ҳуқуқий бўшлиқлар вужудга келишининг олди олинади.

ФКнинг IV-бўлимида ижод эркинлигига бағишлиланган маҳсус умумхуқуқий тамойил мустахкамлаб қўйилмоғи лозим. Ушбу тамойил моҳияти, мазмуни биринчи галда Инсон ҳуқуқлари умумжахон Декларацияси, 1966 йилдаги Ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддаси мазмунидан келиб чиқмоғи лозим. Яъни ушбу норма кишиларга ижод эркинлигини кафолатловчи декларацияни ўзида мужассам этмоғи мақсадга мувофиқдир. Бу ўринда шуни таъкидлаш ўринлики, юқоридаги манбаларда асосан илмий ижод эркинлиги тўғрисида сўз боради. Хақиқатдан хам илмий ижод кишиларни теварак оламни моддий ва маънавий ривожлантирувчи неъматларни ишлаб чиқарувчи қудратли жараёндир. Лекин илмий ижод билан бирга, бадиий ижод хам мавжудлигини унутмаслик лозим. Бадиий ижод орқали адабиёт ва санъат асарлари вужудга келади. Тўғри, бадиий ижод муайян доирада, яъни қонун ва одоб ахлоқ қоидалари доирасида амалга оширилмоғи лозим. Ёвузликни, ирқий айирмачиликни, диний экстремизмни, фахш, бузуклик, бехаёликни кашф этмаслиги ва тарғиб этмаслиги алоҳида муҳам аҳамиятга эга. Бадиий ижод эркинлиги ижод эркинлигининг таркибий қисмидир. Шу сабабли ҳам фақат

илмий ижод эркинлиги тўғрисида гапириш ва нормани ҳам шу доирада мужассамлантириш чекланганликни англатади. Умумхуқуқий тамойил сифатида ҳам, илмий ҳам бадиий ижод эркинлигини ўзида қамраб олган ижод эркинлиги назарда тутилмоғи мақсадга мувофиқдир. Айнан ушбу нормада интеллектуал фаолият соҳасида илмий ғояларни тўғрилиги, нотўғрилиги уларга баҳо бериш илмий жамоатчиликни прерогативаси эканлигини белгилаб кўйиш ва муайян илмий ғояни тўғри ёки нотўғрилигини сиёсий хокимият томонидан ёки суд томонидан белгиланиши таъқиқланиши хақида ҳам норма киритилиши таклиф этилади. Чунки, яқин ўтмиш тажрибаси бунга далолат қилмоқда. Ер думалоқ эканлиги тўғрисида гапирган олимларнинг гулханда куйдирилиши, марксистик ақидалар доирасига сифмагани учун генетика ва кибернетикани сохта фан деб эълон қилинганлиги ва бу ҳолат тараққиётимизни ўз даврида секинлаштирганлигини унутмаслигимиз лозим. Ижод эркинлиги тамойилининг таркибий қисми бўлиб ижодий фаолият ва унинг натижаларининг устуворлиги ва авфзаллиги презумпциясини белгилаб кўйиш хисобланади. Бошқача айтганда ижтимоий хаётнинг барча соҳаларида интеллектуал фаолият натижалари мазмун жиҳатдан янгилиги, сифат жиҳатдани самарадорлиги, фойдалилиги каби хоссалари билан ажralиб туради. Мехнат қонунчилигига креатив, ижодий фикрловчи ходим билан оддий фикрловчи ходим ўртасида танловда интеллектуал салоҳияти юқори шахсга афзаллик берилиши белгилаб қўйилган. Товарлар, ишлар, хизматлар танловларида ҳам янги техника, технологияга асосланган товарлар, ишлар, хизматларга устунлик берилиши олтин қоида хисобланади. Бинобарин, ушбу реал воқеъликдан келиб чиқиб, қонун хужжатларида бошқача белгиланмаган бўлса ёхуд фуқаролик муносабатлар моҳиятидан бошқача хол англашилмаса, фуқаролик муомиласида интеллектуал фаолият ва унинг натижаларига афзаллик ва устуворлик берилиши хақидаги новелла киритилиши ўринли бўлур эди.

ФКНИНГ IV-бўлимида интеллектуал мулк объектларини хозирги турлари сақланиб қолган ҳолда очик рўйхат асосида қўйидаги янги турларни киритиш лозим.

Географик қўрсаткичлар. Географик қўрсаткичлар товар келиб чиқган жой номи билан бир хил эмас, алоҳида, мустақил обьект хисобланади. Географик қўрсаткичлар нафақат индивидуаллаштириш воситаси сифатида, балки саноат мулки ҳукуқи ёки муаллифлик ҳукуқи билан уйғунлашган тарзда намоён бўлувчи ўзига хос обьект хисобланади. У тижорат муомиласида товарлар, ишлар, хизматлар бўйича кишилар учун ўзига хос мўлжал олиш мезони вазифасини бажаради.

Сунъий интеллект. Бунгунги кунда сунъий интеллект фан ва техника тараққиётининг алоҳида маҳсули сифатида намоён бўлмоқда. Айни пайтда уни интеллектуал мулк обьекти стифатида қатор хусусиятлари мавжуд. Биринчидан у инсон ижодий фаолиятининг натижаси ва айни пайтда ўзи ҳам ижодий фаолият билан шуғулланиб, янги интеллектуал мулк объектларини яратувчиси хисобланади. Шу муносабат билан илмий доираларда сунъий интеллект томонидан яратилган ижодий фаолият натижаларининг муаллифи ким деган муаммо теварагида бахс, мунозаралар бўлмоқда. Биринчи ёндашувга кўра сунъий интеллект инсон ижодий фаолиятининг маҳсули экан, уни дастурий асосини яратган ижодкор олим сунъий интеллект яратган интеллектуал фаолият натижаларининг ҳам муаллифи бўлиб хисобланади. Бир жиҳатдан олганда, бу тўғрига ўхшайди. Ҳақиқатдан ҳам бирламчи муаллиф бўлмаганда, сунъий интеллект томонидан яратилган интеллектуал мулкнинг хосила обьекти ҳам бўлмас эди. Лекин бошқа жиҳатдан олганда, сунъий интеллект оддий техник қурилма эмас, у ўзини-ўзи ривожлантирувчи, ташқи дунёдан мустақил равишда ўзини-ўзи камол топтирувчи онгли, фикрловчи мавжудод. Унинг фикрлаши, онгли, ижодий савия даражасида бўлади. Шу жиҳатдан олганда у инсон билан тенг, беками-кўст ижодий фаолият субъекти хисобланади. Бир вақтлар ушбу сатрлар муаллифи сунъий интеллект хеч қачон тўла қонли ҳукуқ субъекти бўла олмайди, чунки унда эрк-ирода ва

англанган манфаат мавжуд эмас деган фикр-мулоҳазани илгари сурган эди.¹ Бироқ бугинги кунга келиб вазият жиддий ўзгарди. Вазиятнинг бундай ўзгариши “200 ёшли киши” фильмидаги роботни техник қурилмадан биологик мавжудодга айланиши орқали рўй бергани йўқ. Саудия Арабистони сунъий интеллект асосида ишловчи роботларни тўла қонли ҳуқук субъекти сифатида тан олди. Дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам бунга тақлид қилинишини истисно этиб бўлмайди. Иккинчи томондан олганда, сунъий интеллект нафақат бунёдкор куч, балки ёвуз куч сифатида ҳам намоён бўлмаслигига хеч ким кафолат бера олмайди. Бу ҳолда “Терминатор” фильмининг сюжети турлича кўринишларда реал воқеъликка айланиб кетиши хеч гап эмас. Агарда юридик тил билан таъриф берадиган бўлсак, сунъий интеллект оширилган хавф манбаси бўлиб хисобланади. Одатда оширилган хавф манбаи бўлган турли машиналар, технологиялар, техник қурилмалар инсонни тўлиқ назорати ва бошқариши остида фаолият юритиши кафолатланмаслиги орқали намоён бўлади. Шу сабабли ҳам ФКнинг 999-моддасида фаолияти теварак атрофдагиларга ошиқча хавф туғридиган юридик шахслар ва фуқаролар (транспорт ташкилотлари, саноат корхоналари, қурилишлар, транспорт воситаларининг эгалари ва бошқалар) ошиқча хавф манбаи сифатида етказилган зарарни, агар зарар бартараф қилиб бўлмайдиган куч ёки жабрланувчининг қасдан қилган ҳаракати оқибатида юзага келганини исботлай олмасалар, тўлашлари шарт деб белгилаб қўйилган. Бошқача айтганда оширилган хавф манбаи эгаси айбидан қатъий назар жавоб беради. Бироқ, сунъий интеллект ўзини-ўзи ривожлантирувчи ва ташқи омиллардан мустақил равишда етарли салоҳиятга эга (ўз салоҳияти ўзи учун етарли - самодостаточный) субъект бўлиб хисобланади. Бу ҳолда сунъий интеллект дастурий маҳсулотининг муаллифига нисбатан жавобгарлик белгилаш қай даражадаadolat, оқилоналиқ ва инсоф мезонларига жавоб беради деган савол туғилади. Бинобарин, Фуқаролик Кодексида сунъий интеллект қурилмаси

¹Қаранг:О.Оқулов. Проблемы совершенствование правового статуса интеллектуальной собственности. Автореф. Докт.диссерт.-Т.: 1999. -С.9.

сифатида фаолият юритаётган объектларни ва улар томонидан яратилган интеллектуал мулк объектларини ҳуқукий режимини белгилаш муаммоси вужудга келади. Келгусида сунъий интеллектни ижтимоийлашуви рўй бериши башорат қилинмоқда. Бу ҳолда сунъий интеллект ижтимоий муносабатларда қатнашар экан, ҳам мустақил ҳуқуқ субъекти сифатида, ҳам ижодий фаолият субъекти сифатида майдонга чиқиши эҳтимолдан холи эмас. Уни оширилган хавф манбаи сифатида ФҚда белгилаб қўйиш зарурияти исбот талағ қилмайдиган аксиомадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 февралдаги “Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шартшароитларни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ4996-сонли қарорида иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада, давлат бошқаруви тизимида сунъий интеллект технологияларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланишда ягона талаблар жавобгарлик, хавфсизлик ва шаффофликни белгиловчи норматив ҳуқукий базани ишлаб чиқиш талаби қўйилган. Сунъий интеллектни интеллектуал мулк обьекти сифатида ФҚда белгилаб қўйиш ушбу вазифани ўзига хос ижроси сифатида намоён бўлади.

ФКнинг IV-бўлимида интеллектуал мулк обьекти сифатида рационализаторлик ечимларини ҳам киритиш ўринли бўлур эди. Ўз моҳиятига кўра рационализаторлик ечимлари фойдали модел даражасидан пастроқ бўлган новаторлик ечимиdir. Рационализаторлик ечими хар бир корхона, ташкилот доирасида техника ва технологияларни такомиллаштириш, меҳнатни илмий асосда ташкил этиш бўйича ечимлар ишлаб чиқадиган ўзига хос манба сифатида қаралиши мумкин. Рационализаторлик ечими ижодий фаолият натижаси бўлиб, хар бир ходимни ўз фаолиятига креатив ёндашувга ундейди ва моддий маънавий рағбатлантириш учун асос бўлади. Ўзбекистонда 90-йилларнинг бошларида Хукумат томонидан рационализаторлик таклифлари тўғрисида Низом тасдиқланган. Рационализаторлик таклифлари Белоруссияда ўзининг маҳсус режимига эга. Агарда рационализаторлик ечими

интеллектуал мулк обьекти сифатида тан олинса, ходимларнинг наваторлиги оммавий тус олиши учун ҳуқуқий замин яратилади.

ФКнинг IV-бўлимида лицензия шартномалари тўғрисида нормалар тизими ўзини ифодасини топиши мумкин. Лицензия шартномалари орқали интеллектуал мулк бўйича ҳуқуқ сохиблари обьектлардан фойдаланиш учун маҳсус рухсатнома тизими яратилади. Бугунги кунда интеллектуал мулк бўйича ҳуқуқ сохиблари норезедент субъектлар экан, Ўзбекистонда илғор техника технологияларни жалб этиш фақат лицензия шартномалари орқалигина амалга оширилиши мумкин.

Интеллектуал мулк соҳасида ўзбекча атама, иборалар тизимини илмий асосда шакллантириш вақти келди. Интеллектуал мулк бўйича мутлақ ҳуқуқ иборасини мустасно ҳуқуқ ибораси билан алмаштириш борасида жўяли фикрлар айтилмоқда. Озарбайжон ва Туркманистон Фуқаролик Кодексларида худди шундай ибора қўлланилган. Бу ибора мамлакатимиз илмий адабиётларида ҳам кенг қўлланиб келинади.

Маълумки, ҳуқуқни умумий тамойили сифатида нимаки таъқиқланмаган бўлса рухсат берилади, қоидаси қўлланилади. Бу Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисидаги Конунда ҳам ўз ифодасини топган, бироқ, бутун дунё бўйича интеллектуал мулкка нисбатан ҳуқуқ сохиблари билан интеллектуал мулк обьектларидан фойдаланувчилар ўртасидаги муносабатларда олтин қоида сифатида “нимагаки рухсат берилмаган бўлса таъқиқланади” тамойили қўлланилади. ФКнинг IV-бўлими умумий қоидаларида ушбу тамойил ҳам ўз ифодасини топмоғи лозим.

Интеллектуал мулк обьектлари бойлик сифатида, товар сифатида намоён бўлар экан, уларни баҳолаш ва тижоратлаштириш механизми яратилмоғи лозим. Ўзбекистон Республикасининг “Илм фан ва илмий фаолият тўғрисидаги” қонунида илмий фаолият натижаларини баҳолаш ва тижоратлаштириш бўйича новеллалар мавжуд. Бироқ бу новеллаларни амал қилиш доираси интеллектуал мулкни барча соҳаларини қамраб олмайди. Шу сабабли ҳам, ФКнинг IV-бўлимида интеллектуал мулк обьектларини

бахолашнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларни тижоратлаштириш тартиб қоидалари тўғрисида маҳсус нормалар назарда тутилиши лозим. Агар ФКИНГ IV-бўлими юқоридаги мушохадалар асосида шакллантирилса, у ҳолда интеллектуал мулк обьектларидан самарали фойдаланиш ва ҳукуқ сохиблари манфаатларини самарали ҳимоя қилиш учун ҳукуқий негиз яратилган бўлур эди.

Фойдаланилган норматив манбалар:

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабря Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 февралдаги “Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ4996-сон қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги “Фуқаролик қонун ҳужжатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5464-сон фармойиши.

8. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 октябрдаги “Илм фан ва илмий фаолият тўғрисидаги” қонуни.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 майдаги “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ67-сон фармони.

Бобоқул Тошев

Санъаткор, ижодкор ва ижрочиларнинг
муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш
палатаси раиси, юридик фанлар
доктори, профессор

Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишга оид давлат-ҳуқуқий сиёсатининг устувор йўналишлари

Республикамизда маданият, санъат вакиллари, муаллифлар ва ижрочиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, мамлакатимиз ва хорижий давлатларда уларнинг мулкий ҳуқуқларини бошқариш орқали муаллифлик ҳақини йиғиш ва тўлаш, миллий асарлар ва санъат намуналари билан халқаро ҳамжамиятни танишириб бориш йўлида алоҳида давлат сиёсати юритилмоқда.

Ҳар қандай асар, у бадиий, илмий ёки санъат асари бўладими бутун дунё жамоатчилигига ҳавола этилади. Муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилишга қаратилган халқаро универсал хужжатлар ёки минтақавий хужжатлар асарлардан халқаро доирада фойдаланиш кафолатини беради ва халқаро-ҳуқуқий ҳимоя тизимларини ҳам йўлга қўйилган. Масалан, МДҲ томонидан 1993 йил 22 январда қабул килинган Устав соҳага оид регионал ҳамкорликка йўл очди. Хусусан, уставнинг 19-моддасида “интеллектуал мулкни ҳуқуқий муҳофаза қилиш” алоҳида йўналиш сифатида белгилаб олинган.

Интеллектуал мулк, хусусан, муаллифлик ҳуқуқини амалда таъминлашда қонун устуворлигига риоя қилиш муҳим омиллардан ҳисобланади. Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 53-моддаси бадиий ижод эркинлиги кафолатлари, интеллектуал мулкнинг қонун билан муҳофаза қилиниши каби нормаларнинг киритилиши орқали бежизга кучайтирилмади.

Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш биз бунёд этаётган демократик, ҳуқуқий ва дунёвий давлатнинг бош мезони эканлиги таъкидланишида катта маъно бор. Ҳақиқатан ҳам, қонун устуворлиги таъминланган давлатда демократик қадриятлар қарор топади, инсон ҳуқуқлари рўёбга чиқади, мустаҳкам ва ишончли бошқарув амалда бўлади.

Ўзбекистон 2005 йилдан бошлаб ҳозирга қадар муаллифлик хукуки ва турдош ҳукуқларни муҳофаза қилишга доир бешта халқаро шартномани имзолаган. Яъни, давлатимиз зиммасига соҳага оид халқаро мажбуриятлар олган. Халқаро ҳамжамият бу соҳадаги ишларимизни кузатиб турибди. Қонунчиликни такомиллаштириш, кучли ҳимоя тизимларини йўлга қўйиш, халқаро рейтингларимизни мустаҳкамлаш, дунё ҳамжамиятини амалга ошираётган ишларимиздан хабардор қилиш орқали халқаро мажбуриятларимиз бажарилишига эришиш мумкин.

Интеллектуал мулк обьектлари бугунги кунда муомалага энг кўп киритиладиган, катта даромад манби бўлган, бутун иқтисодиёни ривожлантириш ва ишлаб чиқариш корхоналарини янги технологиялар кўринишида жиҳозлашга кўмаклашадиган, инсон тафаккурини ўзгартириш ва янги билимлар манбаи бўлгани билан ажралиб туради. Шунга кўра, ҳар қандай ихтиро ва асар аслида мамлакатнинг иқтисодий бойлиги ҳисобланади. Масалан, АҚШ миллий даромадидан 35 фоизга яқини, Европа Иттифоқи давлатларининг 45 фоизга яқини айнан интеллектуал мулк обьектларидан фойдаланиш натижасида олинади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 10 сентябрь куни Ислом ҳамкорлик ташкилотининг фан ва технологиялар бўйича Остона шахрида бўлиб ўтган биринчи саммитида сўзлаган нутқида “*Айни вақтда кўплаб мусулмон мамлакатлари илм-фан ва технологиялар соҳасида ривожланган давлатлардан сезиларли даражада орқада қолаётганини тан олиш лозим...* 2015 йилда дунё бўйича патент олиши борасидаги мурожсаатларда бу мамлакатларнинг ҳиссаси атиги биру ўндан тўйқиз фоизни ташкил этган. Ташкилотга аъзо давлатларда 2016 йилда эълон қилинган илмий мақолаларнинг қарийб 80 фоизи 7 та давлат ҳиссасига тўғри келган”, деб куюниб гапирган эди.

Маълумки, тараққиёт бугун глобал интернет тизимига бевосита боғлиқ бўлиб қолмоқда. Халқаро интернет тизими, турли сайтлар, ижтимоий тармоқларга асарлар ва ижроларни рухсатсиз жойлаштириш, халқаро доирада

ахборот бозоридан жой олиш, тезкорлик билан ахборот тарқатиш орқали катта даромад олиш, ушбу соҳага ихтисослашган давлат, тижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг қизиқишига айланиб бормоқда. Лекин, бунда хуқуқ эгаларига муаллифлик ва ижрочилик ҳақи тўламаслик ҳолатлари давом этаётгани ташвишли ҳол.

2021 йил 12 ноябрь куни МДХ иштирокчи-давлатларининг хукумат раҳбарлари кенгashi йиғилишида имзоланган “МДХ иштирокчи-давлатларининг ахборот-телекоммуникация тармоқларида муаллифлик хуқуқи ва турдош хуқуқ объектларига бўлган хуқуқларни муҳофаза ва ҳимоя қилиш бўйича ҳамкорлиги тўғрисида”ги битим телекоммуникация тизимлари ва интернетда хуқуқларни ҳимоя қилиш борасидаги янги қадам бўлди. Ушбу Битимга республикамиз Президентимизнинг 2022 йил 3 октябрдаги қарори (2022 йил 13 ноябрдан кучга кирди) билан қўшилди.

Мазкур Битим нормаларининг амалда таъминланиши учун телекоммуникация тизимларида муаллифлик ва ижрочилик хуқуқларига тўлиқ риоя этиш, асарлар ва ижролардан рухсатсиз фойдаланишининг олдини олиш, қонуний даромад олиш ва ҳисобдорлик тизимини жорий этиш учун интернетнинг хуқуқий мақомини белгилаш, рақамли муҳитда мулкий хуқуқларни бошқаришни йўлга қўйиш учун янги қонунчилик хужжатларини қабул қилиш, амалдаги қонунчиликни эса янада такомиллаштириш лозим бўлади.

Мамлакатимизда соҳада самарали ва таъсирчан давлат бошқаруви ташкил этилган. Соҳада давлат бошқарувини такомиллаштириш бўйича жадал ислоҳотлар ҳам амалга оширилмоқда. Президентимизнинг 2022 йил 17 мартағи “Фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда хуқуқий хизмат кўрсатишда адлия органлари ва муассасалари фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан Адлия вазирлиги зиммасига қўшимча вазифалар юклатилди. Ушбу вазирлик интеллектуал мулк соҳаларида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи ваколатли давлат бошқаруви органи сифатида белгиланди.

Шунингдек, юртбошимизнинг 2023 йил 27 июлдаги “Маъмурий ислоҳотлар доирасида маданият ва туризм соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони маданият соҳасида давлат сиёсатини янада чуқурлаштиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Мазкур ҳужжат билан Маданият вазирлиги фаолиятининг устувор йўналишлари алоҳида белгилаб берилди. Улардан бири сифатида маданият соҳасида қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш белгиланди. Бундан кўринадики маданият ва санъат соҳасини хуқуқий тартибга соладиган қонунчилик орасида муаллифлик хуқуки ва турдош хукуклар ҳам бор. Демак, соҳада қабул қилинган қонунлар, Президент фармонлари ва қарорлари, хукумат қарорлари, ваколатли давлат бошқаруви органларининг қарорлари ижросини таъминлаш лозим.

Назаримизда, Маданият вазирлиги тизимида соҳага оид қонунчилик устидан назорат қилувчи инспекция, марказ ёки департамент, улар қандай аталмасин, маҳсус тузилма ташкил этилиши, унга профессионал, малакали кадрлар ишга олиниши лозим. Бундай тузилманинг бўлиши муаллиф (меросхўр)лар, ижрочилар, фонограмма ишлаб чиқарувчилари ва фильмлар яратувчилари хукуқларига риоя этилишини тизимли мониторинг қилиш, соҳадаги хукуқбузарликларни аниқлаш, контрафакт маҳсулотлар айланувига чек қўйиш, хукуқбузарликларни тезкор-қидирув тадбирлари орқали аниқлаш ва ўз вақтида чора кўриб бориш имконини беради.

Бу соҳада етарли назоратнинг ўрнатилмагани, қабул қилинган қонунчилик хужжатларнинг ижроси ўз вақтида таъминланмаётгани, айниқса, санъат асарларидан рухсатсиз фойдаланиш, уларни бузиб ижро этиш, шоир, бастакор ва бошқа муаллифларга тегишли ҳақ тўламаслик каби ҳолатларнинг мавжудлиги ачинарли ҳолдир.

Бизнингча ижодкорлар, санъаткорлар ва ижрочиларни моддий жиҳатдан қўллаб-куватлаш учун қуийдаги муаммолар ечимини топишимиизга тўғри келади. Мамлакатимизда яратилган ҳар қандай асар, жумладан санъат асарлари, мумтоз ва ижрочилик намуналарининг ягона репертуар базасини

шакллантиришда асарлар ва ижроларни инвентаризация қилиш, асарларни моддий ахборот ташувчи воситаларга ўтказишнинг ҳукукий асосларини такомиллаштириш керак.

Муаллифлик ҳукуқи соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган вазифалар, риоя этилиши лозим бўлган талабларнинг бажарилиши маданият ва санъатнинг халқ ҳаракатига айланиши, ушбу соҳада давлат сиёсатини юритиш орқали маданияти юксак бўлган жамиятни шакллантириш, барча тоифадаги санъат, маданият ходимлари, ижодкорлар ва уларнинг меросхўрлари қонуний манфаатларини таъминлаш орқали уларга муносиб ҳурмат кўрсатиш намунаси ҳисобланади.

Соҳага оид қонунчилик ҳужжаларининг кўплиги уларни ижросини таъминлашда маълум қийинчиликлар туғдирмоқда. Шунга кўра, миллий қонунчиликни тизимлаштириш орқали қатор муаммолар ечимини топиш мумкин. Бугунги тараққиёт интеллектуал мулк соҳасидани қонунчиликни кодификация қилишни, яъни барча қонунчилик ҳужжатларини алоҳида кодексга жамлашни тақозо этмоқда. Аслида, “Интеллектуал мулк кодекси”ни қабул қилиш ташаббуси Президентимизга тегишли.

Кодекс лойиҳасини яратишида албатта халқаро тажрибадан фойдаланиш самара бериши мумкин. 2010 йил 7 апрелда МДҲ аъзо давлатлари Парламентлараро Ассамблеясининг ўттиз тўртинчи ялпи мажлисида МДҲ аъзо давлатлари учун “Интеллектуал мулк модел кодекси” қабул қилинди. Модел кодексда интеллектуал мулк объектларининг мақоми аниқ белгиланган, ҳукукий муҳофазаси бир тизимда жойлаштирилган. Ҳар бир бобда объектларнинг умумий муҳофаза йўналишлари алоҳида кўрсатилган.

Янги кодексда интеллектуал мулкка оид халқаро нормалар янги кодексда имплементация қилиш, унификация қилиш ва уйғунлаштириш (гармонизация) орқали сингдирилади. Интеллектуал мулк ҳукуқига оид халқаро ҳуқук нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш зарурати халқаро ҳуқук нормаларининг миллий қонунчилик нормаларидан

устунлигини таъминлаш, халқаро ҳукуқ нормаларини суд амалиётида қўллаш механизmlарини жорий қилишда катта аҳамият касб этади.

Интеллектуал мулк ҳукуқи соҳасидаги халқаро шартномаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш орқали миллий қонунчилик ва халқаро шартнома қоидалари бир хиллашади. Шунга кўра, интеллектуал мулк обьектлари ва уларнинг яратувчилари бўлган муаллифлар ҳукуқларини ягона “Интеллектуал мулк кодекси” орқали муҳофаза қилишга ўтишни даврнинг ўзи талаб этмоқда.

Мамлакатимизда бугунги кунда муаллифлик ҳукуқини ҳимоя қилишга оид кучли қонунчилик асослари яратилган, соҳада алоҳида давлат сиёсати юритилмоқда. Президентимиз раҳбарлигига 2020 йил 12 октябрь куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган “Интеллектуал мулк обьектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги видеоселектор йиғилишида соҳада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳақида батафсил тўхталган эди. Йиғилишда мазкур соҳада таълим муассасаларида интеллектуал мулк муҳофазасини таъминлаш бўйича мутасадди идораларга алоҳида топшириқлар берилган эди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, соҳада қонунчилик асослари янада такомиллаштиришга ҳаракат қилинмоқда. Жумладан, Президентимизнинг 2022 йил 26 апрелдаги “Интеллектуал мулк соҳасини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарор билан 2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасида интеллектуал мулк соҳасини ривожлантириш стратегияси, стратегияни 2022-2023 йилларда амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди.

“Йўл харитасида” муҳим вазифалар белгиланган. Хусусан, муаллифлик ҳукуқи ва турдош ҳукуқларни ҳимоя қилиш тизимини комплекс такомиллаштириш бўйича илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва таклифлар тайёрлаш, ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорликда интеллектуал мулк соҳасидаги ҳукуқбузарликларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича қўшма

ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш ҳамда шу каби қатор мұхим вазифалар белгиланған.

Муаллифлик ҳуқуқига риоя этилиши билан бөғлиқ мұммолар ҳатто Үзбекистон Республикаси Олий мажлиси Сенатининг Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиқликни таъминлаш масалалари қўмитаси томонидан ўрганилди. 2022 йил 15 декабрь куни Қўмитанинг кенгайтирилган мажлисида ўрганиш натижалари кўриб чиқилди ва тегишли қарор қабул қилинди. Қарор назоратга олинган бўлиб, унда бошқа давлат бошқаруви органлари олдига катта вазифалар қўйилган.

Мамлакатда очиқ сиёсат ва кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилаётган, миллий қонунчилик такомиллаштирилаётган бўлса-да, лекин интеллектуал мулк, хусусан, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар соҳасида ҳуқуқий билимлар тарқатилиши суст. Соҳада олимлар ва мутахассислар етишмайди. Асарлардан рухсатсиз ва ўзбошимчалик билан фойдаланиш одат тусига айланган. Муаллифлар ва ижрочиларнинг асарларидан фойдаланганда ҳақ тўлашга ҳар доим ҳам риоя этилмайди. Шунга кўра мамлакат иқтисодиётида интеллектуал мулкнинг улуши пастлигича қолмоқда .

Соҳани ривожлантиришга инвестициялар жалб этилмаяти, давлат ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятларини бажаришда қатор қийинчиликлар ҳам юзага келмоқдаю. Ҳуқуқни қўллаш амалиёти яхши йўлга қўйилмаган, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти сустлиги сабабли мамлакатнинг халқаро имиджига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Юқоридаги муаммоларнинг ечимини топиш, соҳа тўпланиб қолган тизимли тўсиқларни олиб ташлаш, жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини кўтариш орқали муаллифлик ҳуқуқига хурмат ҳиссини шакллантиришимиз мумкин.

Фойдаланилган норматив манбалар:

1. Үзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 январдаги “Интеллектуал мулк обьектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4965-сон қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 апрель “Интеллектуал мулк соҳасини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-221-сон қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 июнь “Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнини жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-181-сон қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 3 октябрдаги “Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ 385-сон қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 июлдаги “Маъмурий ислоҳотлар доирасида маданият ва туризм соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-114-сон фармони.

Маликахон Каландарова
Судьялар олий кенгаши судьяси,
юридик фанлар номзоди, доцент

Товар белгисидан реал ва номинал фойдаланиш оқибатлари: суд амалиёти

Товар белгисига бўлган ҳукуқ эгаси ўзига тегишли белгидан фойдаланишда ва уни тасарруф этишда алоҳида ҳукуққа эга. Товар белгисига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишдан иборат алоҳида ҳукуқ ҳам товар белгисига бўлган ҳукуқ эгасига тегишилдири. Товар белгисини қонунда белгиланган тартибда ҳар қандай тарзда муомалага киритиш ундан фойдаланиш деб ҳисобланади.

Товар белгисини нашр этганда, уни кўпчилик олдида ижро этганда ёки ундан ўзгача тарзда фойдаланганда товар белгисининг ўзига ҳам, унинг белгиларига ҳам бирор-бир ўзгартишлар киритишга фақат унга бўлган ҳукуқ эгасининг розилиги билан йўл қўйилади.

Товар белгисидан фойдаланиш ҳақиқий (реал) ва номиналга бўлинади. Ҳақиқий фойдаланиш деганда, одатда, индивидуаллаштирилган обьектларни фуқаролик муомаласига киритиш билан бевосита боғлиқ бўлган товарларни, у ишларни бажариш ва хизматлар кўrsatiшда шу жумладан бундай маҳсулотларнинг этикеткалари ва қадоқларини индивидуаллаштириш воситаларидан фойдаланиш тушунилади.

Ҳақиқий фойдаланишдан фарқли ўлароқ, номинал фойдаланиш одатда товарлар, ишлар, хизматлар билан бевосита боғлиқ эмас, балки уларни ишлаб чиқариш ёки сотиш билан боғлиқ бўлган фаолият билан боғлиқ. Жумладан, товар белгиларини буклетлар, белгилар, бланкалар ва бошқаларга жойлаштириш. Муаллифлик ҳуқуқи эгаси товар белгисига бўлган ҳуқуқларини ҳақиқий фойдаланиш бўлмаган тақдирда ҳам сақлаб қолиш имкониятига эга.

Жумладан, “А” корхонаси 2014-2019 йилларда рўйхатдан ўтказилган “Чирой” товар белгиси остида атир-упа соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятини амалга оширган. 2020 йилда корхона ребрендинг тўғрисида қарор қабул қилган ва чакана савдо дўконлари учун янги “Хусн” деган ном яратилган, натижада пешлавҳалар ҳам алмаштирилган. Бироқ, корхонанинг веб-сайтида “Арома” номи остидаги чегарма карталар ўз қучини йўқотмаслигини арсман элон қилган. 2023 йилда “Б” корхона судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, “Арома” товар белгисининг ҳуқуқий муҳофазасини муддатидан илгари тутатишни сўраган.

Товар белгиси аслида товарларда фойдаланилмаганлигига қарамай, товар белгисининг бекор қилинишига йўл қўймаслик учун муаллифлик ҳуқуқи эгасига лицензия беришни кифоя, товар белгисидан Интернет манзили (домен номи) сифатида фойдаланиши мумкин. Ҳуқуқ эгаси фақат товар белгисининг ҳақиқийлигини сақлаб қолиш ва ундан фойдаланиш кўринишини яратиш учун кундалик товарларнинг бир нусхасини ишлаб чиқариши ва сотиши мумкин (масалан, уч йил давомида бир марта ишлаб чиқариш ва сотиш) ва судга тегишли далилларни тақдим этиши мумкин.

Ҳуқуқ эгаси товар белгисидан номинал фойдаланиш орқали бозорга ҳақиқий ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчи провайдер томонидан товар ёки хизматларнинг киришига тўсик яратади.

Товар белгисидан реал фойдаланишнинг куйидаги асосий мезонларини бўлиши мумкин:

товар белгисидан реал (ҳақиқий, ҳақиқий) фойдаланиш - бу товар белгиси рўйхатга олинган товарлар ёки хизматларни фуқаролик муомаласига бевосита киритиш мақсадида фойдаланиш. Товар белгисидан ҳақиқий фойдаланиш фақат товар белгисини рўйхатдан ўтказишнинг амал қилиш муддатини сақлаб қолиш мақсадида фойдаланиш эмас.

Ҳақиқий фойдаланиш товар белгисининг асосий вазифаси мос келиши керак, бу истеъмолчиларга тегишли равища айрим юридик ёки жисмоний шахсларнинг товарлари ёки хизматларини бошқа юридик ёки жисмоний шахсларнинг ўхшаш товарлари ёки хизматларидан фарқлаш имконини беради. Товар белгисидан фойдаланиш оммавий, яъни потенциал истеъмолчиларга қаратилганбўлиши керак, Фақат ўз компанияси ёки компаниялар гурӯҳи доирасида фойдаланиш товар белгисидан ҳақиқий фойдаланиш ҳисобланмайди. Баҳсли товар белгиси рўйхатга олинган ва даъвогар товар белгисини бекор қилишни сўраган ҳар бир маҳсулот ва/ёки хизмат турига нисбатан қўлланилганлигини баҳолаш керак.

Товар белгисидан фойдаланилганлиги тўғрисидаги далиллар ундан фойдаланиш жойи ва вақти кўрсатилган маълумотларни ўз ичига олиши керак. Ишни кўриб чиқища тақдим этилган хужжатлар ва бошқа материаллар, масалан, шартномалар, ҳисобқара-фактуралар, ёрлиқлар, ўрамлар, прейскурантлар, каталоглар, фотосуратлар, эълонлар ва босма нашрлар ва веб-сайтлардаги бошқа маълумотлардан фойдаланишни акс эттирадими ёки йўқлигини текшириш керак.

Товар белгисидан фақат Ўзбекистон Республикаси худудида фойдаланишни ҳисобга олиш керак. Шу билан бирга, товар белгисидан фойдаланиш ҳақиқий деб тан олиниши учун Ўзбекистон Республикасининг бутун худудида қўлланилиши шарт эмас. Товар белгисидан фақат битта шаҳар худудида фойдаланиш, агар бундай шаҳар худуди ва аҳолиси бўйича катта бўлса, ички бозорга сезиларли иқтисодий таъсир кўрсатса, ҳақиқий ҳисобланиши мумкин.

Товар белгисидан фойдаланишнинг ҳақиқийлигини баҳолаш учун миқдорий чегарани олдиндан белгилаш мумкин эмас. Товар белгисидан фойдаланиш ҳар доим ҳам ҳақиқий деб ҳисобланиши учун миқдорий аҳамиятга эга бўлиши шарт эмас, чунки бу тегишли товар ва хизматлар бозорининг табиати ва турига боғлик.

Товар белгиси белгисини умумий таассурот ўзгармайдиган даражада айрим ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Хусусан, ранг, шрифт ва ҳарфларнинг рангини ўзгартиришдан иборат бўлиши мумкин. Бундай ўзгартиришлар индивидуаллаштириш воситаларининг асосий элементларига таъсир қилмаса, суд буни илгари рўйхатга олинган товар белгисидан фойдаланиш деб ҳисоблаши ва даъвогарнинг даъволарини рад этиши мумкин. Шунга ўхшаш қоида Саноат мулкини муҳофаза қилиш бўйича Париж Конвенциясида ҳам назарда тутилган. Бироқ, амалдаги қонунчиликда “товар белгисининг моҳиятини ўзгартирмайдиган, унинг алоҳида элементларидаги ўзгаришлар билан товар белгисидан фойдаланиш”нинг хуқуқий таърифи мавжуд эмас.

Шу ўринда, товар белгиларидағи муҳим ўзгаришлар сифатида куйидагиларни келтириш мумкин:

устун мавқега эга бўлган элементларни (сўз, тасвир) киритиш ёки олиб ташлаш;

асосий сўзли элементларни мазмунан ёки семантик жиҳатдан ўзгартириш;

асосий тасвирий ва муайян шаклдаги чажмли белгиларнинг мазмuni ёки графикасини ўзгартириш;

тассавурни ҳосил қилишгатаъсир кўрсатувчи ранглар бирикмасини ўзгартириш.

Товар белгиси ундан фойдаланилмаса ҳам бевосита истеъмолчига зарар етказмайди. Бироқ, ушбу ном билан янги товар белгисини рўйхатдан ўтказмоқчи бўлган шахсларга салбий таъсир кўрсатади, танлов доирасини чеклайди, товар белгисини ривожлантириш учун кўп маблағ ажратилишига

олиб келади. Бу эса, ўз навбатида сотилган нархига таъсир кўрсатади, истеъмолчиларга билвосита зарап етказади. Ушбу ҳолатлар Японияда “Товар белгилари тўғрисида”ги қонунни қабул қилишга сабаб бўлди, рўйхатдан ўтган товар белгиларидан фойдаланмаслик юридик институтларининг иқтисодий таҳлил нуқтаи назаридан номақбул деган хulosага келинди.

Фуқаролик кодексида товар белгисидан фойдаланмасликнинг узрли сабаблари келтирилмаган. Бироқ, Германия ва Буюк Британиянинг қонунчилигига ушбу сабабларнинг айримлдари назарда тутилган. Чунки, қонун чиқарувчи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган барча вазиятларни деярли назарда тута олмайди.

Шу сабабли, муаллифлик хуқуқи эгасининг товар белгисидан фойдаланмаслик сабабларини мустақиллик ва хослик тамойиллари асосида суд томонидан белгиланишини мумкин. Акс ҳолда, унга мавхумлик асослари билан баҳо берилишига олиб келиниши мумкин. Жумладан, короновирус инфекциясининг тарқалиши билан боғлиқ ҳолатлар товар белгиласидан фойдаланишини ҳамма корхоналар учун ҳам чекловчи ҳолат сифатида баҳо бериш мумкин эмас.

Судлар томонидан товар белгисидан фойдаланмасликнинг узрли сабаблари сифатида хуқуқ эгасига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар, жумладан, ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан бозорда талабнинг мавжуд эмаслиги, иқтисодий таназзул натижасидаги молиявий қийинчиликлар ёки молиявий ҳолатларни инобатга олишмайди, буни бизнес юритишнинг табиий жараёни сифатида қабул қилишади.

Хуқуқ эгасининг тўловга қобилиятызиз деб эълон қилиниши товар белгисидан фойдаланмаганликнинг асоси сифатида узрли сабаб сифатида баҳоланиши мумкин эмас. Бироқ, хуқуқ эгасининг тўловга қобилиятызлиги унга боғлиқ бўлмаган ҳолат сифатида суд томонидан тан олинганлик ҳолатлари ҳам мавжуд. Судлар мазкур ҳолатни товар белгисидан фойдаланишнинг тугатилиши кредиторларни ундан фойдаланиш хуқукини чеклаши билан асослантиришади.

Ўзбекистон Республикасининг “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги қонунининг 126-моддасига кўра, корхона (бизнес) мулкий мажмуа сифатида сотилаётганида қарздорнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга мўлжалланган барча турдаги мол-мулки, шу жумладан ер участкалари, бинолари, инишотлари, ускуналари, инвентари, хом ашёси, маҳсулоти, талаб қилиш хуқуқлари, шунингдек қарздорнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалари (фирма номи, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари), унинг товарлари, ишлари ва хизматлари, қарздорга тегишли бўлган бошқа мутлақ хуқуқлар ўзга шахсларга ўтказилади, бундан бошқа шахсларга топширилиши мумкин бўлмаган хуқуқ ва мажбуриятлар мустасно.

Суд узрли сабабларга баҳо беришда вазиятга холис ёндошувдан келиб чиқиши керак.

Жумладан, давъогар “G” МЧЖ жавобгар Т.А. ва учинчи шахс Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига нисбатан товар белгисининг хуқуқий муҳофазасини Ўзбекистон Республикаси доирасида муддатидан олдин тугатиш ҳақидаги давъо аризаси билан судга мурожаат қилган.

Ишда мавжуд хужжатларга кўра, “S” МЧЖнинг раҳбари ва таъсисчиси Т.А. ҳисобланади. “S” МЧЖнинг Низомида жамиятнинг фаолият турлари келтирилган. Ушбу фаолиятидан келиб чиқиб, жамият томонидан “S” товар белгиси остида маҳсулотлар ишлаб чиқарилган.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси худудида сотиш бўйича шартномалар имзоланган. Жумладан, “S” МЧЖ ва “Distribution” МЧЖлар ўртасида 28.10.2021 йилда тузилган 2810-сонли “S” товар белгиси остидаги маҳсулотларни етказиб бериш шартномаси тузилган. “NAIL” МЧЖ ва “S” МЧЖлар ўртасида 12.06.2023 йилда 1206-сонли шартнома тузилган. “S” товар белгиси остидаги маҳсулотлар Ўзбекистон Республикаси худудида сотилаётганлиги (реализация) маълум қилинган. “S” товар белгиси остидаги маҳсулотларнинг Ўзбекистон Республикаси худудига 2021-2023 йилларда эркин киритилганлиги тўғрисидаги божхона юк деларациялари тўлдирилган. “S” товар белгиси остида косметология соҳасида керакли анжомларни ишлаб

чиқарилиб, бу маҳсулотлар ТХХКнинг 8-синфи доирасига мувофиқ бўлиб, бу товар белгисидан бугунги кунда реклама қилиш орқали <https://beautyind.uz/brand/staleks/>, <http://makeupstore/uz/search/?q=staleks>, UZUM Market онлайн платформаларда фойдаланилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси “Товар белгилар, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқсан жой номлари тўғрисида”ги қонуннинг 27- моддасида товар белгиси уни ишлатиш учун рўйхатга олинган товарларда ва (ёки) уларнинг идиши ҳамда ўровида товар белгисининг эгаси томонидан ёки лицензия шартномаси асосида бундай хуқуқ берилган шахс томонидан қўлланилиши товар белгисидан фойдаланиш деб ҳисобланади.

“S” товар белгиси 10.04.2017 йилда халқаро мадрид тизими орқали рўйхатга олинган. Ушбу товар белгисининг эгаси О. Колодяжный ҳисобланади, МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилган “S” товар белгиси остидаги маҳсулотлар Ўзбекистон Республикаси худудига киритилиши юзасидан МЧЖнинг раҳбари ва таъсисчиси томонидан шартномалар тузилган, ушбу товар белгиси остидаги маҳсулотлар reklamasi онлайн платформаларда мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси “Товар белгилар, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқсан жой номлари тўғрисида”ги Қонуннинг 25- моддасига асосан товар белгисига доир гувоҳномаларнинг амал қилиши товар белгиси амал қилган охирги уч йил мобайнида ундан узлуксиз равища фойдаланилмагандан манфаатдор шахснинг аризасига биноан қабул қилинган суд қарори асосида муддатидан олдин тўлиқ ёки қисман тугатилиши мумкин.

Юқорида келтирилган қонун талабига кўра сўнгги уч йил ичida товар белгисидан хуқуқ эгаси томонидан тўлақонли фойдалана олмаётганлиги унинг ўзига боғлиқ бўлмаган вазиятларга кўра узрли ҳисобланади.

Суд, “S” товар белгисидан товар белгисининг эгаси фойдаланиб келаётганлиги ҳақида холосага келган.

Яна бир ҳолатда, “N” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонаси (матнда даъвогар деб юритилади) жавобгар Швейцариянинг

“Е” компанияси (матнда жавобгар деб юритилади)га нисбатан вилоят иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар номига ТХХК нинг 5-синфи бўйича “ERSIL” товар белгисига доир 1001638-сон ҳамда “ЭРЗИЛ” товар белгисига доир 1059110-сон билан халқаро рўйхатдан ўтказилган гувоҳномаларни Ўзбекистон Республикаси худудида амал қилишини муддатдан олдин тугатишни сўраган.

Даъвогар “N” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонаси “ERSIL” ҳамда “ЭРЗИЛ” товар белгиларига бўлган мутлақ хукуқларни қўлга киритиш ҳамда унинг Ўзбекистон Республикаси худудида хукуқий муҳофаза қилинишини таъминлаш мақсадида “ERSIL 100” номини товар белгиси сифатида ТХХКнинг 5-синфи бўйича рўйхатдан ўтказишга ҳаракат қилган.

Интеллектуал мулк департаментининг рўйхатга олинган товар белгилари базаси орқали дастлабки қидириш натижасига кўра, “Е.” чет эл корхонаси номига ТХХК нинг 5-синфи бўйича “ERSIL” сўз кўринишидаги белги 1001638-сон билан ҳамда “ЭРЗИЛ” сўз кўринишидаги белги 1059110-сон билан халқаро рўйхатдан ўтказилганлиги маълум бўлган.

Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқсан жой номлари тўғрисида”ги қонуннинг 27-моддасига кўра, товар белгиси уни ишлатиш учун рўйхатга олинган товарларда ва (ёки) уларнинг идиши ҳамда ўровида товар белгисининг эгаси томонидан ёки ушбу Қонуннинг 30-моддасига мувофиқ лицензия шартномаси асосида бундай хукуқ берилган шахс томонидан қўлланилиши товар белгисидан фойдаланиш деб ҳисобланади.

Ушбу Қонуннинг 25-моддасига асосан товар белгисига доир гувоҳноманинг амал қилиши товар белгиси амал қилган охирги уч йил мобайнида ундан узлуксиз равишда фойдаланилмаганди, шунингдек жамоавий белгидан фойдаланиш тўғрисидаги келишув бузилган тақдирда

манфаатдор шахснинг аризасига биноан қабул қилинган суд қарори асосида муддатидан олдин тўлиқ ёки қисман тугатилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (матнда ФК деб юритилади)нинг 1104-моддасига асосан “Товар белгисидан охирги уч йил давомида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида узрли сабабсиз узлуксиз фойдаланилмаган тақдирда, унинг рўйхатдан ўтказилганлиги исталган манфаатдор шахснинг талаби бўйича суднинг қарорига асосан бекор қилиниши мумкин.

Товар белгисидан фойдаланиш учун лицензия берилиши ундан фойдаланиш деб ҳисобланади.

Тегишли ташкilotлардан олинган маълумотларга кўра жавобгар томонидан “ERSIL” ва “ЭРЗИЛ” товар белгиси остида ТХХКнинг 5-синфига мансуб фармацевтика ва ветеринария маҳсулотлари ишлаб чиқарилмаган ёки реализация қилиш билан шуғулланмаган ҳамда қайд этилган синф бўйича товарлар учун охирги 3 йил мобайнида ишлатилмаган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2022 йил 31 майдаги 08/05-22-01529-сонли жавоб хатида “ERSIL” товар белгиси остида дори воситалари Божхона кодексининг 56-боби тартибида Давлат божхона қўмитасининг “Интеллектуал мулк обьектлари божхона реестри”га киритилмаганлиги маълум қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази” давлат унитар корхонасининг 2022 йил 3 июндаги 29/09-1964- сонли жавоб хатида “ERSIL” товар белгиси остида дори воситалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилмаган ҳамда дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника Давлат реестрига киритилмагани маълум қилинган.

“ЎЗЭКСПОМАРКАЗ” Миллий кўргазмалар компанияси акциядорлик жамиятининг 2022 йил 3 июндаги 46-1/02-10- 374-сонли жавоб хатида 2019

йилнинг май ойидан 2022 йилнинг май ойига қадар бўлган давр оралиғида Швейцариянинг “E” компанияси билан кўргазма ташкил этиш бўйича шартнома тузилмаганлиги билдирилган ҳамда “EREXESIL” товар белгиси остидаги маҳсулотларнинг қўргазмасини ташкил этиш фаолияти амалга оширилмаганлиги маълум қилинган.

Бундан ташқари, “РЕДАКЦИЯ ГАЗЕТЫ ЧАСТНЫЙ СЕКТОР” МЧЖнинг 2022 йил 24 майдаги 36-сонли жавоб хатига кўра, “РЕДАКЦИЯ ГАЗЕТЫ ЧАСТНЫЙ СЕКТОР” МЧЖ “EREXESIL” товар белгиси остидаги маҳсулотларнинг рекламаси “ЧАСТНЫЙ СЕКТОР” номли босма нашрда чоп этилмаганлиги ҳамда реклама жойлаштириш учун Швейцариянинг “E” компанияси билан шартнома тузилмаганлиги билдирилган.

Суд, жавобгар томонидан “ERSIL” товар белгисидан охирги 3 йил мобайнида фойдаланилмаганлиги асоси билан даъвогарнинг даъво талабларини қаноталантирган.

Умуман олганда, манфаатдор шахс бўлмаган тақдирда уч йил давомида товар белгисидан фойдаланмаган муаллифлик хуқуқи эгаси товар белгисидан фойдаланишни давом эттириши мумкин, яъни фуқаролик-хуқуқий жавобгарлик вужудга келмайди. Бироқ, қонунчилик хуқуқ эгасининг товар белгисидан фойдаланиш мажбуриятини ҳам назарда тутмайди.

Товар белгисидан фойдаланганлик ҳолатларига баҳо беришда қуйидагиларга эътибор қаратиш зарур:

Биринчидан, товар белгисидан фойдаланиш товар белгисининг моҳиятини ўзгартирмайдиган унинг алоҳида элементлари ўзгариши билан рўйхатга олинган белгидан фойдаланиш деб тан олиниши мумкин. Жумладан, бозор шароитларининг ўзгариши, маркетинг фаолияти ва бошқа омиллар билан боғлиқ бўлган сабабларга кўра, муаллифлик хуқуқи эгаси товар белгисидан рўйхатдан ўтганидан бошқача фойдаланишга мажбур бўлади.

Иккчинчидан, товар белгисидан фойдаланиш нафақат муаллифлик хуқуқи эгаси, балки лицензия шартномаси асосида бундай хуқуқ берилган шахс ёки товар белгисидан унинг назорати остида фойдаланаётган бошқа шахс

томонидан ҳам фойдаланиш деб тан олинади. Шу билан бирга, тузилган лицензия шартномасининг мавжудлиги белгидан фойдаланишини тасдиқламайди. Шартноманинг томонлар томонидан бажарилганлигини тасдиқловчи хужжатларни (хисоб-китоблар, тўлов топшириқномалари, бажарилган ишлар тўғрисидаги гувоҳномалар ва бошқалар) тақдим этиш керак.

Глобаллашув ва ахборотлаштиришнинг замонавий шароитларида ва Интернетнинг товарлар ва хизматларни илгари суриш учун жуда катта аҳамиятга эга бўлган шароитида, домен номини ҳар қандай шахс (баҳсли товар белгисининг муаллифлик хуқуки эгаси эмас) маъмурияти, шунингдек муаллифлик хуқуки эгасининг товар белгисидан бошқа шахс томонидан товарларни тарқатиш учун Интернетда фойдаланиш муаллифлик хуқуки эгасининг розилиги билан товар белгисидан унинг назорати остида фойдаланиш деб тан олиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июнданги “Интеллектуал мулкка оид ишларни кўриб чиқишининг айрим масалалари тўғрисида”ги 19-сон Қарорининг 40-бандига кўра, товар белгиси эгасининг товар белгисига бўлган ҳуқуқини ҳимоя қилишга оид талаби ушбу товар белгисига берилган гувоҳнома ҳақиқий эмас деб топилмасдан ёки амал қилиш муддати тугамасдан (тугатилмасдан) иккинчи тарафнинг унинг рўйхатдан ўтказилишининг ноқонунийлигига оид далиллари мазкур талабни рад этиш учун асос ҳисобланмайди.

Товар белгисидан фойдаланилмаганлиги муносабати билан товар белгисига берилган гувоҳноманинг амал қилишини муддатидан олдин тугатишга оид ишларни ҳал қилишда Ўзбекистон Республикаси “Товар белгилари, хизмат қўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқсан жой номлари тўғрисида”ги қонуннинг 27-моддасида кўрсатилган талаблар бўйича товар белгисидан фойдаланилганлигини текширишлари лозим. Бунда товар белгисидан фойдаланмаганлик сабаблари аниqlанишида ҳуқуқ эгасига боғлиқ

бўлмаган ҳолатлар ёки хуқуқни суиистеъмол қилишлик кабилар инобатга олиниши лозим.

Товар белгисига доир гувоҳномани муддатидан олдин тугатиш ҳақидаги ишларни кўришда даъво талабларининг доирасидан келиб чиқиб, синф(лар) ва (ёки) руқн(лар)даги ҳар бир товар ёки хизматдан фойдаланганлик фактини текширган ҳолда низо ҳал қилинади.

Товар белгисини фуқаролик муомаласидаги товарларнинг этикеткаларида, ўровларида, товарларни фуқаролик муомаласига киритиш билан боғлиқ бўлган ҳужжатларда ҳамда домен номида ишлатилиши ҳам товар белгисидан фойдаланиш деб эътироф этилиши мумкин.

Бундан ташқари, низони судда кўриб чиқиши чоғида ҳуқуқ эгасининг ўзгариши манфаатдор шахснинг янги таклифини юбориш ва баҳоланиши лозим бўлган товар белгисидан фойдаланиш муддатини ўзгартириш заруриятига олиб келмайди. Бунда манфаатдор шахснинг таклифи, сўнгра судга ариза берилган санадан олдинги уч йил мобайнида ҳар қандай ҳуқуқ эгалари томонидан муайян товар белгисидан фойдаланиш ёки фойдаланмаслиги ҳисобга олинади.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсни товар белгисидан фойдаланилмаганлиги сабабли унинг ҳуқуқий муҳофазасини муддатидан олдин тўхтатилишидан манфаатдор деб эътироф этиш учун талаб этаётган шахс билан ҳуқуқ эгаси фаолиятининг умумийлиги, товар белгисидан фойдаланишга йўналтирилганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлиши лозим.

Товар белгисининг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш учун ҳуқуқ эгаси товар белгиси рўйхатдан ўтказилган ва даъвогар ўз манфаатларини муддатидан илгари тугатишдан манфаатдорлигини исботлаган ҳар бир маҳсулотга нисбатан товар белгисидан амалда фойдаланилганлигини исботлаши шарт.

Хулоса қилиб айтганда, суд амалиётида товар белгисидан фойдаланмаслик оқибатларига оид низоларни кўришда унинг фойдаланганлик

даражаларини объектив мезонлар асосида баҳолаш ва Олий суд Пленуми орқали тушунтиришлар бериш ушбу муносабатларни тартибга солишида муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Қамбариддин Мехмонов
юридик фанлар бўйича фалсафа
доктори, профессор

Саноат мулки ҳуқуқи объектларини ҳимоя қилиш муаммолари

Саноат мулки объектларининг фуқаролик муомаласида бўлиши ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётида ўзига хосликларни келтириб чиқаради. Бу борада ҳуқуқларни расмийлаштириш, тасарруф этиш, турли шартномавий муносабатларга киришиш қандай амалга оширилиши алоҳида муҳим масала ҳисобланади.

Замонавий технология бевосита саноат мулки объектларига нисбатан ҳуқуқларни амал қилишида ва ҳимоя қилишда муҳим ўрин эгаллайди. Ихтиrolар ва фойдали моделлар бўйича ахборот қидируви учун базалар бўйича Маълумотлар Espacenet чет эл патент ҳужжатлари, халқaro талабномалар. (ХПК, номлар ва рефератлар бўйича тематик қидирув); Patentscope чет эл патент ҳужжатлари, халқaro талабномалар. (ХПК ва тўлиқ тавсифлар бўйича тематик қидирув); ФИПС Россия Федерацияси ва собиқ СССР нинг патент ҳужжатлари (рефератлари) тарзида амал қиласди.

2021 йил 31 декабрь ҳолатига ихтирога нисбатан амал қилаётган патентлар сони 1217 та, 201 та фойдали модел ҳамда 567 та саноат намунасига нисбатан амал қиласди. Саноат намунасига патент олиш учун келиб тушган талабномалар сони миллий талабнома топширувчиларнинг (66,4 %) ортиши ҳисобига ўтган йилга нисбатан 63,8 %га ошган. Бу жудаям кам. Биргина Хитойнинг патент идораси 2021 йилда дунё бўйлаб берилган жами 3,4 миллион талабномадан 1,59 миллион патентини олган. Хитойдан кейин АҚШ (591 473), Япония (289 200), Корея Республикаси (237 998) ва Европа Патент

идораси (188 778) идоралари ўрин олган. Бу бешта офис жами дунёнинг 85,1 фоизи патентини ташкил қиласди.

Интеллектуал мулк ҳимоясида апелляция кенгаши ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Бунда 2021 йилда келиб тушган апелляциялар умумий миқдорининг 56,1%и моҳият бўйича экспертизаси натижасида Агентлик томонидан қабул қилган қарор, 43,9%и муҳофаза берилишига қарши апелляциялар ҳисобланади. Апелляцияларни кўриб чиқиш бўйича 45,2% қаноатлантирилмаган, 54,8% эса қаноатлантирилган. Тақдим этиб бўлинган муҳофазага тегишли апелляцияларни кўриб чиқиш натижалари бўйича амалда қолдирилган муҳофаза хужжатлар 14,6% ни ва «ҳақиқий эмас» деб топилганлари 29,3% ни ташкил этди.

Юқоридаги ҳолат ҳам низони судгача ҳал қилишга имкон беради.

Ўзбекистонда суд амалиёти қандай ахволда. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги 19-сонли “Интеллектуал мулкка оид ишларни кўриб чиқишининг айрим масалалари тўғрисида”ги қарори қабул қилинганлиги албатта бу борада янгилик, изчилликни таъминлашга ёрдам беради.

Пленум қарорида айтилдики, 48. Судларга тушунтирилсинки, шахс ихтирога, фойдали моделга ёки саноат намунасига муаллиф (ҳаммуаллиф) деб топилиши учун у саноат мулк обьектини яратишда ўзининг ижодий меҳнати билан қатнашган бўлиши керак. Яратиш деганда ижодий фаолият назарда тутилади.

Шунга кўра, ихтиро, фойдали модель ёки саноат намунаси яратилишига шахсий ижодий улуш қўшмаган, муаллифига фақат техник, ташкилий ёки моддий ёрдам кўрсатган ёхуд саноат мулки обьектига бўлган ҳуқуқларни расмийлаштиришга ва ундан фойдаланишга кўмаклашган шахслар муаллиф деб эътироф этилмаслигига эътибор қаратилсин.

Умумий тушунча берилгани яхши, бироқ етарли эмасдек. Бунда техник ёрдам нима, ташкилий ёрдам нима, моддий ёрдам нима аниqlаниши керак. Қуйида мен суд амалиётидан яна мисол келтираман.

Техник ёрдам деганда чизма тайёрлашга, расм, макетни тайёрлашиш, намунани тайёрлашиш, хужжатларни расмийлаштириш кабилар тушунилади. Раҳбар, мансабдор шахслар эса, ижодий ҳисса қўшмаганлиги қўпроқ аниқ бўлиб қолади. Бироқ, ҳозирги қунда тадбиркор деб уларни салкам авлиё деб тасаввур қиласяпмиз. Аслида улар қўшган ҳисса одатда рационализаторлик таклифида бўлиши мумкинdir.

Фикримизча, бугунги тараққиёт даврида турли платформа ва дастурларни мавжудлиги сабабли саноат мулки объектларига хуқуқий муҳофазани тақдим этишга доир тушунтиришлар берилиши зарур. Сунъий интеллект муаллифлик хуқуқи объектини ҳам, саноат мулк объектини ҳам яратмоқда. Масалан, дабус қўрсатилган ихтирога нисбатан муаллиф сифатида. АҚШ ва ЕИ судлари эса, ҳозирча тан олмаяпти.

Айниқса, саноат мулки объекти сифатида товар белгиларида ўхшашлик борасида низолар ниҳоятда қўпчиликни ташкил қиласи. Амалиёт экспертизага ва уни турли эканлигидан келиб чиқади. Бу эса субъектив омилларга боғлиқликни келтириб чиқаради. Бир масала бўйича экспертлар ҳам турлича фикр билдиришади. Масалан, кўчмас мулк баҳоси борасида.

Саноат мулк хуқуқига доир қонунчиликни қўллашда у амалда бўлган давр муҳим. Бунда масалан, муаллифлик у яратилган вақтда амалда бўлган қонунчилик билан белгиланади. Ихтиро муаллифи эса, тегишли ҳимояни олиш сўралган вақтдаги қонунчилик амал қиласи.

Ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириб юбориш патент эгаси хуқуқини бузилиши ҳисобланади. Энди бунга турли процессуал тартиботларни қўядиган бўлсак, муаммо яна чигаллашади. Муаммони моҳият бўйича ҳал қилишга етарлича эътибор қаратиш зарур. Чунки, процессуал тартибот эртами-кечми тўғирланиши мумкин. Моҳият бўйича хато эса, абсурд туюлади ва ишончни йўқотади.

Амалиётдан мисол. Избосаров Матназар Барабекович муаллиф, ихтирочи. Учтепа фуқарлик судида иш кўрилган. Мен жуда ишонган эдим судда хуқуқ эгаси ҳимоя қилинишига. Бунда муаллиф 1) 2 хил ўзи чиқармоқчи

бўлган лекин қандай қилишни билмаётган оддий сепмани Ўзбекистонда биричи ўрин (даражада) сифатли қилиб тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиб ишлаб чиқаришга тадбиқ қилган ва 8 хил ароматерапевтик сепма (*присыпкалар*) доривор ўсимликларнинг экстрактлари билан иш ва савдони минимил ортиқча уринмай йўлга кўйганда олиши мумкин бўлган бир йиллик ялпи даромадининг ярмини – 300 млн. Сўраган. 2) патент эгасидан (Матназар ака) розилик олинмаган, фаоллаштирилган Борат кислотаси тухум кукуни билан, ишлатишга қулай, осон ва тайёринсектицид препаратга ва даромад олаверган.

Агар, бундай ижодкорлар бўлмаса, уларнинг хуқуқлари химоя қилинмаса, автомобилни янги ихтиро қила олмасдан, яна ўзимизни экологик тоза, атрофга зарари тегмайдиган, ортиқча ҳаражат талаб қилмайдиган ихтиро ҳам қўшилмайдиган “қўқон аравамиз”да қолиб кетмаймизми?!

Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида. (янги таҳрири)га VII. Саноат мулки объектлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жарима солиш асослари ва тартиби, шунингдек юридик шахслар томонидан жаримани тўлаш тартиби 331-модда. Саноат мулки объектлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик асослари киритилди.

Тегишли патентланган саноат мулки объектини ўз ичига олган маҳсулотни ёки буюмни рухсатсиз тайёрлаш, қўллаш, импорт қилиш, сотишига таклиф этиш, сотиши, фуқаролик муомаласига бошқа йўсинда киритиш ёки шу мақсадда сақлаб туриш, шунингдек ихтиро патенти билан муҳофаза қилинаётган усулни қўллаш ёхуд ихтиро патенти билан муҳофаза қилинаётган усулда бевосита тайёрланган маҳсулотни фуқаролик муомаласига киритиш ёки шу мақсадда сақлаб туриш юридик шахсларга базавий ҳисоблаш микдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади. Жарималар микдорлари хукуқбузарликларнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида белгиланади.

Хукуқни суиистеъмол қилишга йўл қўймаслик зарур. Мен немис судья келганида шу саволни бергандим. “Кўл қўлни танийди”, деган принцип қай даражада амал қиласди. Бу бизга инсофли эгаловчи хукуқини ҳимоя қилишга ёрдам берган бўларди.

Амалиётни ўрганимизда кўрдик. “Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ билан низолашилган. Хукуқ эгаси 2018-2019 йиллар учун тўланмай қолган 321.479.454 сўм мукофот пулларини ундириб беришни сўраган. Яхши тарафи шартнома бўлган хукуқ эгаси ва завод ўртасида. Унга кўра, иқтисодий самарадорлик маблағининг ҳар йилда 8 фоизини патент эгаларига тўлаб бориши белгиланган.

Юқори турувчи ташкилот жавоб хатида жавоб хатида ушбу фойдали модель нефтни қайта ишлашнинг фойдалироқ варианти экани, бироқ ушбу фойдали модельни қўллаш ҳақидаги таклифи янгилик ҳисобланмаслиги маълум қилинган.

Агар шартнома бўлмаганидачи, хизмат тартибида яралганда вазият қандай бўларди. Етмаганига, хукуқ эгасига нисбатан мерос тарзида бу ҳақ сўралган. Хукуқ эгаси сифатида завод кўрсатилса, кейинчалик хукуқ эгасига ёки унинг ворисларига ортиқча тўлов тўламаслик учун патентни ҳақиқий эмас деб топиши мумкин. Бу хукуқни суиистеъмол қилиш ҳисобланади.

“Патент троллари” низолари юзага келишига қарши қурашиш муҳим. Саноат мулки обьектлари борасидаги низоларда арзимас, майда техник хатоликларга доир талаблар билан даъво қилиш имкониятини чеклаш зарур. Акс ҳолда, ҳаттоқи патент олинган санадаги хукуқ эгаси йўл қўйган камчилик учун ҳам суд жараёнини ташкил қилиш, хукуқни суиистеъмол қилиш ва патент тролларига дуч келиш табиий. Қолаверса, миллий қонунчилигимиз хукуқни суиистеъмол қилишлик (шикана) учун хукуқий жавобгарликни назарда тутмайди.

Патент берилиши борасидаги юз бериши мумкин бўлган турли суиистеъмолликларни олдини олиш, патент бериш жараёнидаги очиқлик ва шаффофоникни таъминлаш, ноҳалол рақобатга қарши қурашиш

самарадорлигини ошириш устувор вазифа бўлиб қолиши лозим. Технологиялар борасидаги шиддатли ўзгаришлар, патент борасидаги низоларнинг кўпайиши саноат мулкини ҳимоя қилиш борасидаги ўзига хос ҳуқуқий дарс бўлиши лозим.

Фикримизча, патент эгасининг ҳуқуқни суиистеъмол қилишига йўл қўймаслик ғоясини илгари суради. Бу борада битимни ҳақиқий эмаслиги талабини гарчи битим иштирокчиси қўйсада, патент эгаси (масалан, йирик завод ва фабрикалар) ўз манфаатини кўзлаб патентни ҳақиқий эмас деб топиш орқали бошқа ҳуқуқ эгалари (муаллиф, ҳаммуаллиф, унинг меросхўрлари)нинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузилмаслиги шарт. Бунда давлат томонидан саноат мулки обьектидан фойдаланиш имконияти баҳоланиши, муаллиф ҳуқуқини ҳимоя қилиш механизми, ҳуқуқ кафолати тизими яратилиши зарур.

1040-модда. Интеллектуал мулк ҳуқуқининг суд томонидан ҳимоя қилиниши. Ҳар бир шахс ушбу Кодекснинг 11-моддасига мувофиқ интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилишга ҳақли.

Суд қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда, хусусан:

1) интеллектуал мулк ҳуқуқларининг бузилишининг олдини олиш ва тегишли далилларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун шошилинч чоралар кўриш;

2) Ўзбекистоннинг божхона чегараси орқали олиб кириш ёки олиб чиқиши интеллектуал мулк ҳуқуқларини бузган ҳолда амалга оширилган товарларнинг ўтишини тўхтатиб туриш;

3) интеллектуал мулк ҳуқуқларини бузган ҳолда ишлаб чиқарилган ёки фуқаролик муомаласига киритилган товарларни фуқаролик муомаласидан олиб қўйиш ва бундай товарларни йўқ қилиш;

4) интеллектуал мулк ҳуқуқларини бузган ҳолда, биринчи навбатда товарларни ишлаб чиқариш учун фойдаланилган материаллар ва асбобларни

фуқаролик муомаласидан олиб қўйиш ёки бундай материаллар ва асбобларни олиб қўйиш ва йўқ қилиш;

5) интеллектуал мулк ҳуқуқи обьектидан қонунга хилоф равища фойдаланганлик учун этказилган заарни қоплаш ўрнига бир марталик пул жаримасини қўллаш. Жарима миқдори қонун хужжатлариға мувофиқ шахснинг айби ва муҳим аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатлар ҳисобга олинган ҳолда белгиланади;

6) оммавий ахборот воситаларида интеллектуал мулк ҳуқуқлари бузилганлиги ва бундай ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги суд қарорининг мазмуни тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш.

Омон Оқюлов
ТДЮУ профессори,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист,
юридик фанлар доктори, профессор

Интеллектуал мулк обьектларининг ижодкор яратувчиси ҳуқуқларининг устуворлиги

Хар қандай ҳуқук, у шахсий ҳуқук бўладими, мулкий ҳуқук бўладими, ҳуқук субъекти учун муайян аҳамиятга эга бўлади. Одатда моддий обьектларга нисбатан мулк ҳуқуқи шахсий ҳуқуқлар билан узвий боғлиқ бўлмайди, бироқ, интеллектуал мулк ҳуқуқида шахсий ҳуқулар билан мулкий ҳуқуқлар ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд. Бу ҳолат ФКнинг 1033-моддасида ўз ифодасини топган. Унга интеллектуал фаолият натижаларининг муаллифлари ана шу натижаларга нисбатан шахсий номулкий ва мулкий ҳуқуқларга эга бўладилар. Шахсий номулкий ҳуқуқлар ижодкор муаллифга унинг мулкий ҳуқуқларидан қатъий назар тегишли бўлади ва унинг интеллектуал фаолият натижаларига тегишли бўлган мулкий ҳуқуқлари бошқа шахсга ўтган тақдирда ҳам ижодкорнинг ўзида сақланиб қолади деб кўрсатилади. Шу ўринда қонун ижодий фаолият натижалари бўлган интеллектуал фаолият натижасининг муаллифи деб эътироф этилиш ҳуқуқи яъни муаллифлилик ҳуқуқига алоҳида урғу беради. Шуни таъкидлаш

ўринлики, ўзбек тилидаги қонунлар матнларида ушбу урғуни алоҳида илғаб олиш қийин ва кўп ҳолларда уни бошқа категориялар билан алмаштириш, чалғитишга ҳам олиб келиши мумкин. Гап бу ўринда “право на авторства” яъни муаллифлийк ҳуқуқи ва “авторское право” муаллифлик ҳуқуқи ўртасидаги фарқ тўғрисида бормоқда. 1033-моддани З-қисми ҳам, бошқа қонунлар ҳам афсуски ушбу категориялар ўртасидаги фарқни очиб бермайди ва муаллифлик ҳуқуқи хар икки ҳолатга нисбатан бир хил ибора тарзида қўлланади. Ҳолбуки, муаллифлийк ҳуқуқи яъни ижодкорни ўз ижоди маҳсулига нисбатан муаллиф сифатида эътироф этилиш, муаллиф сифатида танилиш ҳуқуқи интеллектуал мулк ҳуқуқида барча ҳуқуқларни ўзига хос гултожиси бўлиши лозим. Чунки, ижодкор бўлмагандан ижод маҳсули ҳам бўлмайди. Ижодий фаолият, интеллектуал фаолият бу ўринда асосий хал қилувчи ҳолат хисобланади. Тўғри қонун уни алоҳида ажратиб кўрсатади, эътироф этади. Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисидаги қонунда ҳам, Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонунда ҳам, Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисидаги қонунда ҳам ижодкор субъект алоҳида моқомга эга бўлган субъект хисобланади. Одатда ижодий фаолият инсон ақлий фаолиятини энг юқори чўққиси хисобланади ва айнан шу фаолият орқали янги ғоялар, янги технологиялар, янги бадиий асарлар, оригинал ижролар вужудга келади ва фуқаролик муомиласига кириб боради. Бироқ, ижодий фаолият маҳсулини интеллектуал мулк обьекти сифатидаги фуқаролик муомиласини кейинги жараёнлардаги харакатида мутлақ ҳуқуқлар обьектни “ўз қарамоғига олади” ва бундан кейинги жараёнларда муаллифлийк ҳуқуқи намоён бўлиш ҳолатлари хиralашади ва иккинчи ёки учинчи планга тушиб қолади. Нима ҳам дейиш мумкин, бозор қонунлари, тижорат қонунлари шуни талаб этади. Агар муаллиф ижодкор обьектга нисбатан мутлақ ҳуқуқга эга бўлмаса (мутлақ ҳуқуқ буюртмачига ўтиши шартномада қатъий шарт қилиб қўйилган бўлса), ёхуд мутлақ ҳуқуқни ўзидан бегоналаштирган бўлса, бу холда у деярли номи улуғ супраси қуруқ муаллифлийк ҳуқуқи билан қолади. Тўғри, интеллектуал фаолиятнинг баъзи

объектлари бўйича мутлақ ҳуқуқ эгаси ёки объектга нисбатан мутлақ ҳуқуқни қабул қилаётган шахс сотиб олаётган пайтда эргашма ҳуқуқ асосида ижодкор муаллифга харид нархини бир неча фоизи микдорида улуш ажратиши лозим бўлади ёхуд шартномада белгилаб қўйилган бўлса объектдан фойдаланишда олган самарадан муаллиф ижодкор учун улуш яъни мукофот ажратиши лозим бўлади. Бу ўринда муаллиф ижодкорни жуда хам ночор бўлиб қолди деб айтиш қийин. Мамлакатимизда уни моддий ва маънавий рағбатлантиришни тизими мавжуд. Жумладан, ижодкор муаллиф объектни яратиш ва уни самарадорлигини тъминлаш масалалари бўйича илмий тадқиқот ишларини илмий даража берилиши учун асос бўлувчи диссертация сифатида расмийлаштиришга ҳам хақли. Илмий унвонлар берилишида ҳам бу ҳолат эътибрга олиниши мумкин. Шунингдек, унга илм-фан, санъат соҳасида фахрий унвонлар олиши, ойлик иш хақига устамалар олиши мумкин. Албатта бу ижобий ҳолат бироқ бу илмий ва бадий ижодни тизимли рағбатлантириш сифатида баҳоланиши мумкин эмас, чунки бу жараённинг баъзи ҳолатларида ижодкор фаолияти учун неъматларга эришишни муқаррарлигидан кўра тасодифийлиги намоён бўлади.

Патент ҳуқуқи тизимида ижодкор муаллифнинг муаллифлилик ҳуқуқи ФКнинг 1085-моддасида алоҳида норма сифатида шакллантирилган. Унга кўра ихтиро, фойдали модел, саноат намунасига нисбатан муаллифлилик ҳуқуқи ва маҳсус ном бериш ҳуқуқи ихтиро, фойдали модел, саноат намунасининг муаллифига тегишлидир. Бинобарин, ушбу объектларни ўз ижодий меҳнати билан яратган шахс ихтирочилик рутбасига эга бўлади ва айни пайтда ўзи яратган объектларга нисбатан маҳсус ном бериш ҳуқуқи ҳам унга тегишлидир. Маҳсус ном бериш ҳуқуқининг моҳияти шундан иборатки, патент ҳуқуқи обьекти фуқаролик муомиласида бўлганида муайян бир ном, шартли рамз, идентификация белгиси асосида харакат қиласида ва ушбу идентификация белгисини номлаш ижодкор муаллифга тегишли бўлади. Муаллиф баъзи ҳолатларда уни ўзини номига қўйиш холлари ҳам учрайди. Гарчи унчалик қовушмаса ҳам, шуни таъкидлаш ўринлики рентген нурлари

уни яратган ижрочи Конрад Рентген номига қўйилган. Қизиғи шундаки, К.Рентген бу нурларни хар доим X нурлар деб атаган ва у бутун инсониятга хизмат қилиши лозим деб хисоблаб уни патентлашга уринмаган.

Ихтиро, фойдали модел, саноат намунасига бўлган муаллифлилик ҳуқуқи ва бошқа шахсий ҳуқуқлар патентга асосланган ҳуқуқлар вужудга келган пайтдан эътиборан фуқаролик муомиласида ўзини намоён қиласди (ФКнинг 1085-моддаси 2-қисми). Бу ўринда савол туғилиши мумкин: нима учун патент шахсий ҳуқуқни вужудга келганлигини гувохлантирувчи юридик ҳужжат бўлиб хисобланади. Ахир ундан олдин ижодкор ҳам, ижодий фаолият ҳам ва ижодий фаолият маҳсули ҳам мавжуд-ку? Тўғри, хақиқатдан ҳам ижодий фаолият маҳсули бўлган объектга патент берилиши ёки берилмаслигидан қатъий назар муаллифлик ҳуқуқи мавжуд бўлган. Бироқ бундай муаллифлик ҳуқуқи патент объектига нисбатан эмас, оддий илмий тадқиқот натижасига нисбатан муаллифлилик ҳуқуқи тарзида намоён бўлади. Конун ихтиро, фойдали модел, саноат намунаси муаллифини маҳсус ҳуқуқлар, имтиёзлар ва ижтимоий тусдаги афзалликлар билан таъмин этиши мумкин деб кўрсатади. Илмий даражалар олишдаги имтиёзлар, давлат мукофотлари ва фахрий унвонлар олиш, хизмат уйларида қўшимча алоҳида хона тарзидаги кабинетга эга бўлиш, ижодий таътилларга чиқиш, давлат мукофотлари ва халқаро мукофотлар соҳиби бўлиш имкониятлари бунга яққол далилдир.

Интеллектуал мулк ҳуқуқини фундаментал негизи ижод эркинлигига бориб тақалади. Ижод эркинлиги фалсафий жиҳатдан, ҳуқукий жиҳатдан турли ёндашувлар асосида таҳил этилиб келинмоқда.¹ Эркинлик инсоннинг ажралмас хусусияти, холати, унинг қадрияти, унинг интилишлари, имкониятлари, фаоллиги, мақсадларини ифодаловчи ҳолатдир. Эркинликнинг энг муҳим ифодаси ижодкорлик, инсон ички озодликка, хурлика эришган тақдирда эркин бўла олади. Бунга эса ижод орқали эришади. Ижод жараёнида инсон ўзини англаш орқали ўз рухияти эркинлигига эриша олади. Бу руҳий

¹ Каранг: А.Сайдов., О.Оқюлов. Некоторые аспекты правовых основ усиление защиты прав и законных интересов субъектов творческой деятельности. // труды по интеллектуальной собственности. М. том 41. 2.2022. 28-44-бетлар.

тутқинликни бартараф этишдир. Эркинлик шахсни ушлаб турувчи маънавий умуртқадир. У шахсни чекловчи барча ҳолатларни енгиб ўтиш, хақиқий индивидуализмни намоён бўлишидир.¹

Шундай қилиб ижод шахсни ривожланиш имкониятлари эркинлиги мужассами, унинг қадриятлари ўзаги хисобланади. Шу сабабли инсон эркинлигини англаш учун унинг ижодкорлик рухи фаоллашуви лозим бўлади. Эркинлик ижодни воқеълик доирасидан ташқари чиқишга, инсонни зарурат тутқунлигидан озод бўлишига олиб келади.² Бу ўринда шуни ҳам қайд этиш лозимки, марксистик мафкура асосида эркинлик бу - англанган заруратдир деган мафкуравий қоида ётади.³

Юқоридаги қарашлар ўртасидаги зиддиятларни яққол пайқаш мумкин, бир нуқтаи назар бўйича эркинлик зарурат тутқунлигидан халос бўлиш бўлса, иккинчисида, эркинлик заруратни англаб этишдир. Агар эркинлик зарурият ва воқеликни мутлақо инкор этса, у ҳолда бебошликка, анархияга, хаосга олиб келиши мумкин. Бу ижод эркинлигига нисбатан ҳам тўлиқ таълуқлидир. Агар у зарурат доирасида ўралашиб қолса, ижод эркинлиги муайян маънода чегараланиб қолади ва жамиятни ривожлантириш учун илфор, оригинал, уникал ғоялар тақдим эта олмайди. Шу сабабли ҳам ижод эркинлигини кишилик жамияти учун зарур бўлган янги ғоялар тизими сифатида баҳолаш ўринли бўлур эди.

Ижод эркинлиги инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг таркибий қисми сифатида 1948 йилдаги Инсон ҳуқуклари Бутунжаон декларацияси (27-модда) ва 1966 йилдаги Ижтимоий-иктисодий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида Пакт (15-модда) мазмунида ҳам ўз ифодасини топган.

Шуниси диққатга сазоворки, хар иккала ҳалқаро ҳужжатда хар бир инсон ўзи муаллифи бўлган илмий, адабий ёки бадиий асаллар юзасидан

¹ Қаранг: Философия. Творчество. Культура. Саратов. СГУ. 1994 г. 25-бет.

² Назарычева А.И. Свобода творчество в системе личностных ценностей.

<https://cyberleninka.ru/article/n/svoboda-i-tvorchestvo-v-sisteme-lichnostnyh-tsennostey>

³ Фалсафа асослари. Тошкент. Ўқитувчи. 1982 йил. 50 бет.

маънавий ва моддий манфаатлари химоя қилиниши ҳукуқига эгалигига урғу берилади.¹

Ушбу халқаро ҳужжатларда техникавий ижод эркинлиги тўғрисида кўрсатилмаган. Бироқ, инсон ҳукуқлари Умумжахон декларациясининг 14-моддасида инсоннинг таълим олиш ҳукуқи таркибий қисми сифатида техникавий таълим хам эслатиб ўтилади. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилдаги Конституцияси дастлабки лойиҳасида ижод эркинлиги тўғрисида норма мавжуд бўлмаганлигини қайд этиш лозим. Ушбу норма кейинчалик, умумхалқ мухокамаси даврида маҳсус модда сифатида шакллантирилди ва Конституциянинг 42-моддасида ўз ифодасини топди. Бироқ, қизиги шундаки бунда асосий урғу илмий ва техникавий ижодга берилди. Холбуки халқаро стандартлар бўйича илмий, адабий ва бадиий ижод эркинлигига алоҳида урғу берилган. 2022 йил 4 июнда эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни лойиҳаси 21-бандига кўра 42-модданинг 1-қисмидаги илмий ва техникавий деган сўзлар илмий, техникавий, бадиий деган сўзлар билан алмаштирилиши назарда тутилди². Бинобарин келгусида ижод эркинлиги, техникавий ижод эркинлиги, илмий ижод эркинлиги ва бадиий ижод эркинлиги турларидан иборат бўлиши назарда тутилмоқда. Бу ўринда шуни айтиш лозимки, техникавий ижод эркинлиги ижод эркинликлари тизмидаги алоҳида соф ҳолда учрамайди. Одатда у илмий техникавий ижод эркинлиги сифатида талқин этилади. Л.А.Гумеров илмий ва техникавий ижод, ижод эркинлигининг мустақил тури сифатида мавжуд деб хисоблайди ва у илмий техник фаолият соҳасида муҳим аҳамиятга эга деб кўрсатади.³ Илмий техника фаолияти инсон билиш фаолиятини тури сифатида уникал натижалар излашга, янги назариялар ва техник ечимлар яратишга, янги объектларни шакллантиришга қаратилгандир. Албатта техникавий ижод эркинлигини камситмаган ҳолда шуни айтиш мумкинки, у классик ижод

¹ Инсон ҳукуқлари тўғрисида Халқаро Билл. Тошкент. Адолат. 1992 йил. 16,26-бетлар.

² Халқ сўзи, 25 июнь 2022 йил

³ Қаранг: Ученый записка Казанского Университета. Том 154. Кн.4. Гуманитарные науки. Казан. 2012 г.

эркинлиги, яъни биз билган анъанавий ижод эркинликлари тизимида мавжуд эмас. Балки, илмий ижод эркинлигини ўзига хос дуррагайи сифатида намоён бўлмоқда. У соф холатда чекланган доирада, яъни техник таълим, техник фаолият, техник жараёнларни креатив ёндашув асосида такомиллаштиришга қаратилган ижодий фаолият сифатида баҳоланиши мумкин. Мехнатни илмий услубда ташкил этиш, рационализаторлик ечимлари соҳасида у ўзини яққол ифодасини топади. Техникавий ижод илмий ижодга нисбатан кенгрок оммавийлик касб этиши ҳам истисно этилмайди. Ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчилар, бошқа ходимлар техникавий ижоди хар доим ҳам кучли илмий ижодий характер касб этмаслиги мумкин. шу маънода олганда техникавий ижод эркинлигини ижод эркинлигининг мустақил компоненти сифатида ажратиб кўрсатиш мумкин. Албатта буни Ўзбекистон Республикасида алоҳида конституцион режимга эга бўлганлиги шу жиҳатдан олганда муайян асосга эга.

Илмий ижод эркинлигига келганда шуни таъкидлаш ўринлики, у Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 октябрдаги ЎРҚ 576-сонли Илм фан ва илмий фаолият тўғрисидаги Қонуннинг 3, 12,14-моддаларида бевосита бўлмаса ҳам, бавосита ўз ифодасини топган. Унда илмий ижод ва ахборот эркинлигига алоҳида ургу берилади. Илмий фаолиятга берилган таърифда унинг моҳияти очиб беришга харакат қилинган. Илмий фаолият объектлар, ҳодиса (жараёнлар)нинг хусусиятлари, ўзига хосликлари ва қонуниятларини аниқлаш мақсадида борлиқни ўрганиш ва олинган билимларни амалиётда қўллашга йўналтирилган фаолият ҳисобланиб, фундаментал ва амалий тадқиқотлардан иборатdir.

Фундаментал тадқиқотлар табиат, жамият ва инсоннинг тузилиши, шаклланиши ва ривожланишига оид асосий қонуниятлар ҳақида янги билимлар олиш, улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, шунингдек муайян фаолият натижасида яратилган объектларни ўрганишга йўналтирилган назарий ва (ёки) тажрибага йўналтирилган фаолият ҳисобланади.

Амалий тадқиқотлар амалий мақсадларга эришиш ва аниқ вазифаларни ҳал этиш учун асосан янги билимлар ва фундаментал тадқиқотлар натижаларини қўллашга йўналтирилган фаолият ҳисобланади

Илмий фаолият юритувчи шахслар:

илмий фаолият тури, йўналиши ва воситаларини танлаш;

илмий фаолиятни якка тартибда ёки жамоавий асосда олиб бориш;

инсон ҳаёти ва саломатлиги, атроф табиий мухитга зарар етказиши мумкин бўлган илмий фаолиятда қатнашишни рад қилиш;

бажарган ишининг даражаси ва сифатига кўра моддий рағбат олиш, шунингдек илмий фаолияти натижаларини амалиётга татбиқ этишдан мукофот ёки даромад олиш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, илмий фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармалари ва қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган илмий лойиҳалар бўйича танловларда қонунчиликда белгиланган тартибда иштирок этиш;

ўзи томонидан ёки ҳаммуалифликда бажарилган илмий ишланмалар натижаларидан, агар улар давлат, хизмат ва тижоратга оид ёки қонунчиликка мувофиқ муҳофаза қилинадиган бошқа сирлардан таркиб топмаган бўлса, эркин фойдаланиш, уларни тарқатиш ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш;

илм-фан соҳасида тадбиркорлик фаолиятини қонунчиликка мувофиқ амалга ошириш;

педагогик фаолият билан шуғулланиш, маслаҳатчи ва эксперт бўлиш;

агар қонунчиликда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, илмий фаолият натижаларини илмий маъруза, мақола, монография ва диссертация ҳимояси кўринишида ҳамда бошқа шаклларда тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Илмий фаолият юритувчи шахслар:

инсон ҳаёти ва саломатлиги, атроф табиий мухитга зарар етказмасликка;

кўчирмачиликка йўл қўймасликка, ўзгаларнинг илмий ишланмаларини ўзлаштирмасликка ва ёлғон маълумотларга асосланмасликка;

интеллектуал мулк ҳуқуқлари ва илмий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилишга мажбурдир.

Албатта юқоридаги нормалар илмий ижод эркинлиги моҳиятини очиб беришга муайян даражада хизмат қиласди, бироқ унинг мазмунини тўлиқ акс эттирамайди. Бунинг устига бевосита Асосий Қонунимизнинг ўзида илмий ижод эркинлигини муайян чегераси хам белгиланган. Конституциянинг 26-моддаси 3-қисмида хеч кимни унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажибалар ўтказилмаслиги белгилаб қўйилган. Конституциянинг 29-моддасига кўра хар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлигига эга. Хар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга. Амалдаги конституциявий тузимга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир. Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга таълуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин. Юқоридаги конституциявий нормалар илмий ижод эркинлиги муайян истиснолар билан амал қилишини кўрсатади. Илмий ижод эркинлигини илмий тадқиқотларни мавзусини танлаш эркинлиги, усул ва воситаларни белгилаш эркинлиги, эришилган илмий натижаларни эълон қилиш ёки эълон қилмаслик эркинлиги маъносида талқин этиш мумкин. Хар қандай илмий назария яшашга хақлидир. Фанда илмий қарашлар, нуқтаи назарлар, назарияларнинг тўғрилиги овоз бериш йўли билан хал этилиши, суд ёки давлат органи қарори асосида белгилаб қўйилиши мумкин эмас. Халқаро стандартларда адабий ва бадиий ижод эркинлиги тўғрисида хам сўз боради. 1886 йилги адабий ва бадиий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисида халқаро Берн Конвенцияси ҳам адабий ва бадиий асарларни фарқлайди. Бироқ хозирча Асосий Қонунимиз бадиий ижод эркинлиги билан бойитилмоқда холос. Бу ўринда савол туғилади: бадиий ижод эркинлиги ва адабий ижод эркинлиги ўртасида нисбат қандай? Одатда бадиий ижод шартли образлар орқали ижодий фаолиятни амалга ошириш хисобланади. Бадиий

ижодиёт ўз таркибига тасвирий санъат ва санъатнинг бошқа турларини, шу жумладан театр ва кино санъати, мусиқа санъати ва шу кабиларни ҳам қамраб олади. Адабий жараёнлар эса бадиий адабиёт ёки бошқачасига айтганда адабий асарлар, яъни шеърият, проза, публицистика ва шу каби асарларни яратиш жараёни билан узвий равища боғлиқ. Адабий ва бадиий жараёнларни фарқлаш нисбий шартли характерга эга. Улар бир бири билан узвий равища боғлиқ ва кўп ҳолатларда яхлит категория сифатида таҳлил этилиши мумкин. Шу маънода олганда Конституцияга киритилаётган ўзгартиришларда адабий ижод эркинлиги алоҳида ажратилиб кўрсатилмасдан, фақат бадиий ижод эркинлигига ургу берилганлиги танқидий ёндашув асосида баҳолаш ўринли бўлмаган бўлур эди. Ижод эркинлиги ва унинг таркибий қисмларини Асосий Қонунимизда белгилаб қўйилиши Фуқаролик Кодекси лойиҳасининг 4-бўлимида уларни янада кенгроқ ва батафсилоқ талқин этиш учун асос бўлади. Ижод эркинлигини Асосий Қонунимизда белгиланиши бу шунчаки оддий декларация, баёнот эмас, у ўзини ҳуқуқий тартибга солиш юкламаларига эга, оммавий маданият шарпалари хар томондан босиб келаётган, сўз эркинлиги, ижод эркинлиги ниқоби остида хар хил “бемаза” асарларга виртуал майдон тўлдирилаётган хозирги даврда ижод эркинлигини тўғри талқин этиш ўта муҳим аҳамиятга эга.

Ижод эркинлиги шунчаки деклоратив мазмунга эга бўлган ҳуқуқ эмас, у ижодий фаолият натижасининг муаллифи бўлган ижодкор муаллифга ушбу ижод натижасига нисбатан ҳуқуқларни вужудга келиши ва фуқаролик муомиласига киритилишида имтиёзлар ва афалликлар беради. Бундай имтиёз ва афзаллик қатор қонунларда белгилаб қўйилган. Жумладан, “Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисидаги” Қонуннинг 5-моддасида кўрсатилишича “саноат мулки обьектига бўлган ҳуқуқ муаллифга (ҳаммуаллифларга) ёки унинг (уларнинг) ҳуқуқий ворисига (ҳуқуқий ворисларига) тегишли бўлади ва патент билан тасдиқланади.” Ушбу қонуннинг 10-моддасида кўрсатилишича “ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини ёки иш берувчидан олган аниқ топшириқни бажариш

муносабати билан яратилган саноат мулки объектининг патентига бўлган ҳукуқ, агар бу ҳол улар ўртасида тузилган шартномада назарда тутилган бўлса, иш берувчига тегишли бўлади.”

Фуқаролик Кодексининг 695-моддасига кўра, илмий текшириш ишлари ёхуд тажриба конструкторлик, технологик ишлари пудрати шартномаси бўйича пудратчи буюртмачининг ёзма розилиги билан мазкур шартномалар бўйича бажарилган ишларнинг натижаларини патентлашга хақли. ФКнинг 698-моддасига кўра пудратчи ишларни бажариш жараёнида қўлга киритилган ҳукуқий муҳофаза лойиқ натижаларни ҳимоя қилиш чораларини кўриши ва бу хақда буюртмачини хабардор қилиши, буюртмачига қўлланилган ишларда бажарилган ҳукуқий муҳофазага лойиқ илмий техникавий натижалардан фойдаланиш хақидаги маҳсус лицензияни бериши шарт. Худди шунга ўхшаш ҳолат муаллифлик ҳукуқида муаллифга нисбатан белгилаб қўйилган афзалликларда намоён бўлади. ФКнинг 1056-моддаси 1-қисмига кўра муаллифга асардан хар қандай шаклда ва хар қандай усулда фойдаланишда мутлақ ҳукуқлар тегишлидир. Албатта, муаллифлик ҳукуқи ва обьекти хизмат асари бўлиши хам мумкин. ФКнинг 1062-моддасида хизмат асарига бўлган муаллифлик ҳукуқи режими белгилаб қўйилган. Хизмат вазифаларини ёки хизмат топширигини бажариш тартибида яратилган асарга (хизмат асарига) бўлган муаллифнинг шахсий номулкий ҳукуқлари асар муаллифида сақланиб қолади.

Хизмат асаридан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳукуқлар, агар муаллиф билан иш берувчи ўртасидаги шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, иш берувчига тегишлидир.

Хизмат асаридан фойдаланишнинг ҳар бир тури учун ҳақ миқдори ва уни тўлаш тартиби муаллиф билан иш берувчи ўртасидаги шартномада белгиланади. Иш берувчи билан тузилган шартномадан қатъи назар, муаллиф асар ошкор қилинган вақтдан эътиборан ўн йил ўтганидан кейин, иш берувчининг розилиги билан эса ундан ҳам олдинроқ асардан фойдаланиш ва ҳақ олиш ҳукуқини тўлиқ ҳажмда қўлга киритади.

Муаллифнинг хизмат асаридан топшириқ мақсади тақозо этмайдиган усулда фойдаланиш ҳуқуқи чекланмайди.

Иш берувчи хизмат асаридан ҳар қандай тарзда фойдаланишда ўз номини кўрсатишга ёхуд уни кўрсатишни талаб қилишга ҳақлидир.

Муаллифлик ҳуқуқи обьекти фуқаролик шартномаси асосида яратилган тақдирда унинг ҳуқуқий режими ФКнинг 1067-моддасида белгилаб қўйилган.

Муаллифнинг мулкий ҳуқуқларини бошқа шахсга ўтказиш мутлақ ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги муаллифлик шартномаси асосида ёки мутлақ бўлмаган ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги муаллифлик шартномаси асосида амалга оширилиши мумкин.

Мутлақ ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги муаллифлик шартномаси фақат ушбу ҳуқуқлар ўтказилаётган шахс асардан муайян усулда ва шартномада белгиланган доирада фойдаланишига рухсат беради.

Мутлақ бўлмаган ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги муаллифлик шартномаси фойдаланувчига асардан шундай ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказган мутлақ ҳуқуқлар эгаси ва (ёки) бу асардан айни шундай усулда фойдаланиш учун рухсат олган бошқа шахслар билан тенг равища фойдаланишига ижозат беради.

Муаллифлик шартномаси бўйича бошқа шахсга ўтказиладиган ҳуқуқлар, агар шартномада бевосита бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, мутлақ бўлмаган ҳуқуқлар ҳисобланади.

Асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи асар акс эттирилган моддий обьектга бўлган мулк ҳуқуқи билан боғлиқ эмас.

Моддий обьектга бўлган мулк ҳуқуқини ёки моддий обьектга эгалик қилиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш шу обьектда акс эттирилган асарга бўлган бирон-бир муаллифлик ҳуқуқининг ўз-ўзидан бошқа шахсга ўтказилишига сабаб бўлмайди

Юқоридаги ҳолатлардан кўриниб турибдики, интеллектуал мулк обьекти хатто меҳнат шартномаси асосида иш берувчининг топшириғи асосида яратилган бўлса хам ёхуд фуқаролик шартномаси асосида, буюртмачи

топшириги асосида бажарилган бўлса хам ушбу шартномалар натижасида яратилган интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳукуқлар автоматик равишда иш берувчига ёки буюртмачига ўтмайди. Бунинг учун ушбу шартномаларда мутлақ ҳукуқни иш берувчига ёки буюртмачига ўтиши тўғрисида аниқ равshan белгилаб қўйилиши лозим акс ҳолда меҳнат шартномасининг ёки фуқаролик шартномасининг мавжудлиги ва шу асосда интеллектуал мулк объектининг яратилиши иш берувчидага ёки буюртмачида мутлақ ҳукуқни вужудга келиши учун асос бўлмайди. Ушбу ҳолатлар бўйича қонун ижодкор муаллиф учун ўзига хос устуворлик афзаллик мақомини белгиламоқда. Ҳукуқни қўллаш ва суд амалиётида бунга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Тўғри, илмий тадқиқот муассасаларида яратилаётган саноат мулки объектлари учун иш берувчи ёки буюртмачи маҳсус шарт-шароитлар яратади. У томондан ташкил этилган лабораторияларда илмий қурилмалар, асбоб-ускуналардан фойдаланилади, жуда катта молиявий ва иқтисодий ресурслар сарфланади. Агар муаллиф ихтирочи иштироки ва иш берувчи буюртмачи иштироки қийматлар бўйича баҳоланадиган бўлса бу ижодкор муаллифнинг фойдасига бўлмаслиги табиий. Чунки, ижодкор муаллиф ўзининг ақл-заковатини, ўзининг билимини сарфлаган ва унинг қийматдаги ифодаси, иш хақи бошқача тарздаги тўловлар орқали ифодаланиши мумкин. Иш берувчи ёки буюртмачини қиймати шаклидаги иштироки амалда жуда катта суммани ташкил этиши табиий (масалан, бинолар, иншоатлар, лаборатория жиҳозлари, турли кимёвий моддалар, тажриба синов ускуналари, бошқа ресурслар бўйича харажатлар шу жумладан ходимлар учун иш хақлари, ижтимоий тўловлар кўринишида намоён бўлиб нафақат бир неча юз миллион хатто миллиард сўмларгача бориши мумкин.

Албатта, бозор муносабатлари шароитида иш берувчи ва буюртмачи иштироки ва хиссаси жуда катта ва салмоқли ўрин эгаллайди. Бу ҳолда ижодкор муаллифни ўзи яратган интеллектуал мулк объектига нисбатан мутлақ ҳукуқлар олишда имтиёз ва афзалликлари белгиланишдан воз кечиши ёхуд ҳеч демаганда ижодкор муаллиф ҳукуқлари устуворлигини, ижодкор

муаллиф билан иш берувчи буюртмачи хукуқлари паритетлиги призумпциясини белгилаш мақсадга мувофиқ эмасмиカン деган савол туғилиши мүмкін. Фикримизча, бундай хукуқлар паритетини белгилаш учун зарурат мавжуд эмас, чунки иш берувчи ёхуд буюртмачи ижодкор муаллиф билан тузадиган шартномада ўз иштироки хусусиятларидан келиб чиқиб мутлақ хукуқларни ўзига ўтиши тұғрисида аник равшан писанды қилиб қўйиши мүмкін. Бу ҳолда мутлақ хукуқлар иш берувчига ёки буюртмачига тегишли бўлади. Агар бундай шарт белгилаб қўйилмаган бўлса ижодкор муаллиф хукуқлари устуворлиги призумпцияси амал қиласди.

Хукуқни қўллаш амалиётида муаллифлик шартномалари бўйича хам, илмий тадқиқот ишлари шартномалари бўйича хам ва шунингдек меҳнат шартномалари бўйича хам мутлақ хукуқлар иш берувчига ёхуд буюртмачига тегишли бўлиши хақида шартларни мухим шартлар сифатида белгиланиш амалиёти мавжуд. Шуни хам таъкидлаш ўринлики тегишли меҳнат шартномалари ёки фуқаролик шартномаларида мутлақ хукуқлар кимга тегишлилиги кўрсатилмаган бўлса иш берувчи ёки буюртмачи уларни ўзиники сифатида ўзлаштириб олиш ҳолатлари ҳам учрайди. Баъзи ҳолларда ижодкор муаллифлар бундай ҳолатга эътироф билдириласлиги ўз хукуқларини талаб қиласлик ҳолатлари хам учрайди. Айрим ҳолатларда эса иш берувчи ходим ўртасида низо келиб чиқиши хам мүмкін. Масалан, фермер хўжаликларидан бирида фермер хўжалиги ходими томчилатиб суғориш технологиясига ўзгартиришлар киритиш орқали сув ва энергия сарфини тенг баробарга қисқартиришга мувоффақ бўлган.

Фермер хўжалиги ушбу ихтирога нисбатан мутлақ хукуқни ўз номига расмийлаштириб олади. Ходим мутлақ хукуқга шериклик асосида фойдаланиш бўйича талаб қўйганда иш берувчи талабни рад этади. Ушбу масала суд муҳокамасининг предметига айланганда суд ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бўйича ушбу ихтиро яратилган деган хулосага келиб, мутлақ хукуқни фермер хўжалигига тегишли бўлиши хақида хал қиласага қабул қиласди. Хайрият ҳамки аппеляция инстанциясида суд ходим билан

фермер ўртасидаги меҳнат шартномасида ходимга томчилатиб сугориш технологиясини яхшилаш мажбуриятин юкланмаганлигини, бунинг учун унга қўшимча хақ тўланмаганлигига эътибор қаратади ва Ихтиrolар, саноат намуналари ва фойдали модделлари тўғрисидаги Қонуннинг 5-моддасига кўра ушбу ихтирога нисбатан мутлақ ҳуқуқ ходимга тегишли бўлиши тўғрисида ажрим чиқаради.

Интеллектуал мулк обьектлари ижодкор муаллифлар томонидан мутақил, ташаббускорлик асосида интеллектуал мулк обьектларини яратиш нисбатан кам кузатилади. Одатда интеллектуал мулк обьектлари ижодкор муаллифлар билан тузилган меҳнат шартномаси ёхуд фуқаролик шартномаси асосида яратиш ҳолатлари кўп учрайди. Бунда мутлақ ҳуқуқлар тақдири илмий тадқиқот ишлари шартномаси ёки муаллифлик шартномалари орқали белгиланиши лозим.

Бироқ, ҳуқуқни қўллаш амалиётида бу ҳолат аниқ равshan белгиланмаслиги ҳолатлари кузатилади. Ушбу масалада ягона суд амалиётини шакллантириш лозим. Бунинг учун Олий Суд Пленуми қарорларида қуйидагича тушунтириш бериш таклиф этилади: “интеллектуал мулк обьектлари иш берувчи билан тузилган меҳнат шартномаси ёки буюртмачи билан тузилган фуқаролик шартномаси асосида яратилганда, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномаларда бошқача белгиланмаган бўлса, ФКнинг 695-моддаси, 1056-моддаси 1-қисми мазмунига кўра мутлақ ҳуқуқлар интеллектуал мулк обьектларини ўз ижодий меҳнати орқали яратган муаллифга тегишли бўлади.”

Бундай ёндашув қонунларда белгиланган ижодкор муаллиф ҳуқуқларининг устуворлиги таомилини ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётидаги ўзига хос кафолати бўлиб хизмат қилган бўлур эди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги қонуни.

4. Ўзбекистон Республкасининг “Муаллифлик ҳукуқи ва турдош ҳукуқлар тўғрисида”ги қонуни.
5. Ўзбекистон Республкасининг “Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги қонуни.
6. Инсон ҳукуқлари умумжахон декларацияси.
7. Ижтимоий-иктисодий ва маданий ҳукуқлар тўғрисида Пакт.
8. Адабий ва бадиий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Бернъ конвенцияси.-ВОИС, 2002.
9. Ученый записка Казанского Университета. Том 154. Кн.4. Гуманитарные науки. – Казан, 2012. Философия. Творчество. Культура. Саратов. СГУ, 1994. –С.25.
10. Халқ сўзи, 25 июнь, 2022 й.
11. Назарычева А.И. Свобода творчество в системе личностных ценностей. <https://cyberleninka.ru/article/n/svoboda-i-tvorchestvo-v-sisteme-lichnostnyh-tsennostey>.
12. Фалсафа асослари. –Т.: Ўқитувчи, 1982.-50 б.
13. А.Сайдов., О.Окюлов. Некоторые аспекты правовых основ усиление защиты прав и законных интересов субъектов творческой деятельности // Труды по интеллектуальной собственности. -М. том 41.

Гулнора Худайбердиева
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни
муҳофаза қилиш академияси доценти,
юридик фанлар номзоди

Турдош ҳуқуқларга оид ҳалқаро шартномалар нормаларини қўллаш масалалари

XX-асрнинг олтмишинчи йилларига келиб турдош ҳуқуқларнинг субъектлари асосан ёзиб олинган асарларни саноат усулида кўпайтириб даромад олиш йўлига ўтган корхона ва шахслар ўзлари томонидан яратилган маҳсулотларни бозорда ҳимоя қилиш, уни қонунсиз ишлаб чиқариш ёки тақрорлашнинг олдини олиш мақсадида ўз ҳуқуқларини ҳалқаро доирада ҳимоя қилишни талаб эта бошлайдилар. Бу даврда муаллифлик ҳуқуқини ҳалқаро доирада ҳимоя қилиш тизими яратилган эди. Яъни, “Адабий ва бадиий асарларни муҳофаза қилиш ҳақида”ги Бернъ конвенцияси (1886 йил), “Муаллифлик ҳуқуқига оид Бутунжаҳон Женева конвенцияси” (1952 йил) ва бошқа универсал шартномалар яратилган ҳамда дунёнинг кўпгина етакчи мамлакатлари бу шартномаларнинг аъзолари эди. Аъзо мамлакатларда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган миллий қонунчилик тизими ҳам яратилди.

Муаллифлар томонидан яратилган асарларни ижрога қартиш жараёнида, айниқса, бир мамлакатда яратилган асар бошқа мамлакатларда фойдаланилаётганда ёки бошқача усулда фойдаланилаётганда муаллифларнинг ҳуқуқлари бузилиши ҳоллари юз бера бошлади. Шунинг учун ҳам муаллифлик ҳуқуқларини бутун дунёда бир хилда ҳимоя қилишнинг ҳалқаро тизимини яратиш вазифаси юзага келди.

Бундан ташқари, асарларни тақрорлаётган ёки ижро қилаётган ёхуд техник усулда ёзиб олаётган шахслар - турдош ҳуқуқлар субъектларининг ҳуқуқларини ҳам аниқлаш, унга ҳуқуқий мақом бериш, миллий қонунчиликларда уни мустаҳкамлаш лозим эди. Дунёдаги йирик компаниялар мана шу масалани ҳал этиш учун ҳалқаро доирада ижтимоий фикрни шакллантириб, турдош ҳуқуқлар субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя 65

қилишга қаратилған халқаро универсал шартномаларни яратиши ташаббуси билан майдонга чиқдилар.

1961 йил 26 октябрда Римда “Ижрочилар, фонограмма ишлаб чиқарувчилари ва эфир орқали узатувчи ташкилотлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиши ҳақидаги конвенция” қабул қилинди ва у 1964 йил 26 октябрдан кучга киритилди.¹

Рим конвенциясининг асосий мақсади - овоз ёзувчилар ва ижро-артистлар ҳамда эфир орқали маҳсулотларини узатувчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат. Конвенция ижрочилар томонидан асарлар ижро этилаётганда, фонограмма (ҳар қандай товушнинг акустик ёзиб олиниши) ишлаб чиқарувчиларнинг фонограммаларидан фойдаланилаётганда, кўрсатув ва эшилтириш берувчи ташкилотларининг дастурлари эфирга узатилаётганда уларни ҳимоя қилишни таъминлайди. Конвенция нормаларига қўра турдош ҳуқуқларнинг барча субъектлари ҳуқуқлари ҳар қандай рухсатсиз ҳаракатлардан ҳимоя қилинади.

Рухсатсиз ҳаракатлар деганда - дастурларни трансляция ёки ретрансляция (такроран узатиш) қилиш, трансляцияларни такрор ишлаб чиқариш мақсадида ёзиб олиш ва шунга ўхшаган ҳаракатлар тушунилади. Бундай ҳаракатлар амалга оширилганда ҳуқуқбузарлар ҳам муаллифларнинг, ҳам турдош ҳуқуқлар субъектларининг тегишли ҳуқуқларини бузадилар.

Қисқа қилиб айтганда, асарлардан такроран фойдаланиш, ёзиб олиш, узатиш, ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланувчилар билан турдош ҳуқуқлар субъектлари ўртасида келиб чиқадиган муносабатлар конвенция нормалари орқали тартибга солинади.

Конвенцияда асосан қуйидаги:

фонограмма ишлаб чиқарувчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
ижрочилар, артистлар ва бошқа жисмоний шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

¹ «Конвенция об охране прав исполнителей, производителей фонограмм и вещательных организаций» (Рим, 1961). ВОИС, Женева, 2000 г.

эфир орқали дастурларини тарқатувчилар хуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган йўналишларда ҳимоя таъминланади.

Конвенцияга кўра турдош хуқуқлар субъектларининг хуқуқларини ҳимоя қилиш камида 20 йил бўлиши белгилаб қўйилган. Республикаизда турдош хуқуқлар субъектларининг хуқуқларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилиши туфайли ҳимоя муддатлари қонунчилигимизда 50 йил деб ўрнатилди.¹

Муаллифлар хуқуқлари улар вафот этгандан сўнг 50 йил эканлиги ҳисобга олиниб, ҳар иккала гуруҳдаги субъектларга иложи борича бир хил ҳимоя муддатининг белгиланганлиги адолатли ҳимоя тизимининг яратилишига хизмат қиласи. Халқаро шартномаларнинг талаблари миллий қонунчилигимизда ўз аксини топиши бу, албатта, амалдаги қонунчиликни халқаро меъёрларга мувофиқлаштириш ва уни такомиллаштиришни тақозо этади.

Маълумки, Фуқаролик кодексининг тўртинчи қисми бевосита интеллектуал мулк, хусусан, муаллифлик хуқуқи ва турдош хуқуқларга бағищланган. Фуқаролик кодексининг бир қатор моддалари турдош хуқуқлар соҳасида келиб чиқадиган муносабатларни тартибга солишга бағищланганлигини ҳисобга олсак, кодексдаги чалкашликларни бартараф этиш долзарб бўлиб қолаверади. Масалан, кодексдаги “ҳар қандай ижронинг ёзиб олиниши” деганда факатгина шахслар томонидан асарлар ижро этилганда уни ёзиб олиш тушунилади. Конвенциядаги “фонограмма” тушунчаси эса, у “ҳар қандай товуш (табиий товушлар, табиат ҳодисалари, ижродан ташқаридаги стихияли товуш)”нинг шахслар томонидан режали ёки мақсадли ёзиб олиниши англаради.

Шундай экан, Кодексдаги ва амалдаги соҳа қонунчилигидаги бундай англашилмовчиликни бартараф этиш, уни халқаро шартнома талабларига мослаштириш лозим. Чунки, республикамиз келгусида юқоридаги конвенцияга аъзо бўлганда, бошқа мамлакатлар турдош хуқуқлар

¹ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. –Т.: Адолат, 2021. -Б.474-493.

субъектларининг манфаатларини ҳам ўз ҳудудида таъминлаши, яъни конвенциядаги “миллий тартиб” принципига тўлиқ амал қилиши ва бу ҳақида вақти-вақти билан аъзо давлатларга ҳисоб бериб туриши асосий мажбуриятлардан бири ҳисобланади. Турдош ҳуқуқларни халқаро доирада ҳимоя қилиш тизимининг яратилишида Рим конвенцияси таъсирчан “халқаро ҳуқуқий восита” бўлиб хизмат қиласди.

Рим конвенциясидан сўнг турдош ҳуқуқлар субъектларининг ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилишни кенгайтириш мақсадида 1971 йилда Женевада “*Фонограмма ишлаб чиқарувчилар манфаатларини уларнинг фонограммаларини қонунсиз ишлаб чиқаришидан ҳимоя қилиши ҳақида*” ги конвенция, 1974 йилда Брюсселда “*Ернинг сунъий йўлдоши орқали узатиладиган дастурларни ташувчи сигналларни тарқатиши тўғрисида*” ги конвенция, 1996 йилда Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг “*Ижролар ва фонограммалар бўйича Шартномаси*” қабул қилинди.

Турдош ҳуқуқларни халқаро ҳимоя қилишда юқоридаги универсал шартномалар халқаро ҳуқуқий асос ҳисобланади. Миллий қонунчиликда халқаро-ҳуқуқий нормалардан кенгроқ фойдаланиш ички ҳимоя тизими (турдош ҳуқуқлар субъектларининг мулкий ҳуқуқларини жамоа бўлиб бошқарувчи ташкилотларни тузиш ва бошқалар)ни шакллантиришда амалий кўмак бўлиши ҳам мумкин. Субъектларнинг мулкий ҳуқуқларини таъминлашда “устувор принцип” сифатида халқаро ҳуқуқнинг принциплари қўлланилади. Шунга кўра халқаро тажрибаларни ўрганиш ва хулоса чиқариш, миллий ташкилотлар фаолиятини таҳлил қилиш, амалда ишлайдиган янги тизимни яратишнинг стратегик йўналишлари ва назарий асосларини белгилаб олишда ёрдам бериши мумкин.

Рим конвенциясининг 15-моддасига кўра ҳар қандай давлат ички қонунчилиги билан қуйидаги чеклашларни (асардан эркин фойдаланишни) жорий этиши мумкин. Жумладан, асардан шахсий мақсадларда, кундалик воқеаларни шарҳлашда парчалар ишлатишда, ўз техника воситалари орқали ўзларининг дастурларини тайёрлашда қисқа муддатга овоз ёзувларидан

фойдаланиш ва илмий изланишлар олиб бориш мақсадларида фойдаланишлари мумкин. БИМТ, ЮНЕСКО, Бутунжаҳон меҳнат ташкилоти ушбу конвенциянинг маъмурий вазифасини бажаришда масъул ҳисобланади.

Фонограмма ишлаб чиқарувчилари, ижрочилар ҳуқуқларини, ривожланиб бораётган маданий индустрия талабларидан келиб чиқиб, янада кенгроқ ҳимоя қилиш масаласига ўтган асрнинг 90-йилларидан 1996 йили БИМТ томонидан бу соҳага оид алоҳида шартнома қабул қилинди.

БИМТ Шартномаси ратификация қилинган ёки унга қўшилиш ҳақида ҳужжатлар 30 давлатда сақлаш учун юборилган кундан бошлаб кучга кирди. Бу ҳужжатлар сақлаш учун Шартнома Депозитарийси ҳисобланган БИМТ бош деректорига топширилади. Шартнома қўйидаги ҳимоя қилинадиган икки тоифадаги гурӯхга нисбатан тадбиқ этилади:

- а) ижрочилар (актёрлар, қўшиқчилар, бастакорлар ва бошқалар);
- б) фонограмма ишлаб чиқарувчилар (ижро ёзувларни ёзиб олишни ва жавобгарликни ўз зиммасиги олган жисмоний ёки юридик шахслар).

БИМТ Шартномаси кинофильмларга ўхшаш аудиовизуал ёзувлардан ташқари, ижрочиларнинг фонограмма ёзилган ижролари учун қўйидаги тўрт турдаги:

қайта ишлаб чиқариш ҳуқуқи;

тарқатиш ҳуқуқи;

ижараға бериш ҳуқуқи;

ёзилган ижорни маълум қилиш ҳуқуқини мустаҳкамлайди. Ушбу ҳуқуқлар алоҳида ҳуқуқлар тури сифатида, қисман чеклашлар билан фақат ижрочиларга тегишлидир.

Қайта ишлаб чиқариш (такрорлаш) ҳуқуқи деганда, фонаграммани ҳар қандай шакл ва усулда ишлаб чиқаришга рухсат бериш ҳуқуқи тушинилади.

Тарқатиш ҳуқуқи эса, асар (фонограмма) асли ёки нусхасини сотиш йўли билан ёки мулк эгасининг ҳуқуқини бошқага ўтказишга ҳуқуқ эгасининг ҳуқуқини бошқага ўтказишга рухсат беришдир.

Ижара бериш хуқуқи деганда, асар (фонограмма)нинг асли ва нусхасини, миллий қонунчиликда белгиланидек, тижорат мақсадларида омма учун ижарага чиқаришга рухсат бериш хуқуқи тушунилади. Ёзилган ижрони маълум қилиш хуқуқи ижрочи ёки хуқуқ эгасининг фонограммани ҳаммага маълум қилиш учун кабел орқали ёки кабелсиз алоқа орқали (эфир, тўлқин ва бошқалар) етказишини назарда тутади. Бунда омма ҳар қандай жойда, ҳар қандай вақтда, ўз хоҳишига кўра, фонограммани тинглаш имкониятига эга бўлади. Бу турдаги етказишлиар “Интернет” тизимиға ҳам дахлдор.

Ижрочилар ва фонограмма ишлаб чиқарувчиларининг бошқа хуқуқларини таъминлаш мақсадида шартномада қатнашаётган аъзо давлатлар “миллий тартиб” принципидан келиб чиқиб, ўз ҳудудларида ўзларининг ижрочи ва фонограмма ишлаб чиқарувчиларига қандай ҳуқуқий кафолат беришса, бошқа давлатларнинг ижрочи ва фонограмма ишлаб чиқарувчиларини ҳам шундай ҳуқуқий ҳимоя билан таъминлашлари шарт. Шунингдек, шартномада қатнашувчи давлатлар барча ҳуқуқий ҳимоя воситаларини яратиб, ҳуқуқларни амалга оширишда “мулкий ҳуқуқларни бошқариш” (лицензия бериш, тегишли ҳақларни йиғиш ва тақсимлаш)ни ҳам йўлга қўйишилари лозим.

Шартномада белгиланган нормаларнинг миллий қонунчилигимизда ҳам ўз аксини топиши, ижрочилар, фонограмма ишлаб чиқарувчилар ва уларга тенглаштирилган бошқа ҳуқуқ эгалари мафаатларининг ҳар томонлама ҳимоя қилиниши республикамиз аъзо бўлган халқаро шартномаларнинг бажарилишида кенг имконият яратади. Бу шартнома 1996 йил 20 декабрь куни Женевада БИМТ Дипломатик конференциясида қабул қилинган.

Шартнома интеллектуал мулк ҳуқуқидаги қўйидаги ҳимоя қилинадиган икки гурӯхга тадбиқ этилади:

- а) ижрочилар (актёрлар, қўшиқчилар, дирежёрлар ва бошқалар);
- б) фонограмма ишлаб чиқарувчилари (ёзиб олишни ва жавобгарликни ўз зиммасига олган жисмоний ва юридик шахслар). Шунингдек, шартнома ижрочи ва фонограмма ишлаб чиқарувчилари уларнинг фонограммаларидан

тижорат мақсадларида ҳамда эфир орқали узатиш ва кабелли етказишларда ўз вақтида одилона ҳақ олиш ҳуқуқидан фойдаланишни ҳам белгилайди. Шартномага кўра ҳимоя ҳуқуқи камидаги 50 йил қилиб белгиланган.

Шартномада қатнашувчи давлатлар ҳуқуқий ҳимоя воситларини яратиб, мулкий ҳуқуқларни бошқариш, лицензия бериш, муаллифлик ва ижрочилик ҳақларини йиғиш ва тақсимлашни йўлга қўйишлари ҳам лозим. Мулкий ҳуқуқларни бошқариш билан шуғулланувчи ташкилотлар вазифалари ва принциплари шартномага мувофиқ тузилиши лозим.¹ Шартномада бу принциплар алоҳида кўрсатилган.

Турдош ҳуқуқларга оид халқаро конвенциялар турига кўпчилик олимлар бевосита қонунчиликда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган шахсларни субъект сифатида тан олишни таклиф этадилар. Бизнингча, турдош ҳуқуқлар субъектлари бўлмиш - телевидение, радиостудия, кабелли телевидение ва бошқалар ўз маҳсулотларини Ернинг сунъий йўлдошлари орқали узатадилар. Ана шу узатиш маълум ҳуқуқ ва эркинликлар ҳамда мажбуриятларни келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам 1974 йилги “Ернинг сунъий йўлдоши орқали узатиладиган дастурларни ташувчи сигналларни тарқатиши тўғрисида”ги Брюсель конвенциясини турдош ҳуқуқлар субъектларини ўрганиш тамойилларига асосланиб кўриб чиқиши мумкин.²

Брюсель конвенцияси 1974 йил 21 майда қабул қилинган. Ушбу конвенция дастур сигналлари йўлдош орқали тарқатувчи орган ҳисобланмаган органлар орқали тарқалишининг олдини олиш борасида бутунжаҳон тизимининг мавжуд эмаслиги ва бу камчилик йўлдошлар ёрдамидаги алоқалардан фойдаланишда тўсиқ бўлишидан ташвишланиб, муаллифлар, артист-ижрочилар, фонограмма яратувчилари ва эшиттириш берувчи ташкилотларнинг манфаатлари муҳимлигини назарда тутиб, тегишли тарқатиши органлари учун мўлжалланмаган йўлдошлар орқали берилаётган

¹ В.В.Белов, Г.В.Виталиев, Г.М Денисов. Интеллектуальная собственность. Законодательство и практика его применения. Учебное пособие. –М.: Юристъ, 1997. –С.150

² ЮНЕСКО халқаро месъёрий хужжатлари. (Тўплам). Конвенциялар. Битимлар. Протоколлар. Тасијономалар. Декларациялар. -Т.:Адолат, 2004. -Б284-288

дастурларни ташувчи сигналларнинг шу тарқатиш органлари томонидан тарқатилишини бартараф этиш чораларини таъминлаб берувчи халқаро тизим яратилиши шартлигини ҳисобга олган ҳолда дунёга келган. Конвенция 12 моддадан иборат.

Конвенцияда бевосита “сигнал”, “дастур”, “йўлдош”, “тарқалувчи сигнал”, “тарқатувчи орган” ва бошқа муҳим терминларга ҳукуқий тушунча ҳам берилган. Конвенциянинг асосий мақсади - унга аъзо бўлган ҳар бир давлатга “ўзининг ҳудудида ва ўзининг ҳудудидан кўзда тутилмаган йўлдошга узатилган ёки ундан ўтаётган сигналнинг дастурларни ташувчи сигналларни исталган тарқатувчи орган томонидан тарқатилишини бартараф этиш борасида чора - тадбирлар кўриш мажбурияти”ни юклайди.¹ Бу қоида бевосита бир давлатнинг ҳудуди устидан иккинчи давлатга шу дастурларни қабул қилиш учун мўлжалланган станцияларига сигналларни узатища ўзбошимчаликка йўл қўймасликни англатади.

Сигналлар узатища ерда мавжуд бўлган субъектлар - телевидение, радиостанция ва бошқаларнинг ўз маҳсулотлари ёки шундай маҳсулотларни узатиб турган шахсларнинг дастурларини етказувчилар иштирок этади. Ана шу муносабатларда бир томондан турдош ҳукуқлар субъектлари, иккинчи томондан, маҳсулотларни ўз ҳудудида қабул қилиб оловчи шахслар иштирок этадилар. Бу конвенцияни бевосита турдош ҳукуқлар нуқтаи назаридан ўрганиш шунинг учун ҳам аҳамиятлики, конвенциянинг деярли барча қоидалари теле-радио ташкилотлари ёки ижрочи (муаллиф)ларга тегишли бўлган асарларни узатища қатор ҳукуқ ва мажбуриятлар юзага келади. Бунда тарафлар ўртасидаги келишмовчилик ва низолар турдош ҳукуқлар қоидалари билан тартибга солинади.

Конвенциянинг 6-моддасида “Ушбу конвенция миллий қонунчиликдаги ёки халқаро келишувлардаги муаллифлар, артист-ижроочилар, фонограмма ишлаб чиқарувчилари ёки эшиттришлар ташкилотчилари

¹ Конвенция о распространении несущих программы сигналов, передаваемых через спутники. ВОИС, Женева, 1974 г.

ҳимоясини чегараловчи ёхуд унга зарар етказувчи сифатида талқин этилиши мумкин эмас”¹ дейилади. Бу қоида бевосита турдош хуқуқлар субъектлари ижро этган ёки иштирок этган асарларга нисбатан шахсларнинг эркинлигини ҳам таъминлайди.

Қонунчикка кўра кўрсатув ташкилотларининг хуқуқлари, шу ташкилотлар Ўзбекистон ҳудудида жойлашган бўлсагина ҳимоя қилиниши тушунилади. Бу қоида Ўзбекистонга сунъий йўлдошлар орқали кўрсатув узатаётган халқаро кўрсатув ташкилотларининг хуқуқларини ҳимоя қилмайди. Бу эса ТРИПСнинг 1(3) ва Рим конвенциясининг 6-моддалари талабларига зид. Айни вақтда Рим конвенциясида “миллий тартиб” нормаси ҳар қандай давлатнинг кўрсатув ташкилотига нисбатан тадбиқ этилишини белгилаган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Белов В.В., Виталиев Г.В., Денисов Г.М. Интеллектуальная собственность. Законодательство и практика его применения. Учебное пособие. –М.: Юристъ, 1997. –С.150

2.Конвенция о распространении несущих программы сигналов, передаваемых через спутники. ВОИС, Женева, 1974 г.

3.ЮНЕСКО халқаро меъёрий хужжатлари. (Тўплам).Конвенциялар. Битимлар. Протоколлар. Тасияномалар. Декларациялар. -Т.:Адолат, 2004.-Б.286.

¹ ЮНЕСКО халқаро меъёрий хужжатлари. (Тўплам).Конвенциялар. Битимлар. Протоколлар. Тасияномалар. Декларациялар. -Т.: Адолат, 2004. –Б.286.

Ахрор Рӯзиев
юридик фанлар бўйича
фалсафа доктори

Интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг фуқаролик- ҳуқуқий усуллари ва воситалари

Субъектив ҳуқуқларни ҳимоя қилиш муайян усул ва воситалар ёрдамида амалга оширилади. Жумладан, интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишда ҳам фуқаролик ҳуқуқининг умумий усул ва воситаларидан фойдаланилади.

Мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усуллари деганда, бундай ҳуқуқларни ҳамма томонидан эътироф этилиши, риоя қилиниши, бажарилиши, кўрикланиш, улар бузилган тақдирда уларни тиклаш оқибатлари, бартараф этилишини таъминловчи юридик воситалар, чоралар ва йўллар тушунилади¹.

Бундай усуллар доираси турлари, уларни амалга оширишнинг тартиби қонунларда белгилаб қўйилади. Чунончи, Фуқаролик кодексининг 11-моддасида фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари мустаҳкамлаб қўйилган.

Интеллектуал мулк ҳуқуқи обьектлари ўз мазмuni ва моҳиятига кўра фуқаролик-ҳуқуқий обьектлари сирасига киради. Демак, Фуқаролик кодексининг 11-моддасида назарда тутилган фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари уларга нисбатан таалуқлидир.

Интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишинг умумий фуқаролик-ҳуқуқий усул ва воситаларини ўзига хос ҳусусиятларини кўриб чиқайлик.

Интеллектуал мулк ҳуқуқини тан олишда интеллектуал мулк обьектига нисбатан ҳуқуқ эгасининг мутлақ ҳуқуқларини учинчи шахслар томонидан ёхуд давлат, жамоат ташкилоти томонидан эътироф этилади. Барча мутлақ ҳуқуқлар учун ҳуқуқни тан олиш усули энг асосий ҳимоя усулларидан бири хисобланади. Чунки, мутлақ ҳуқуқларга моддий ашёning кимда бўлиши унчалик аҳамиятга эга бўлмайди.²

¹ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳукуки. Дарслик. Иккинчи қисм.-Т.: Адолат, 1999. –Б.144.

²Кальягин В.О. Интеллектуальная собственность. Учебник.-М.: НОРМА. 2000 . -С.78.

Хукуқ әгасига мутлақ ҳукуқ тегишли эканлиги бўйича низо келиб чиққан ҳолларда ҳам, масалан мутлақ ҳукуқ вужудга келганлиги ва маълум шаклга эга эканлиги фактини гувоҳлантириш учун ушбу усулдан фойдаланиш мумкин. Агар ҳукуқни тан олиш илгари бундай ҳукуқни бузган шахс томонидан содир этилса, содир этилган ҳукуқбузарлик шаклига ҳукуқни тан олиш мос келиши керак.¹ Масалан, маълум ихтирога нисбатан патент олганлик ҳақида вақтли матбуотга ёлғон ҳабар тарқатган шахс ҳукуқбузарлигидан ҳимоя сифатида ҳақиқатда патент эгаси ҳукуқини тан олиниши худди шундай вақтда матбуот нашрига ушбу ихтирога нисбатан патент ҳақиқатда кимга тегишли эканлиги ҳақида ҳабар бериш орқали амалга оширилади.

Мутлақ ҳукуқни тан олиш ҳукуқнинг ҳимоя қилиш усули сифатида ўз моҳиятига фақат юрисдикциявий шаклда амалга оширилиши мумкин. Яъни, бунда давогар томонидан бир томонлама мустақил ҳаракат амалга оширилиши мукин. Бинобарин, даъвогарнинг мутлақ ҳукуқини тан олиниши ҳақидаги талаби жавобгарга эмас, балки судга қаратилган бўлади. Суд даъвогарнинг мутлақ ҳукуқининг мавжудлиги ёки йўқлиги расман тасдиқлаб берилиши керак бўлади.

Интеллектуал мулк ҳукуқининг бузилишдан олдинги ҳолатини ва бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини келтириб чиқарадиган ҳатти-ҳаракатларнинг олдини олиш олиш, ҳукуқ бузилишидан олдинги ҳолатини тиклаш, мутлақ ҳукуқни норма амал қилиши учун шарт-шароитлар яратиб берилишидан иборат бўлади. Бунда албатта мутлақ ҳукуқни бузиш ҳаракатларига барҳам берилиши, унинг оқибатлари бартараф этилиши ва ҳукуқбузар зиммасига ҳукуқни бузиш ҳаракатларидан тийилиш мажбурияти юклатилади.

Ушбу ҳимоя усули бузилган мулкий ҳукуқлар ҳукуқзарлик натижасида буткул нобуд бўлмаган ва ҳукуқбузарлик оқибатларини бартараф этиш билан

¹Сергеев А.П. Право интеллектуальной собственности в Российской Федерации. Учебник.-М.: Проспект. 2000. -С.78.

уни амалда тиклаш мумкин бўлган ҳолларда қўлланилади. Масалан, интеллектуал мулк объектларидан фойдаланиш жараёнида унга ўзгартиришлар киритилганлиги аниқланса, ушбу инетлектуал мулк объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқقا эга бўлаган шахс объектни дастлабки ҳолатга келтирилишини талаб қилиши мумкин. Айтайлик, бастакор ўзи яратган мусиқани овоз ёзиш студиясида ёзиш жараёнида унга ўзгартириш киритилганлигини аниқласа, студиядан мусиқани дастлабки ҳолида ёзиши талаб қилишга ҳақли.

Баъзи ҳолларда ҳуқуқбузарлик содир этилганидан сўнг, уни аввалги ҳолатига тўлиқ тиклашнинг имкони бўлмаслиги мумкин. Хусусан, муаллифнинг рухсатисиз ўзгартириш киритилган асарнинг бир қисми сотиб бўлинган бўлса. Бундай ҳолларда муаллифнинг талаби бўйича ҳуқуқбузарлик содир этган шахс асарнинг сотилмай қолган қисмини қайтариб олиш ва уни дастлабки ҳолатида чоп этиш ҳамда биринчи ҳолатда йўл қўйилган ҳатолар тўғрисида маълумот эълон қилиши керак бўлади.

Шартнома бўйича аслича (натура)бажаришга мажбур қилиш усули, баъзан реал бажариш ҳам деб юритилади. Мажбуриятни аслича бажариш одатда пул компенсациясига қарши қўйилади. Бироқ, ҳар доим ҳам мажбуриятни пул билан қоплаш ҳуқуқи бузилган шахснинг мафаатларига мос келавермайди. Бинобарин, ҳуқуқи бузилган муаллиф жавобгардан шартнома бўйича бурчни аслича бажаришни талаб қилиши мумкин.

Интеллектуал мулк ҳуқуқини бузишга қаратилган битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш. Маълумки, фуқаролик ҳуқуқида ҳақиқий эмас деб топилган битимлар низоли ва ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимларга бўлинади.¹ Интеллектуал мулк объектларига нисбатан тузилган битимлар, агар бундай битимларни ёзма тузиш ва рўйхатдан ўтказиш талабларига риоя қилинмаган ва битим шартлари қонун талабларига

¹ Раҳмонкулов X. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шархлар. I-жилд. Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1997. –Б.261.

мувофиқ бўлмаган ҳамда Фуқаролик кодексида назарда тутилган бошқа ҳолларда ўз-ўзидан ҳақиқий эмас хисобланади.

Интеллектуал мулк ҳуқуқи обьектига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни бузишга олиб келувчи ва давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан чқарилган ҳужжат юқори ваколатли давлат органи томонидан ёхуд суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилади.

Интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳуқуқ эгаси томонидан ҳимоя қилиниши Фуқаролик кодексига киритилган янги усуллардан хисобланади. Бундай усул судга мурожат қилмасдан, ўз ҳуқуқларини ўз имкониятлари билан ҳимоя қилиши мумкинлигини англаради. Ўз ҳуқуқини ўзи ҳимоя қилиш ҳуқуқи бузилганлиги, ҳуқуқ бузилишининг олдини олиш зарурлиги, ҳуқуқ бузилишининг олдини олиш учун қўлланадиган чоранинг бузилган ҳуқуқнинг характеристига ва мазмунига мутаносиб бўлиши, унинг доирасидан чиқиб кетмаслиги каби омилларнинг мавжуд бўлиши тоқазо этилади.

Мутлақ ҳуқуқларнинг ҳуқуқ эгасининг ўзи томонидан ҳимоя қилинишининг хусусияти шундаки, ушбу усулни қўллашда ижозат этилган ва мумкин бўлган доирадан чиқиб кетмаслиги зарур. Айни шундай қоида фуқаролик ҳуқуқидаги ўзини ўзи ҳимоя қилиш жиноят ҳуқуқидаги зарурий мудофаа тушунчасидан фарқ қиласди. Ўз ҳуқуқини ўзи ҳимоя қилиши усулидан мажбуриятни бажарилишини таъминлашга қаратилган чора сифатида фойдаланиш мумкин. Бир тарафнинг шартномани бажаришдан тўла ёки қисман бош тортишини ҳам фуқаролик ҳуқуқларини фуқаро ёки юридик шахснинг ўзини ўзи ҳимоя қилиши тушунчаси билан тенглаштирилади.¹

Зарарни қоплаш ва неустойка ундириш мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилишда шартнома муносабатлари ва шартномадан ташқари муносабатларда кенг қўлланилади. Ушбу усуллар бурчни натура шаклида ижро этишга мажбуrlаш усулидан шу томони билан фарқ қиласди, бунда ҳуқуқ эгаси

¹ Раҳмонқулов X. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шархлар. I-жилд. Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1997. –Б.99.

хуқуқбузар томонидан содир этилган хуқуқбузарлик учун пул кўринишида, товоң тўлашига рози бўлади, шу билан кифояланади.¹

Мутлақ хуқуқни ҳимоя қилишда зарани ундириш Фуқаролик кодексининг 14-моддасида, неустойка ундириш эса “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий баъзаси тўғрисида”ги қонуни асосида амалга оширилади (агарда интеллектуал мулк обьектларидан тадбиркорлик фаолиятида фойдаланилган бўлса).

Зарар етказилиши бошқарув соҳасидаги ҳаракатлар (ҳаракатсизликлар) билан боғлиқ бўлишига қарамай, уларни ундиришга қартилган ҳаракат фуқаролик-хуқуқий характерда бўлади. Шу боис, зарар миқдорини, жавобгарликка тортиш асосларини, даъво муддатини белгилашда Фуқаролик кодексининг тегишли моддалари талабларидан келиб чиқиш лозим. Хусусан, етказилган зарар миқдори ва унинг таркибий қисми Фуқаролик кодексининг 14-моддасига мувофик белгиланади.

Интеллектуал мулк хуқуқи обьектига нисбатан мутлақ хуқуқ эгасининг хуқуқлари бузилган тақдирга, унга моддий зарар, балки маънавий зиён ҳам етказилиши мумкин.² Маънавий зиён кўп ҳолларда мутлақ хуқуқ эгаси, у ишлаб чиқараётган маҳсулот ҳақида салбий характердаги тасаввурлар вужудга келишида, бошқа субъектларда унга нисбатан ишинчни йўқолиши каби ҳолатларда ифодаланади. Бундай ҳолларда мутлақ хуқуқ эгаси хуқуқбузарлардан ўзига етказилган маънавий зарарни пул кўринишида қоплашни талаб қилишга хақли.

Яна бир усул хуқуқий муносабатни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳисобланади. Маълумки, хуқуқий муносабат турли хуқуқ субъектлари ўртасида субъектив хуқуқларни амалга ошириш ёки бурчни бажариш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабат, ўзаро юридик боғланиш, алоқа маъносида тушунилади. Бинобарин, интеллектуал мулк хуқуқи обьектига нисбатан мутлақ хуқуқ эгаси ёки суд бундай хуқуқий муносабатни

¹ Гражданское право. Учебник. -Т.: И.-М.:Проспект, 1996. -С.276.

² Тошев Б.Н. Законадателние основи и форми зашти абторских прав в Узбекистане..-Т.: АП ТПК.1999.-Б.14.

бекор қилиши ёки хуқуқий муносабатни хуқуқбузарликка йўл қўймайдиган қилиб ўзгартириш мумкин.

Давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонунга зид ҳужжатининг суд томонидан қўлланмаслиги мутлақ хуқуқ эгасининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг умумий усуллари сирасига киради.¹

Ушбу усул билан интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишда давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг ҳужжати қонунга албатта зид бўлиши ва бундай ҳужжатни Фуқаролик кодексининг 11-моддасида белгиланган асос бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас деб топиш имкониятлари бўлмаслиги ёки унинг мақсадга мувофиқ эмаслиги аён бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1040-моддасида интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг қуидаги маҳсус усуллари ўз аксини топган:

хуқуқбузарликда фойдаланилган обьектларни ҳамда бундай унинг натижасида яратилган моддий обьектларни олиб қўиш;

хуқуқбузарлик ҳақида маълумотни мажбурий суръатда эълон қилиб, унда бузилган хуқуқ кимга тегишлилиги тўғрисид маълумотни киритиш;

қонунда назарда тутилган бошқа усуллар.

Фуқаролик кодексида интеллектуал мулк хуқуқига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг икки маҳсус усуллари мустаҳкамланган. Учинчisi эса, яъни, “қонунда назарда тутилган бошқа усуллар” эса интеллектуал мулк обьектларининг алоҳида турлари билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қонунда назарда тутилган усулларини белгилайди.

Бироқ интеллектуал мулк обьектларининг алоҳида турларига бўйича қонунларда интеллектуал мулк обьектининг у ёки бу турини ҳимоя қилишнинг маҳсус усули аниқ кўрсатилмаган.²

¹ Зокиров И. Фуқаролик хуқуқи. 1-кисм.-Т.: ТДЮИ, 2006. –Б.38.

² З.С.Ақрамходжаева. Интеллектуал мулк ҳуқуқини фуқаролик-хуқуқий ҳимоя қилишни такомиллаштириш муаммолари. -Т.: ТДЮИ, 2007. –Б.72.

Мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усулларидан бири мутлақ ҳуқуқлар қайси моддий объектлар ёрдамида бузилган бўлса, ўша моддий объектларни ҳамда бундай бузиш натижасида яратилган моддий объектларни олиб қўйиш ҳисобланади. Ушбу усул интеллектуал мулк ҳуқуқи объектларининг барча турлари бўйича кенг фойдаланилади.

Мазкур усулни қўллаш, яъни олиб қўйиш маъмурий тартибда амалга оширилади. Масалан, муаллифлик ҳуқуқи объектлари бўйича контрафакт нусхаларни чегарадан олиб ўтишда божҳона органлари томонидан олиб қўйилиши мумкин. Шунингдек, олиб қўйиш суд орқали ҳам амалга оширилиши мумкин. Олиб қўйишда бундай объектлар фуқоролик муомаласидан чиқарилади, уларни сотиш, ҳадя қилиш, фойдаланишга бериш, фойдаланиш ҳаракатларини содир этиш таъкиқланади. Ушбу объект ҳуқуқбузарларидан ҳам, учнчи шахслардан ҳам олиб қўйилиши мумкин. Бунда, учнчи шахслар олиб қўйилиш туфайли ўзига етказилган заарни ундириш ҳақида ҳуқуқбузарга регрес даъво қўзғатишга ҳақлидир. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, айрим ҳолларда моддий объектлар учнчи шахслардан олиб қўйишга йўл қўйилмайди. Масалан, контрафакт нусха ҳисобланган китобни сотиб олган шахс, ундан шахсий мақсадларда фойдаланишга ҳақли ва уни олиб қўйиш мумкин эмас.

Интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг яна бир маҳсус усули, бу содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳақидаги маълумотни мажбурий тартибда эълон қилиб, унда бузилган ҳуқуқ кимга тегишлилиги тўғрисидаги маълумот киритиш ҳисобланади. Бундай усул мутлақ ҳуқуқи бузилган шахснинг талаби бўйича суд қарори бўйича амалга оширилади. Маълумотларни эълон қилиш ҳуқуқбузарнинг ҳисобидан радио, телевидение, газета-журналлар ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилади. Мажбурий суръатда эълон қилдириладиган маълумотномада муайян интеллектуал мулк ҳуқуқ обьектига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар қандай бузулгани, ким томонидан бузилгани ва мутлақ ҳуқуқлар эгаси ким эканлигини қўрсатилади.

Саноат мулкини муҳофаза қилиш бўйича Париж Конвенцияси ғирром рақобатни олдини олишни интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш усулларидан бири сифатида назарда тутади. Ғирром рақобат тушунчаси унинг намоён бўлиш шакллари ва унга қарши ҳуқуқий жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикасининг “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги қонунда белгилаб қўйилган.¹

ЭҲМ дастурларига бўлган муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг асосий усуллари ҳуқуқни тан олиш, ҳуқуқни бузгунга қадар бўлган ҳолатини тиклаш ва ҳуқуқни бузадиган ҳаттаи-ҳаракатни тўхтатиш, заарни ундириш кабилар ҳисобланади. Шунингдек, интеграл микросхемалар топологиясини ҳимоя қилиш юқоридаги усуллар билан аммалга оширилади.

Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, Товар келиб чиқсан жой номига бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилиш ҳуқуқ бузилишини тўхтатишни талаб қилиш, етказилган заарни ундириш, репутация (ишchanлик обрўси)ни тиклаш учун суд қарорини эълон қилиш, товардан ноқонуний фойдаланаётган товар белгисини олиб ташлаш каби усуллар билан аммалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонунининг 11-моддасида мутлақ муаллифлик ҳуқуқининг эгаси ўз ҳуқуқларидан хабардор этиш учун асарнинг ҳар бир нусхасида акс эттириладиган қуйидаги уч элемент: айлана ичига олинган “С” ҳарфи, мутлақ ҳуқуқ эгасининг исм-шарифи, асар биринчи марта эълон қилинган йилдан фойдаланади².

Ўзбекистон Республикаси “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқсан жой номлари тўғрисида”ги қонунининг 29-моддаси огоҳлантирувчи тамғани тамғали деб номланади. Унда кўрсатилишича, товар белгиси эгаси ёки товар келиб чиқсан жой номларидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳноманинг эгаси товар келиб чиқсан

¹ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шархлар.-Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1998. –Б.76.

² Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонуни.:Т. ИПС. НОРМА. 2006.

жой номи билан бир қаторда товарда ёки унинг идиши ҳамда ўровда қўлланилган белги Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган товар белгиси ёки товар келиб чиқсан жой номи эканлигини билдирувчи лотин алифбосидаги “Р” ёки айланда ичига олинган “Р” ҳарфи тарзидаги огоҳлантирувчи белги қўйилиши мумкин.¹

Интеллектуал мулк объектларининг ҳимоя белгилари ўзига хос огоҳлантирувчи рамз хисобланади. Ушбу ҳимоя белгиси қўйилган Товар интеллектуал мулк ҳуқуқи асосида ҳимоя қилиниши, яъни қонун ҳимояси остида эканлиги, ушбу объектга мутлақ ҳуқуқ кимга тегишли эканлигини ва унинг амал қилиш муддати қачондан бошланган эканлигини, ушбу товардан фойдаланувчи барча шахсларга маълум қиласи. Бироқ, ҳимоя белгиси фақат, маълумот бериш функцияси билан чекланмайди. Ҳатто мумкинки, ушбу объектга нисбатан мутлақ ҳуқуқ субъекти қўрсатилиши ҳимоя белгисини қўйилиши интеллектуал мулк ҳуқуқини таъминлайди деб хисоблаш ҳам унчалик тўғри эмас. Шу сабабли, баъзи мамлакатларда, ҳусусан маданий қароқчилик кенг авж олган Россия Федерациясида аудио видео касеталарда ҳимоя белгиси билан бирга ўша мамлакат фуқаролик кодекси, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекси, жиноят кодексида интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳусусан, мутлақ ҳуқуқларни бузганлик учун жавобгарлик санкциялари тўғрисида ахборот берувчи маълумотномалар ҳам илова қилинади.

Интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳимоя белгилари кишиларга ахборот-маълумотлар бериш орқали қуидаги функцияларни бажаради:

Мутлақ ҳуқуқ эгаси ҳуқуқларини ҳуқукий муҳофаза қилиш;
Объектдан қонуний тартибда фойдаланишга қўмаклашиш;
Объектдан ғайриқонуний фойдаланиш ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш.

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат қўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқсан жой номлари тўғрисида”ги Қонуни.:Т.: ИПС. НОРМА.2001й.

Ўзбекистон Республикасининг Бутунжаҳон савдо ташкилоти (БСТ)га аъзо бўлиб киришига шарт-шароит тайёрлаш мақсадида тегишли қонунларга ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги муаммоларга кейинги вақтларда алоҳида эътибор берилмоқда. Ушбу маълумотни интеллектуал мулк хуқуқини ҳимоя қилиш билан узвий равишда боғлиқ. БСТнинг асосий ҳужжатларидан бири бу ТРИПС битими ҳисобланади (Интеллектуал мулк хуқуқининг савдо жиҳатлари тўғрисида битим). Кейинги даврларда илмий адабиётларда ушбу муаммо ечими бўйича қатор таклифлар илгари сурилди. Жумладан, О.Оқюлов интеллектуал мулк хуқуқини бузганлик учун жавобгарлик масалаларини кўриб чиқди.¹ Б.Тошев эса муаллифлик хукуқлари, муаллифлик шартномалари, муаллифлик хуқуқи ва турдош хукуқлар билан боғлиқ хукуқбузарликларда даъвони таъминлаш йўллари муаллифлик ва турдош хукуқлар бўйича хукуқларни маъмурий, жиноий-хуқуқий ҳимоя қилиш чоралари тўғрисидаги ўз фикр мулоҳазаларини баён этганлар.²

Б.Тошев муаллифлик ва турдош хукуқлар бузилган тақдирда хукуқбузар етказилган барча зарар мулк ва пул хисобида қоплашлари шартлигини қонунда мужассамлаштиришни таклиф этади. Мехнат кодексида етказилган зарар ҳам пул, ҳам мол-мулк қўринишида қопланиши мумкинлиги назарда тутилган ва ушбу қоидани фанда ҳам ўз ифодасини топиши мақсадга муюфиқлиги тўғрисида М.Мамасиддиқов таклиф этган.³ Бундай ҳолатда етказилган моддий ёхуд маънавий зарарни ундириш имкониятлари кенгаяди. Зарар етказувчининг пул маблағлари йўқлиги ининг жавобгарликдан озод қилиш учун асос бўлмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни хulosа қлиш мумкинки, интеллектуал мулк хуқуқини ҳимоя қилишнинг фуқаролик-хуқуқий усуллари ва воситаларини амалиётда қўллашда айрим қийинчиликларга дуч келинмоқда. Ушбу ҳолатни қўйидагилар билан ифодалаш мумкин:

¹ Оқюлов О. Интеллектуал мулкка қарши жиноятлар учун жавобгарликни такомиллаштириш муаммолари. Иктиносияот асослари ва ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ жиноятчиликка қарши қураш муаммолари мавзусида илмий-амалий конференсия материаллари.-Т.: ТДЮИ. 2003. -Б.128-133.

² Тошев Б.Н. Муаллифлик хуқуқи.-Т.: Ҳуқуқий маърифат тарғиботи. 2002.-Б.14.

³ Мамасиддиқов М. Мехнат низоларини ҳал этишнинг процессал хусусиятлари. - Т.: 2002. -Б.43.

биринчидан, судлар зарарни аниқлашда моддий-ашёвий объектларга етказилган зарарни аниқлаш мезонларини қўллаш ҳоллари учрайди. Иккинчидан, интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишда шахсий номулкий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усулларини қўллашга алоҳида эътибор бериб, мулкий ҳуқуқларни назардан қочирадилар. Учинчидан, ҳуқуқбузарга нисбатан маъмурий ёки жиноий жавобгарлик чоралари қўлланиши ҳуқуқ эгасини фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя усулларидан фойдаланишини истисно этади деган нотўғри хulosага келмоқдалар.

Фойдаланилган адабиётлар:

- Гражданское право. Учебник. -Т.: И.-М.:Проспект, 1996. -С.276.
Зокиров И. Фуқаролик ҳуқуқи. 1-қисм.-Т.: ТДЮИ, 2006. –Б.38.
Кальянин В.О. Интеллектуальная собственность. Учебник.-М.: НОРМА, 2000. -С.78.
Мамасиддиқов М. Меҳнат низоларини ҳал этишнинг процессуал хусусиятлари. - Т.: 2002. –Б.43.
Оқюлов О. Интеллектуал мулкка қарши жиноятлар учун жавобгарликни такомиллаштириш муаммолари. Йқтисодият асослари ва ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ жиноятчиликка қарши кураш муаммолари мавзусида илмий-амалий конференсия материаллари.-Т.: ТДЮИ. 2003. – Б.128-133.
Раҳмонқулов Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шархлар. I-жилд. Т.: Йқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1997. –Б.261.
Сергеев А.П. Право интеллектуальной собственности в Российской Федерации. Учебник.-М.: Проспект. 2000. -С.78.
Тошев Б.Н. Законадателние основи и форми зашти аброрских прав в Узбекистане..-Т.: АП ТПК.1999.-Б.14.
Тошев Б.Н. Муаллифлик ҳуқуқи.-Т.: Ҳукуқий маърифат тарғиботи. 2002.-Б.14.
Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик. Иккинчи қисм.-Т.: Адолат, 1999. –Б.144.

Дилшод Тошев
Ўзбекистон Республикаси Ҳукуқни
муҳофаза қилиш академияси
мустакил-тадқиқотчиси

**Интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштиришнинг
ҳуқуқий асосларини ривожлантириш**

Кейинги йилларда мамлакатимизда иқтисодиётни модернизациялаш, рақамли иқтисодиётга ўтиш, инновацияларни кенг жорий қилиш, рақобатбардош маҳсулотларни жаҳон бозорига чиқариш ва мамлакатимизнинг халқаро савдо тизимида муносиб ўрнини белгилаш йўлида илм-фанный йўналтириш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда, унинг ҳуқуқий асослари яратилмоқда.¹ Илм-фан ва илмий фаолиятни ривожлантириш орқали миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги ҳамда самарадорлигига эришиш, илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш ва ресурсларни мақсадли йўналтириш, давлат илмий дастурларини ишлаб чиқиш, асослантирилган ташаббус ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, илм-фан ва илмий фаолият соҳасида давлат-хусусий шерикликни қўллаб-қувватлаш, интеллектуал мулк обьектларига бўлган ҳуқуқларни муҳофаза қилиш асосий йўналишлар ҳисобланади. Шунга кўра, мамлакат иқтисодиёти ва хўжалигини ривожлантиришда илмий-тадқиқот натижаларини кенгроқ жорий этиш давлат сиёсатининг устивор йўналишларидан бирига айланиб бормоқда.

Илм-фан ва инновациялар соҳасида қабул қилинган қонун ҳужжатларига² биноан илм-фан натижалари, илмий изланишда қўлга киритилган янги ғоялар, амалий илмий ишланмалар ва инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга кенг тадбиқ этилишини таъминлаш учун вазирлик, идора, уюшма, компаниялар ва бошқа хўжалик бирлашмалари зиммасига модернизация ва янги технологиялар жамғармаларини, тармоқ ва корхонани инновацион ривожлантиришга масъул бўлган таркибий бўлинмалар, зарур ҳолларда эса лойиҳа конструкторлик бюrolарини ташкил этишда хўжалик бошқаруви органлари ва корхоналарга қўмаклашиш вазифаси юклатилган.

¹Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги қонуни. 2019 йил октябрь, ЎРҚ-576-сон. LEX.UZ

29

² Ўзбекистон Республикасининг “Инновацион фаолият тўғрисида”ги қонуни. 2020 йил 24 июль, ЎРҚ-630-сон. LEX.UZ

О.Оқюлов интеллектуал мулк объектарининг савдо-тижоратга оид муносабатлари тартибга солинади, битимда мутлақ ҳуқуқларни амал қилиши ва объектлардан қонунсиз фойдаланишда қўлланиладиган санкцияларга катта эътибор қаратилган, деб уқтиради¹ Албатта, О.Оқюловнинг бу фикрига қўшилиш мумкин.

Маълумки, илмий-тадқиқот ва ихтирочилик фаолияти натижалари ўз-ўзидан интеллектуал мулк объектларига айланиб қолмайди. Илмий-тадқиқот ва ихтирочилик фаолияти натижалари интеллектуал мулк объектларига айланишлиги учун маълум вақт ва харажатлар талаб қилинади. Бу эса, соҳа субъектлари – илмий тадқиқотлар ёки ихтиро муаллифи ҳамда маҳсус ихтисослашган ташкилотлар ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаб қўйилишини тақозо қиласди.

Интеллектуал фаолият натижаларини яратиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги шартноманинг муаллифнинг келгусида муайян турдаги ёхуд муайян соҳадаги интеллектуал фаолият натижаларини яратишини чеклайдиган шартлари ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

ФКнинг 1038-моддасида интеллектуал фаолият натижасига ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи воситага нисбатан мутлақ ҳуқуқ бундай натижа ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи восита ифодаланган моддий объектга нисбатан мулк ҳуқуқидан қатъи назар мавжуд бўлиши белгиланган. Интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқ ФКда ёки бошқа қонунларда назарда тутилган муддат мобайнида амал қиласди. Интеллектуал мулк объектларига нисбатан шахсий номулкий ҳуқуқлар муддатсиз амал қиласди. Қонунда назарда тутилган ҳолларда интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқнинг амал қилиши ундан муайян вақт мобайнида фойдаланилмаслиги оқибатида бекор қилиниши мумкин.

Кўриниб турибдики, шахснинг интеллектуал фаолият билан шуғулланиб турган ижодий фаолияти ва фаолияти натижасида яратилган асари, маҳсулоти

¹ Оқюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқи: умумий қоидалар ва алоҳида объектлар. Дарслик. –Т.: ТДЮИ, 2003. –Б.292

ёки бошқача кўринишдаги ҳосила мулки бевосита қонунчиликда белгиланганидек тўғридан-тўғри қонун билан ва шартномалар орқали ҳимояяга олинган. Яратилган объектлардан фақат муаллиф ёки у ҳукуқ берган шахс ёхуд қонун бўйича унинг ворислари ҳамда меросхўрлари фойдаланиш ҳукуқга эга. Юқорида кўрсатиб ўтилганлар масаланинг бир томони бўлса, масаланинг иккинчи томони бу - шахснинг илмий-тадқиқот натижаларидан фойдаланишда бир қатор ҳал этилиши лозим бўлган қуйидаги муаммоларнинг ёчимини топишидир.

Биринчидан, фуқаро мустақил равищда илмий тадқиқот фаолияти билан шуғулланади. Бу фаолият асар ёки шунга ўхшаш объектлар яратилиши билан якунланса, демак муаллиф бу асаридан эркин фойдаланади, унга ном қўяди, асарини қандай шаклда бўлмасин тарқатишни эркин ўзи ҳал этади. “Муаллифлик ҳукуқи ва турдош ҳукуқлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 34-моддаси хизмат асарига бўлган муаллифлик ҳукуқига бағишлиланган. Хизмат вазифаларини ёки хизмат топширигини бажариш тартибида яратилган асарга (хизмат асарига) бўлган муаллифнинг шахсий номулкий ҳукуқлари асар муаллифида сақланиб қолади. Хизмат асаридан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳукуқлар, агар муаллиф билан иш берувчи ўртасидаги шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, иш берувчига тегишлидир.

Хизмат асаридан фойдаланишнинг ҳар бир тури учун муаллифлик ҳақи миқдори ва уни тўлаш тартиби муаллиф билан иш берувчи ўртасидаги шартномада белгиланади. Иш берувчи билан тузилган шартномадан қатъи назар, муаллиф асар ошкор қилинган вақтдан эътиборан ўн йил ўтганидан кейин, иш берувчининг розилиги билан эса ундан ҳам олдинроқ асардан фойдаланиш ва муаллифлик ҳақини олиш ҳукуқини тўлиқ ҳажмда қўлга киритади. Муаллифнинг хизмат асаридан топшириқ мақсади тақозо этмайдиган усулда фойдаланиш ҳукуқи чекланмайди. Иш берувчи хизмат асаридан ҳар қандай тарзда фойдаланишда ўз номини кўрсатишга ёхуд уни кўрсатишни талаб қилишга ҳақлидир.

Хизмат вазифаларини ёки иш берувчининг хизмат топшириқларини бажариш йўсимида ушбу Конун 17-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган энциклопедиялар, энциклопедик луғатлар, даврий ва давомли илмий ишлар тўпламлари, газеталар, журналлар ҳамда бошқа даврий нашрларнинг яратилишига ушбу модданинг қоидалари татбиқ этилмайди.

Иккинчидан, фуқаро конкурс, грант лойиҳалари, давлат буюртмалари ва бошқа шаклдаги доираларда илмий тадқиқот ишларини олиб бориши ҳамда маълум натижаларни қўлга киритиш мумкин. Бундай ҳолда фуқаро, яъни муаллифнинг ўзи томонидан яратилган илмий фаолияти натижаларига ҳукуқлари қандай таъминланади.

Ҳар қандай молиявий манбага таяниб илмий изланиш олиб бораётган фуқаро, яъни муаллифда, агарда иш берувчи, буюртмачи билан шартнома ёки бошқача келишув мавжуд бўлмаса, муаллиф томонидан олинган илмий натижаларига нисбатан ҳукуқлари унинг ўзидага сақлаб қолинади. Бугунги кунда айниқса, грант лойиҳалари доирасида яратилган асарлар, илмий фаолият натижалари, ишланмалар, ғояларга нисбатан фаолиятни молиялаштирган субъектлар билан муаллифлар ўртасида талашлар кўзга ташланмоқда. Мазкур муаммо бошқа давлатларда бевосита қонун доирасида ҳал этилган. Масалан, Австрия, Дания, Германия, Японияда нисбатан яқинда бюджет маблағлари асосида яратилган “профессорлик имтиёзи” деб номланувчи, лекин бунда, лицензия тўловларидан ҳисса кўринишида интеллектуал мулкни ишлаб чиқувчи муаллифлар манфаатларига риоя қилувчи интеллектуал мулкка бўлган ҳукуқни амалга оширувчи қонунлар жорий қилинди.

АҚШда 1980 йилда қабул қилинган Бей-Доул қонуни университетлар, нотижорат ташкилотлар ва кичик корхоналарга ҳукуматнинг молиявий кўмаги натижасида яратилган кашфиётларга мулк ҳукуқини қўлга киритиш имконини берди. Стивенсон-Уайдлер қонуни эса, ҳукумат илмий тадқиқот лабараторияларида ва федерал бюджет ҳисобига ташқи ҳамкорлар тўғридан-тўғри молияланмаганда ташқи ҳамкорлар билан биргаликдаги тадқиқотлар

давомида олинган, патентланган натижаларига бўлган мулк хуқуқи соҳасига тегишилидир.

АҚШ хукумати ўзи томонидан молиялаштирилган ва яратилган интеллектуал мулкнинг самарали эгаси ҳисобланмайди. Мазкур икки қонун қабул қилинган вақтда АҚШ хукумати, тахминан, 28 000 патент эгаси эди. Бироқ, улардан 5%дан камроғига тижорат мақсадида фойдаланиш учун лицензиялар берилган, холос.

1999 йилда Франциянинг “Инновацион ишланмалар тўғрисида”ги қонуни қабул қилингандан сўнг патент сиёсати соҳасида ўзгаришлар бошланди. Ушбу қонун интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштириш ва университетлар томонидан лицензион фаолиятни амалга ошириш бўйича муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Франциянинг инновациялар ва изланишлар тўғрисидаги қонуни университетларда қилинган ихтиrolар университетнинг мулки ҳисобланишини белгилаб қўйган. Патентлар бозори тўғрисида давлатлардаги ҳолатнинг ўрганилиши бевосита илмий ишланмалар ва ихроларнинг даражасига баҳо беришда катта аҳамият касб этади.¹

АҚШда лицензия билан шуғулланувчи лабаратория ёки агентликни бошлиғи муаллифга ҳар йили биринчи марта 2000 доллар ва кейинчалик тушумлардан 15%дан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўлаши керак. Қолган маблағлар тадқиқот ишларини қайта инвестициялашда фойдаланилиши мумкин. Агар, лицензия тўловларининг суммаси лабараториянинг йиллик бюджети 5%дан ошадиган бўлса, ортиқчаси федерал бюджетга тушади. Ортиқча сумма агентлик ва ғазначилик ўртасида пропорционал равища 25%га 75% миқдорда бўлинади. Шундай қилиб, тўлов тартиби шундай: аввал, муаллиф ўз улушини олади. Кейин у ишлайдиган лабаратория ва охирги навбатда давлат. Бунда, юқори даромадли ҳолатларда давлатнинг улуси энг кўп миқдорда бўлади. Бундай механизм манфаатларнинг низолилик эҳтимолини туширади ва муаллифлар ўз ихтиrolарини яширмаслигини ва

¹Доклад об обмене опытом, касающимся деятельности по наращиванию потенциала в области согласования лицензионных соглашений. Постоянный комитет по патентному праву Тридцать первая сессия Женева, 2-5 декабря 2019 г.

уларни амалга оширишнинг номақбул йўлларини изламаслигини рағбатлантиради.¹

Учинчидан, илмий-техник фаолиятни меъёрий-хуқуқий жиҳатдан таъминлаш ўз ичига ҳукуматнинг илм-фан соҳасидаги қонунчилик ташаббусини қамраб олади. Хориж тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, университетлар ва давлат илмий тадқиқот институтлари номутлақ, лекин лицензия беришни кафолатловчи лицензия олишни афзал кўради, ваҳоланки, хусусий фирмалар ва кичик бизнес субектлари хавф-хатарларни компензация қилиш учун мутлақ лицензия олишни афзал кўради. Лицензия шартномаси бўйича интеллектуал фаолияти натижасига ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи воситаларга нисбатан мутлақ ҳуқуқка эга бўлган тараф (лицензиар) бошқа тарафга (лицензиатга) тегишли интеллектуал мулк обьектидан фойдаланишига рухсат берилади. Масалан, Япония, Хитойда 1998 йилдан то ҳозирги вақтга қадар бу давлатларда, 1980 йил АҚШда қабул қилинган Бея-Доува Стивенсон-Уайдлер² қонунлари асосий принципларини амалда тақрорловчи, қонунчилик ривожланмоқда.

Умуман олганда, ихтиро ва илмий ишланмаларни тижоратлаштириш жараёнига хусусий секторнинг манфаатларини рағбатлантиришнинг асосий принциплари бўлиб бюджет маблағлари асосида яратилган интеллектуал мулк ҳуқуқларининг аниқлиги (равшанлиги) ҳамда давлат бюджети, муассаса маблағлари асосида яратилган худди шундай интеллектуал мулкни яратган интеллектуал мулк ҳуқуқларини тасарруф этиш ваколати берилади.

Бугунги давр Ўзбекистон Республикаси “Давлат маблағлари ҳисобига яратилган интеллектуал мулк обьектларининг ҳуқуқий муҳофазаси тўғрисида”ги қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиши үртага қўймоқда. Қонуннинг асосий мақсади ва вазифаси истиқболли илмий лойиҳаларни баҳолаш, жорий қилиш ва саноатда ўзлаштириш, инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқувчи ва жорий қилувчи корхоналарга, авваламбор, юқори

¹ Закон Бэя -Доула (Bayh-Dole Act) США от 1980 г.

² Гуриев С. Миры экономики: Заблуждения и стереотипы, которые распространяют СМИ и политики, -М., «Альпина Бизнес Букс», 2006. –С.98-99.

техналогияларга асосланган саноат соҳаларига қўшимча рағбатлантириш ва имтиёзлар бериш, ҳамда миллий инновацион тизимни яратиш иборат бўлиши мақсадга мувофиқ. Муоммонинг долзарблиги - давлат манфаатдор бўлган илмий ишлаб чиқаришга инвестицияларни жалб қилиш зарурияти билан боғлик бўлган давлат маблағлари ҳисобига яратилган илмий фаолият натижаларига бўлган хуқуқни тақсимлашдир.

Ҳозирги вақтда МДҲга аъзо мамлакатларининг инновацион фаолият соҳасидаги қонунчилик фаолияти тажрибаларига асосланган андозавий қонун хужжатлари ишлаб чиқилган ва қабул қилинган. Мамалакатимизда ушбу соҳадаги миллий қонунчиликни шакллантириш ва такомилаштиришда ушбу анзозавий хужжатлар ва стандартлардан фойдаланиш ижобий самара бериши мумкин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, “Ўзбекистондаги давлат илмий-техник сиёсати тўғрисида”, “Ўзбекистонда давлат ва нодавлат фондларнинг илм-фанни ривожлантиришдаги иштироки тўғрисида”ги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ. Бу йўналишларнинг амалга ошиши давлат илмий-техник сиёсатини шаклланиш жараёнини қонуний асосларини яратишини, давлат илмий-техник сиёсатини амалга ошириш чоғида давлат ҳокимияти органлари ва илмий-техник фаолият иштирокчилари ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи ўзига хос воситага эга бўлишни тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги қонуни. 2019 йил 29 октябрь, ЎРҚ-576-сон. LEX.UZ
2. Ўзбекистон Республикасининг “Инновацион фаолият тўғрисида”ги қонуни. 2020 йил 24 июль, ЎРҚ-630-сон. LEX.UZ
3. Оқюлов О. Интеллектуал мулк хуқуқи: умумий қоидалар ва алоҳида объектлар. Дарслик. –Т.: ТДЮИ, 2003. –Б.292
4. Доклад об обмене опытом, касающимся деятельности по наращиванию потенциала в области согласования лицензионных соглашений. Постоянный комитет по патентному праву Тридцать первая сессия Женева, 2-5 декабря 2019 г.
5. Закон Бэя -Доула (Bayh-Dole Act) США от 1980 г.

6. Гуриев С., Мифы экономики: Заблуждения и стереотипы, которые распространяют СМИ и политики, М., «Альпина Бизнес Букс», 2006 г., с. 98-99.

Шахло Файзуллаева
ТДЮУ мустақил-тадқиқотчиси

Жаҳон савдо ташкилоти хужжатларида муаллифлик ҳуқуқига оид принципларнинг моҳияти

Бутунжаҳон савдо ташкилоти (БСТ) тизимидағи ТРИПС Битимининг амалда қўлланишида унинг принципларини аниқлаш, уларнинг мазмун-моҳиятини англаш ва уларни амалда қўллаш муҳим ҳисобланади. ТРИПС ҳам муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни муҳофаза қилишга ихтисослаштирилган ҳалқаро конвенция ва битимларга ўхшаб ўзининг принципларига эга. Бу принциплар “Миллий тартиб” принципи; “Узлуксиз ҳимоя қилиш” принципи; “Ҳимоя қилишнинг эркинлиги” принциплари бўлиб, бу принциплар ТРПС амалда қўлланаётган миллий қонунчилик билан нисбатанни белгилаб беради. Бу принциплар Бернъ, Рим ва бошқа конвнекциялар белгиланган, уларнинг мазмуни ва қўлланиш тартиби мазкур тадқиқот ишининг олдинги бобларида атрофлича тушунтириб берилган.

ТРИПСнинг “*миллий тартиб*” принципига кўра аъзо-давлат ўзининг муаллифи ёки бошқа ҳуқуқ эгаларига қандай имтиёз ва имкониятлар яратса, ушбу битимнинг аъзоси бўлган бошқа давлатларга ҳам худди шундай ҳуқуқ ва имкониятлар беради. Аксинча, битимнинг аъзоси бўлган аъзо-давлат ўз муаллифлари ёки бошқа ҳуқуқ эгаларига қандай имтиёз берса, бошқа давлатга ҳам шундай имтиёз таъминлайди. Шунга кўра Битимнинг бу принципи аъзо давлатларнинг бир-бирлари олдида тенгликни таъминлайди. Принципга кўра аъзо-давлат бошқа бир давлат устидан ҳукмронлик қилиш ёки устиворлик қилиши мумкин эмас.

ТРИПСнинг “*узлуксиз ҳимоя*” принципи шундай принципки, унга кўра битимнинг аъзоси бўлган давлатда унинг аъзоси бўлган бошқа давлатларнинг муаллифлари вафот этган кундан бошлаб ҳуқуқлари узилмасдан, яъни бирор-

бир расмиятчиликка риоя этмасдан, хуқуқлари ҳимоя қилинишида давом этаверади. Бунда Битимнинг аъзоси бўлган давлат бошқа аъзо давлатларнинг тегишли идора ва ташкилотларига муаллифлари ёки уларнинг меросхўрлари хақида хабар юборса, узлуксиз ҳимоя ҳимояни таъминлашга асос бўлади.

ТРИПСнинг “ҳимоя қилишининг эркинлиги” принципи шундай принципки, унга кўра унинг аъзоси бўлган давлатда Битимнинг аъзоси бўлган бошқа давлат муаллифлари ёки хуқуқ эгаларининг тегишли хуқуқлари ҳеч бир тўсиқларсиз муҳофазага олинади, яъни муаллифлик хуқуқларини муҳофаза қилиш эркин амалга оширилиши лозим бўлади.

ТРИПСнинг бу принциплари Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик хуқуқи ва турдош хуқуқлар тўғрисида”ги Конунининг 3-моддасига кўра амалда таъминланади. Яъни, ТРИПСнинг 1(3) ва 3, Берннинг 5-моддалари мазмуни бир-бирига мос келиши керак. Халқаро актнинг қоидаси устиворликка эга бўлиб, миллий қонунчилик билин муҳофаза қилинаётган обьектлардан фойдаланилаётганда коллизия келиб чиққанда, халқаро хуқуқий акт қўлланади. Бир сўз билан айтганда, халқаро хуқуқ нормаларининг давлат ички нормаларидан устиворлиги, ташқи алоқаларни ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама келишувлар асосида ривожлантириш давлатимизнинг халқаро даражада обрўйини янада оширади. Шундай экан, миллий қонунчиликда халқаро норманинг акс эттирилгани, муаллифлик хуқуқи обьектларининг савдоси (айирбошланиши)ни ташкил этишни енгиллаштиради.

ТРИПСда ўрнатилган миллий тартиб принципи орқали бир вақтнинг ўзида бошқа универсал шартнома қоидаси ҳам амалда қўлланади. Бу принцип ҳам муаллифларга, ҳам улар томонидан яратилган асарларга, ҳам халқаро савдога чиқарилган барча обьектларга нисбатан қўлланади. Бернъ конвенциясида кўзда тутилган миллий тартиб принципи ТРИПСда ўрнатилган миллий тартиб принципидан қўлланиш ҳудуди, қўлланиш тартиблари ва режими билан фарқланади. Агарда, Бернъ конвенциясида кўра унга аъзо-давлатлар ўз муаллифлари каби хорижий муаллифларга ҳам бир хилдаги режимни қўлласа, ТРИПСда муаллифлик хуқуқининг обьектларига утворлик

берилади. Масалан, ТРИПСнинг 1(3)-моддаси, Рим конвенциясининг тегишли нормалари берилаётган ҳимоянинг етарли даражаларини белгилаб, “миллий тартиб” принципи асосида фонограмма ишлаб чиқарувчи жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқини мустаҳкамлаган. Рим конвенциясининг 5(3) ва ТРИПСнинг 1(3)-моддаларига асосан миллий қонунчиликда хорижий субъектлар манфаатларини таъминлашга қаратилган қуйидаги норма ўз аксини топган: Башарти, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланади”. Бу қоида ТРИПСнинг ҳеч бир монеликсиз принципларининг устиворлигини таъминлайди. Мисол қилиб айтадиган бўлсак, АҚШ, Буюкбритания, Франция ва бошқа давлатларнинг ютуғи юқори технологияларни жорий қилиш ва унга юксак интеллектуал фаолиятнинг жалб этилиши катта натижалар берганини бугун бутун дунё яхши билади.¹

ТРИПСда муҳофаза олинган алоҳида турдаги объектларга нисбатан бошқа универсал шартномаларнинг қоидалари ўртасида нисбий тушунчалар мавжуд. Масалан, қонунимизда белгиланган ҳосила асарлар, асар қисмлари, асарлар яратилишини ташкил қилувчи шахсларнинг яратган асарларига нисбатан муаллифлик ҳуқуқлари тегишли бўлади. Ушбу қоида Бернь конвенциясининг 2(5)- ва ТРИПСнинг 10(2)-моддалари талабларига жавоб беради.

Юқоридагиларга кўра айтиш керакки, соҳага оид халқаро актлар бир томондан халқаро-хуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлса, иккинчи томондан халқаро ташклотнинг юридик табиатини ҳам кўрсатади. Халқаро ташкилотнинг юридик табиати учун асосий нарса шундаки, унинг мақсадлари, фаолияти тамойиллари, ваколатлари, тузилиши ва бошқалар келишилган шартномага асосланган бўлади.²

¹ Каримов Р.Узбекистан на пути к новой экономике. Правда Востока, 10 июля 2002 года. №132 (24820)

²Сайдов А.Х. Халқаро ҳуқуқ .Т.: Адабиёт жамғармаси, 2001. -Б.170

Юқоридагиларга кўра қуидаги ҳолатларни алоҳида кўрсатиш мумкин. Ўзбекистон БСТга аъзо бўлгандан сўнг бошқа халқаро актлар билан бирга ТРИПС қоидалари ҳам баравар амалда бўлади. Шу ўринда таъкидлаш керакки, республикамиз томонидан БСТга аъзо бўлишида унинг 18 та Битимини ратификация қилишнинг имкони йўқ. Агарда, биргина ТРИПСни олиб қарайдиган бўлсак, бу битимга аъзо бўлиш учун аввал интеллектуал мулк ҳукуқига оид ўндан ортиқ мустақил, халқаро, универсал конвенция ва шартномаларни имзолаш керак бўлади. Яъни, ТРИПСга аъзолик бошқа бир қатор халқаро актларнинг имзоланишига боғлиқ. Мана шу жойда Ўзбекистон Республикасининг “Халқаро шартномалари тўғрисида”ги Қонуннинг талабларини қўллашда маълум чекланишлар келию чиқиши мумкин. Хусусан, Қонуннинг Ўзбекистон Республикасининг ратификация қилинадиган халқаро шартномалари 14-моддасида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари Олий Мажлис томонидан ратификация қилинади, деб кўрсатилган. Қуидагилар: Ўзбекистон Республикасининг ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномалари; давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисидаги шартномалар; Ўзбекистон Республикасининг мудофаа қобилиятига дахлдор масалалар бўйича шартномалар; куч ишлатишдан ёки куч ишлатиш билан таҳдид қилишдан ўзаро воз кечиш тўғрисидаги шартномалар; тинчлик шартномалари ва коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартномалар; Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан ҳудудий чегараланиши тўғрисидаги шартномалар; Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро иттифоқларда, халқаро ташкилотларда ва бошқа бирлашмаларда иштироки тўғрисидаги шартномалар; ижроси амалдаги қонунларнинг ўзгартирилишини ёки янги қонунлар қабул қилинишини тақозо этадиган, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг қонунларида назарда тутилганидан бошқача қоидаларни белгилайдиган халқаро шартномалар ратификация қилиниши белгиланган. ТРИПСга аъзолик миллий қонунларни ўзгартиришни талаб этади, лекин юқорида айтилганидан ушбу Битим бошқа мустақил халқаро актларнинг

муҳим нормаларидан ташкил топган ва у актларга қўшилмагунча, ТРИПСга қўшилишнинг имкони бўлмайди. Шунга кўра, республикамизнинг халқаро шартномаларга ратификация орқали аъзо бўлиши янги қонун лойиҳаларида атрофлича тушунирилиши, халқаро шартномаларнинг мақоми белгилаб берилишига тўғри келади.

Юқорида кўрсатилган муаммоларнинг ечими топилса, республикамизнинг муаллифлик ҳуқуқига оид халқаро мажбуриятлари, хусусан ТРИПСнинг бажарилиши таъминланади. З.Акрамходжаева ҳам Ўзбекистон БСТга кириш учун ТРИПС Битими талабларига ўз қонунларини мослаштириши керак. Мазкур Битим негизида мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усулларини такомиллаштириш ва самарли механизм яратиш ғоялари ётади, ҳисоблайди.¹

Юқоридагилардан ташқари, ҳуқуқ эгаси ўзига тегишли ҳуқуқни ўз ҳоҳишига кўра шахсан амалга оширишга ҳақлидир. ТРИПСда ва миллий қонунчиликда белгиланган ҳуқуқларни муаллифлар жамоавий бошқарувчи ташкилотлар орқали ҳам ҳимоя қилиши мумкин. ТРИПСда қандай тартибда бўлиши аниқ кўрсатилган. Шунга кўра, мулкий ҳуқуқларни жамоавий бошқарувчи ташкилотлар тузилиши ва улар бошқарилиши ТРИПС манфаатларига мос келади. Умуман олганда, ТРИПС муаллифларнинг мулкий-иктисодий муаммоларига ҳам катта эътибор билан қарайди. В.М.Шумилов БСТ ва унинг халқаро Битимларини тадқиқ қиласар экан, бу халқаро ташкилотнинг ҳуқуқий мақомига дахлдор бўлган иқтисодий ҳуқуқларни тизимлаштиради, халқаро актларнинг регламенти, ҳуқуқий режимини белгилаб, тушуниришга ҳаракат қилган.²

Б.Тошев таъкидлаганидек, ТРИПС Битими билан боғлиқ юқорида кўрсатилган ҳуқуқий ва ташкилий муаммолар ҳал этилса, республикамиз муаллифлик ҳуқуқига оид халқаро мажбуриятларини бажаришда, БСТга аъзолигида янги муаммоларнинг олдини олишда, асар яратувчиларининг

¹ Акрамходжаева З.С. Интеллектуал мулк ҳукукини фукаролик- ҳукукий ҳимоя қилишни такомиллаштириши муаммолари. Юрид..фан.номзод..диссер...авторефати.-Т.: ТДЮИ,, 2008. -Б.15

² Шумилов В.М. Всемирная торговая организация. Право и система. –Москва.: ТК “Велби”, 2006. С-208

